

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК
ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ**

АШИРБОЕВ САМИХОН

**ЎЗБЕК ТИЛИ ГРАММАТИК
ҚУРИЛИШИНING ЎРГАНИЛИШ
ТАРИХИДАН**

**(XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларидаги
тилшунослик вазияти)**

**“Nodirabegim” нашриёти
Тошкент – 2020**

КБК: 67.400(5Ў)

С 21

УЎК: 94.(575.1)342.228

Аширбоев Самихон.

Ўзбек тили грамматик қурилишининг ўрганилиш тарихидан [Матн] : монография / С. Аширбоев. – Тошкент: Nodirabegim, 2020. – 88 б.

Монографияда ўзбек тилшунослигининг кам ўрганилган даври ёритилган. Унда XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларидаги рус ориенталистларининг ўзбек тили бўйича яратган асарлари таҳлил қилинади. Бу асарлар гарчи илмий асарлар даражасига етмаган бўлса-да, унда ўзбек тилининг грамматикасига оид назарий ва амалий билимлар ўз ифодасини топган. Асар муаллифларининг барчаси ҳам филологик маълумотга эга бўлмаган, шунинг учун ҳам таҳлилга тортилган асарларнинг савияси турличадир. Бу асарларда ўзбек тилининг асосий хусусиятлари ёритилган бўлиб, рус кишисининг ўзбек тилини амалий ўрганишлари учун асос бўлган ва бу жараёнда шу даврга хос ўзбек тил билими юзага келди.

Монография ўзбек тилшунослиги тарихи билан қизиқувчи барча филологларга мўлжалланган.

The monograph covers the less studied period of Uzbek linguistics. It analyzes the works of Russian orientalists on the Uzbek language in the late XIX and early XX centuries. Although these works did not reach the level of scientific works, they reflected theoretical and practical knowledge of the grammar of the Uzbek language. Not all authors of the work have philological knowledge, so the level of the analyzed works varies. In these works, the main features of the Uzbek language are described in the works, which became the basis for the practical study of the Uzbek language by the Russian man, and in the process, the Uzbek linguistics of this period emerged. The monograph is intended for all philologists interested in the history of Uzbek linguistics.

Тақризчилар:

Нормаматов С., Алишер Навоий номидаги ТДЎТА университети профессори, филология фанлари доктори.

Адилова С., Низомий номидаги ТДПУ доценти, филология фанлари номзоди.

Монография Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат Ўзбек тили ва адабиёти университети Кенгаши йиғилишининг 2020 йил 28 августдаги 1-сонли қарори билан нашрга тавсия этилган.

© С. Аширбоев.

ISBN 978-9943-0599-4-8

© “Nodirabegim” нашриёти, 2020.

Кириш

Ҳозирги мустақил Ўзбекистоннинг Давлат тили бўлган ўзбек тили ўтмишда қандай номланганлиги ва қайси давлат шароитида иш кўрганлигидан қатъи назар, ҳар доим илмий, амалий жиҳатдан ўрганиб келинган. Тўғри, ўзбек тил билими бир хилда ва бир текисда тараққий қилмади: ўрта асрларда араб тилшунослиги, янги асрлардан бошлаб эса рус тилшунослиги йўналишида ривожланди ва ҳозир ўзбек тилшунослиги мустақил тилшунослик сифатида ўз тараққиёт йўлини давом эттирмоқда. Шубҳасиз, туркий тил билими таркибида назарий ва амалий муаммоларни ёритишда унинг олдинги қаторида бормоқда.

Ўзбек тилшунослигининг дастлабки пойдевори асримизнинг 20-30-йилларида қўйилди. Бунда таниқли тилшунос олимлар: Е.Д. Поливанов, К. К. Юдахин, А. К. Боровков, В. В. Решетов; маҳаллий олимлар: Ғ. О. Юнусов, Минавварқори Абдурашидов, Абдурауф Фитрат, Қайюм Рамазон, Шорасул Зуннун, Улуғ Турсуновларнинг хизматлари буюкдир.

50-йилларга келиб, ўзбек тилшунослиги сифат ва миқдор жиҳатдан ўсди. Бу даврда ўзбек тилшунослиги таниқли олимлар билан бойиди. Бу даврдаги олимлар ҳозирги ўзбек тили назарияси, унинг шевалари, тилимиз тарихи, ўзбек графикаси ва орфографияси, луғатлари бўйича тадқиқот ишларини олиб бордилар. Айни чоғда улар ўзбек тилшуносларининг муносиб ва истиқболли янги авлодини тарбиялаш ишида фаол қатнашдилар.

Шуниси қувончлики, бу давр олимларидан В. В. Решетов, Ш. Ш. Шоабдурахмонов, Ғ. Абдурахмонов, А. Ҳожиев, Э. Фозилов, И. Қўчқортоев, А. Рустамовлар Ўзбекистон Фанлар Академияси аъзолари бўлдилар.

Сўнгги йилларда фанга ёш истиқболли авлоднинг вакиллари кириб келди. Улар келажак олимлари бўлиб, ўзбек тилшунослигининг кейинги тақдирини белгилашлари лозим бўлади.

Ўзбек тилшунослиги XX асрнинг ўрталарида юксак тараққиёт босқичига чиқди. Ўтган давр ичида ўзбек тилининг хусусиятларини акс эттирган дарслик ва қўлланмалардан ташқари юзлаб монографиялар, брошюра ва мақолалар босилиб чиқди. Ўзбек тилшунослиги ўзи шаклланган даврдан бошлаб турли босқичларни босиб ўтди, яъни у ўзбек тилининг элементар фактларини акс

этиришдан йирик илмий муаммоларни умумлаштирган фан даражасига кўтарилди. Бу эса ўз навбатида шу фаннинг тараққиёт тарихининг ўрганилишини кун тартибига келтириб қўяди, чунки А. Н. Кононов уқтириб айтганидек: “Ҳар қандай предметнинг (фаннинг -А.С.) тарихи фақат бирон шахснинг босиб ўтган ёки ютуқлари ва муваффақиятсизлигини эслаб қолишгина эмас, балки келажакдаги изланишнинг йўналиши, кўпинча усулини ҳам кўрсатади; бу билан тадқиқотчини аввалгилар йўл қўйган хатоликлардан ҳоли қилади [Кононов, 1972, 8].

Фан тарихини ўрганиш ҳозирги замон фанининг асосий масалаларидан биридир. Шунинг учун ҳам А.Н.Кононов туркий тилларнинг ўрганилиш тарихини ёритишни долзарб масала ҳисоблаган [Кононов, 1968, 9].

Ушбу ишда таҳлил қилинадиган асарлар соф амалий мақсадда (чунки бу асарлар ўзбеклар билан муносабатда бўладиган рус кишисига мўлжалланган) яратилганлигидан унинг материали жонли шевалардан ва қисман ёзма асарлардан олинган. Бундан бу асарларда шевалар грамматикаси ўрганилган деган хулоса чиқмайди. Ундан ташқари, бу асарларда рус кишисининг эҳтиёжи қондирилиши кўзда тутилган. Шунинг учун ҳам у давр грамматикаларини анализ қилиш қанчалик аҳамиятга эга деган фикр ҳам туғилиши мумкин.

Машҳур араб тилшунослигининг вужудга келишини А. В. Звегинцев қуйидагича изоҳлайди: “Арабларда тил ҳақидаги фан ... диний асарлар тили ва жонли тил орасидаги фарқнинг юзага келиши ва жонли тилнинг вақт ўтиши билан диний асарлар тилига сезиларли таъсир қила бошлаши ... классик араб тилини кўп сонли араб диалектларига қиёс қилиш туфайли туғилди” [Звегинцев, 1956. 15]. Демак, ўрганилаётган давр тилшунослиги ҳам амалий эҳтиёждан пайдо бўлганлиги тасодиф эмас. Бу каби амалиёт олдинлари ҳам бўлганлини юқоридаги ҳаволадан билса бўлади.

Маълумки, ўзбек тилшунослиги туркий тилшуносликнинг узвий бир қисми ҳисобланади. Шу туфайли ҳам XIII асрнинг охири ва XIV асрнинг бошларига қадар бўлган ёдгорликларнинг лингвистик тадқиқотларини туркий тилшуносликнинг (туркология) умумий мулки деб қараш тўғри бўлади. Ўзбек тили мустақил тараққиёт босқичига ўтгандан кейинги ёдгорликлар тили бўйича олиб борилган барча тадқиқотлар ўзбек тилшунослигидир. Шунини айтиш лозимки, илмий тадқиқот ишлари турли тилларда олиб борилса-да, унинг

объекти қайси тил бўлса, шу тилнинг тишунослиги, фани деб қаралади. Шу маънода туркий ва ўзбек тили ёдгорликларининг араб, форс ва рус тилларида тадқиқ қилиниши шу тиллар тадқиқоти эмас, балки бу ўринда туркий ёки ўзбек тили тадқиқоти деб қаралади, чунки тадқиқот объекти туркий ва ўзбек тилидир. Бу фикр бежиз айтилаётгани йўқ, унинг боиси ушбу тадқиқот айна ўзбек тили объект бўлган, лекин рус тилида яратилган асарлар таҳлилига бағишланган. Уларнинг юзага келиши эса XIX аснинг 2 ярмидаги ижтимоий-тарихий воқеалар билан боғлангандир.

XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида ўзбек халқи ва тилининг номланиши тўғрисида

Ўзбек деган ном ўзбек халқи ва унинг тилига нисбатан қўлланиши Ўзбекистоннинг собиқ Иттифоқда миллий Республика деб юритилиши муносабати билан расмий тус олди ва у 1936 йилги Конституцияда акс этди. Н. А. Кононов “ўзбек”, “ўзбек тили” номларининг ўтмишда кўчманчи ва ярим кўчманчи ўзбек қабиаларига нисбатан айтилгани ва Сирдарё, Фарғона водийси ҳамда Амударё бўйи аҳолисининг бир қисми нисбатан эса “сарт”, “сарт тили” юритилганини ёзади [Кононов, 1960, 9]. Бу фикр Н. Остроумовнинг “Туркестанские ведомости” газетасининг 1884 йил 28-31-сонларида босилган мақоласи ва шу муаллифнинг “Этимология сартовского языка” (Тошкент, 1910) асаридаги маълумотларига монандир. Шунинг таъкидлаш жоизки, А. Н. Кононовнинг ўзбек тили ҳақидаги фикрлари ҳақиқатдан жуда узоқ эмас, чунки ўзбек деган ном тарихий манбаларда кўрсатилишича, “Дашти Қипчоқ” аҳолисига нисбатан қўлланган [Аҳмедов, 1992, 5], лекин *сарт* деб юритилиши расмий тус олмаганлиги ва бу ном Туркистоннинг шаҳар аҳолисига нисбатан руслар ва татарлар томонидан айтилганлиги, ҳозирги ўзбекларни англатувчи *сарт* номи нотўғри қўлланганлиги 1914 йилдаёқ Маҳмудхожа Бехбудий томонидан исботланган [Бехбудий, 1914, 314].

Сарт сўзининг қайси элатга нисбатан қўлланиши ва луғавий маъноси XX асрда ва ундан кейин ҳам адабиётларда кенг муҳокама қилиб келинган. Н. Остроумов унинг даврида ва ўзидан аввалги даврдаги барча фикрларни йиғиб, юқорида номи зикр этилган газетада “Значение и название сарт” деган каттагина мақола эълон қилган. Гарчанд, бу мақолада ўзининг шахсий хулосаси берилмаса-

да, биз учун қимматли бўлган фикрларни ҳам келтиради, жумладан, Г. Лерхнинг “Rusishe Revue” (Das Rusishe Turkestan, 1872, 1-30 саҳифалари) мақоласидаги фикрлар билан таништириб, *сарт* сўзи қадимги эрон (зенд) тилидаги *ksatra* сўзидан олинганлиги ва унда юз берган фонетик ўзгаришларни тилшунослик позициясидан туриб тушунтиради ҳамда *шаҳар* маъносини англатганини келтиради [Остроумов, 1884, 28]. Таниқли тилшунос Е. Д. Поливанов ҳам *сарт* сўзининг “эроний ва эронлашган” ўзбекларга нисбатан қўлланганлигини ҳамда этник эмас, балки социал-иқтисодий асосга эга эканлиги таъкидлаган [Поливанов, 1926, 14]. Маълум бўладики, *сарт* сўзи эроний халқлар тилига мансуб бўлиб, *шаҳар халқи* деган тушунчани англатган. Шу туфайли ҳам, Алишер Навоий *сарт* сўзини тожиклар тилига нисбатан ишлатган. Заҳриддин Муҳаммад Бобур эса, умуман, шайбоний ўзбекларини турғун халқ: ҳам тожик, ҳам маҳаллий ўзбеклардан фарқлаш учун бу сўздан фойдаланган. Ўзбек номи мазкур халқ ва унинг тилига нисбатан расмий ном сифатида қўлланганига қадар чигатой, турк, туркий, Ўрта Осиё туркчаси, туркистонча, туркча каби номлар билан адабиётларда берилган.

Тарихдан маълумки, XIII асрнинг охири ва XIV асрнинг бошлари туркий халқлар ва тиллар тараққиётида муҳим бир давр бўлган. Бу даврда Сибир, Мўғулистон, Хитой (Уйғуристон), Марказий Осиё, Волга бўйи, Кавказ орти, Украина, Молдова, Белорус, Византия мамлакатлари бўйлаб тарқалган туркий халқлар бир неча қардош халқларга ва, оқибат натижада, бир неча қардош туркий тилларга ажралиб кетди. Бунинг натижаси ўлароқ, туркий тиллар оиласи юзага келди. Уларнинг аксарияти қарлуқ, қипчоқ, ўғуз гуруҳларининг бири негизида вужудга келган бўлса, айримлари ҳар учала уруғ қабила гуруҳининг бирлиги негизида шаклланди. Кейинги гуруҳга ўзбек тили дахлдордирки, у ҳозир санаб ўтилган уруғ-қабилаларнинг унсурларини бирлаштирган. Шу туфайли ҳам ўзбек тили турли даврларда турлича номланган. Демак, ўзбек халқи ва унинг тили қарлуқ, қипчоқ, ўғуз қабила-уруғлари негизида таркиб топган [Решетов, Шоабдурахмонов, 1962, 33].

Энди юқоридаги номланишларнинг ўзбек тилига нисбатан қўлланишларига тўхталамиз. Туркий, туркча, турк сўзлари кенг ва тор маъноларда барабар қўлланган, яъни ҳам барча туркий тилларни, ҳам фақат ўзбек тилини англатган. У номларнинг ўзбек тилига нисбатан қўлланиши айни замонда уни форс, араб тилларидан фарқлаш

вазифасини ҳам бажарган. Бу, айниқса, Алишер Навоий асарларида ёрқин кўринади:

Кўнгул вермиш сўзумга турк жон ҳам,
Не ёлғуз турк, балким туркмон ҳам.

Турк, туркча, туркий сўзларининг ўзбек деган маъноси форс ва араб тилларига зид қўлланиши натижасида пайдо бўлган, яъни у ўтмишда адиблар, олимларимизнинг ижодда уч тилдан фойдаланиш анъанаси билан боғлиқдир. Бу анъана яқин ўтмишимизда ҳам мавжуд эди.

Ўрта Осиё туркчаси, туркистонча деб аташ Европа ва рус ориенталистлари асарларида қайд қилинади ва ўзбек тилини кенг тарқалган туркий тиллардан фарқлаш учун истифода қилганлар. *Ўзбек* деган номнинг ҳозирги ўзбекларга ва унинг тилига нисбатан қўлланиши тўғрисида У.Турсунов, Б. Ўринбоевлар дарслигида ўринли умумлаштирилган: “Шайбоний Туркистон ва Дашти Қипчоқдан бостириб киргандан сўнг кўчманчилар билан ерли қабилалар аралашиб кетади ва ўзбек ибораси (номи - А.С.) уларнинг умумий номи бўлиб қолади. Унинг тили ўзбек тили деб атала бошланди [Турсунов, Ўринбоев 1982, 30].

XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX асрнинг бошларида Марказий Осиёдаги тарихий шароит ва ўзбек тилига оид асарларнинг юзага келиши

XIX ва XX асрларда Россия билан Марказий Осиё хонликлари ўртасида иқтисодий ва сиёсий муносабатлар ривожланиб кетди, чунки Ўрта Осиёнинг рус товарларига бўлган талаби кучли эди. Шунингдек, Ўрта Осиёда етиштириладиган ипак, пахта, қуруқ мева ва ҳоказолар Россия учун зарур эди. Бундан ташқари, ип ва жун каби маҳсулотлар Россияда етиштирилар ва бу ерларга олиб келиб сотилар эди. 1847 йилдан бошлаб Ўрта Осиё Россия аскарлари томонидан босиб олина бошланди. 1865 йил 16 июнь куни Тошкент полковник Черняев томонидан ишғол қилинди. Аста-секин Бухоро ва Қўқон хонликлари ҳам Россияга қарам бўлиб қолдилар ҳамда шу тариқа ўзбек халқи Чор Россиясининг истибдодида яшай бошладилар. Шу билан бирга, Марказий Осиёга биринчи навбатда рус чиновниклари, ҳар хил савдогарлар, рус зиёлиларининг жуда кўп намояндалари: олимлар, ўқитувчи, демократик кайфиятдаги амалдорлар, ишчи ва деҳқонлар ҳам кела бошладилар. Улар шаҳарнинг доимий аҳолиси

бўлиб қолдилар. П. П. Семенов-Тяньшанский, Н. А. Северцов, А. Н. Федченко, И. В. Мушкетов, Р. Д. Романовский ва бошқа кўпгина рус географлари, геологлари, адабиётшунослари келди. В. В. Бартольд, Н. Н. Веселовский ва унинг шериклари Марказий Осиё халқларининг тарихи ва маданиятига доир материалларни тўплаш ва умумлаштиришда иштирок этдилар. Кўриниб турибдики, саналганлар қаторида тилшунослар акс этмаган, чунки тил ўрганиш улар учун иккинчи даражали эди. Уларни, асосан, Марказий Осиёнинг табиий бойликлари қизиқтирар эди. Шунга қарамасдан, Марказий Осиёдаги амалдорлар маҳаллий халқлар тилини ўрганиш эҳтиёжини сеза бошладилар. Шу туфайли ҳам уларга ҳукмронлигининг дастлабки йилларидаёқ ўзбек ва бошқа маҳаллий тилларга оид луғатлар, уларга илова равишда грамматик очерклар яратила бошланди. Бу тадбирлар прогрессив мақсадларда амалга оширилмаган, балки Чор Россиясининг колонизаторлик манфаатларига қаратилган эди, чунки аҳолидан, муҳимроғи, табиий бойликлардан фойдаланиш учун маҳаллий халқлар тилини ўрганиш зарур эди. Мана шу эҳтиёж Чор ҳукумати олдиға маҳаллий халқ тарихи, этнографияси, адабиёти ва тилини ўрганиш билан шуғулланадиган маълум бир ташкилотни вужудға келтириш вазифасини ҳам келтириб қўйган эди. Шу мақсадда Тошкентда Шарқшунослик жамияти бўлими (“Отделение общества Востоковедения”) ташкил қилинди. Бу бўлимни таъсис этишға бағишланган мажлис 1901 йил 14 апрелда бўлиб ўтади. Шу билан бирга, унинг шуғулланадиган масалалари аниқланди. Булар ичида руслар учун маҳаллий сарт (ўзбек), форс, қирғиз тилларида, тузем халқлари учун сарт тили амалий курсларини ташкил этиш, Туркистон ва қўшни мамлакатлар турмуши, тили ва одатларини ўрганиш, шарқшуносликнинг барча соҳалари бўйича рус тилида асарлар нашр қилиш каби масалалар ҳам бор эди [Лунин, 1962, 130].

Тарихий адабиётларда шу даврдаги русларнинг Марказий Осиёға келиши билан мактаб, маориф, илм-фан ва савдо қабиларнинг шаклланиши ва тараққий этиши каби масалалар бир томонлама бўлса ҳам, ёритилган, лекин ўзбек тилининг ўрганилиши борасида фикрлар учрамас эди. Бу борада фақат А. К. Боровковгина дастлабки маълумотларни берган, холос [Боровков, 1942, 279]. Таъкидлаш жоизки, руслар томонидан ўзбек тилининг ўрганилиши Марказий Осиё халқлари кучидан фойдаланиш ҳамда ҳарбий ишларни енгиллаштириш учун зарур эди. Бундай ғоя ўша даврда луғат ва

грамматик очерклар тузганларнинг ўз сўзларида ҳам акс этган, жумладан, В. Старчевский шундай ёзади: “Ўрта Осиёнинг ғарбий қисмларини босиб олганимизга 12 йил бўлди ва босиб олишни яна давом эттирмоқдамиз. Бу ерга ҳар йили минглаб рус кишилари, катта миқдордаги ҳарбийлар, амалдорлар, руҳонийлар, савдо ходимлари, фабрикантлар ва саноатчилар юборилмоқдаки, улар бир неча тилда гаплашадиган мусулмонлар тили билан ҳеч ҳам таниш эмаслар, афсуски, шу давргача бу ерга юборилганлар араб алифбосидан беҳабар ва уни ўрганиш имконияти бўлмаган, чунки мустақил ўрганиш учун қўлланмалар яратилмаган. Ўрта Осиёни қўлга киритдик, лекин атрофингдаги тилларни билмаслик ва тушунмаслик қимматга тушиши мумкин” [Старчевский, 1878, 1]. И. А. Беляев шундай дейди: “Тузем аҳолиси тилларини билмаслигимиз фақат бу ердаги кундалик ҳаётимизда эмас, балки ўлканинг барча жабҳасига раҳбарлик қилишимизга тўсқинлик қилади ва уларнинг олдини олиш учун катта куч ва маблағ сарфлашимизга тўғри келади” [Беляев, 1906, 3]. Маълумки, XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларига келиб, Туркистонга юборилган руслар турғунлашиб қолдилар. Энди араб графикасидаги ёзувни ўқиш ва ёзишни ўргатадиган асарларга, икки тилли луғатлар ва улардан фойдаланиш йўлларини кўрсатувчи грамматик очеркларга эҳтиёжлик сеза бошладилар. Шу муносабат билан қуйидаги асарлар юзага келди:

1. **Терентьев М.** Грамматика турецкая, персидская, киргизская и узбекская. (СПб. 1875). Асар номидан кўриниб турибдики, бу даврда аксарият муаллифлар томонидан *сарт* дейилган тилни у ўзбек тили деб юритмоқда. Унда ўзбек тили грамматикаси 160–209-саҳифаларга жойлаштирилган.

М. Терентьев асарнинг кириш қисмида ўзбек тилининг усмонли турк ва татар тилларидан фарқланадиган хусусияти борлигини ҳамда унинг эски ўзбек адабий тилига (чиғатой) нисбатан такомиллашганлиги ҳақида сўз юритади, муҳими, у ўзбек тилининг чиғатой деб номланиши нотўғри эканлигини ва тилни ҳукмдор номи билан аташ халқ номи билан аташга нисбатан асоссиз эканлигини айтгани ҳолда, шу даврдаги ўзбек тилини З. М. Бобур давридагига нисбатан такомиллашган деб билади, шунингдек, ўрганилаётган давр ўзбек тили (*тил* термини ўрнида *лахжа-наречие* терминини қўллайди ҳам) маҳаллий шеваларининг қайси ҳудудларга жойлашиши билан боғлиқ равишда форс (тожик), озар, рус тилининг таъсири борлиги (161) тўғрисида фикр юритади. Айниқса, Ҳ. Вамберининг “Чиғатой

тили” (Cagataische Sprachstudien, Leipzig, 1867) асарига тўхталиб, баъзи ўринларига жиддий эътирозларини билдиради ва, бизнингча ҳам, улар асоссиз эмас. Ўйлаймизки, Ҳ. Вамберининг бу асари махсус тадқиқот объекти бўлади ва унда М. Терентьевнинг бу танқидий фикрлари эътиборсиз қолмайди. Кириш қисми турк ва ўзбек тилларидаги фонетик, семантик фарқларни кўрсатиш билан яқунланади.

Асар ҳарбий талаблар билан яратилган. Бу асар Халқ Маорифи вазирлигининг илмий қўмитаси (Ученый комитет Министерство Народного Просвещения”) томонидан тасдиқланган. [Боровков, 1942, 281].

Тарихий ва лингвистик асарларда М. Терентьевнинг ҳарбий (майор) ва ТКЛАнинг (Туркестанский клуб любителей археология) фаол аъзоси бўлганлиги ҳақида маълумотлар бор.

2. **Старчевский А. В.** Узбекский язык. Бу асар унинг “Спутник русского человека в Средней Азии” (СПб., 1878) асарига киритилган бўлиб, ўзбек тилининг грамматик қурилишини ақс эттиради. Бу асар ҳам ҳарбий талаблар билан юзага келган бўлиб, сартча-русча луғатга илова қилинган. А. В. Старчевский ўз асарини “Узбекский язык” деб атаган, лекин тил фактларини изоҳлашда *туркий тил* деган терминга кўпроқ мурожаат қилади. Шунингдек, бу асарни ёзишда И. И. Ильминский, В. В. Григорьев каби бир қатор таниқли тилшунослар асарлари билан бирга, “Абушқа”дан ҳам фойдаланганлигини таъкидлайди. Унинг мазкур асарида ўзбек тили фактлари кўп ўринда бузиб кўрсатилади.

А. В. Старчевский Ҳ. Вамбери томонидан туркий тилларнинг: 1) хитой-татар ёки кошғар тили, 2) асл чиғатой ёки ўзбек (Ўзбек) туркийси, 3) туркман тилига ажратилган таснифини келтириб, ўзи ҳам ўзбек тили шеваларининг таснифини беради. У ўзбек туркийсини (чиғатой) 4 гуруҳга бўлади:

1. *Қўқон лаҳжаси* (наречие). Унингча, бу шевада бўғиз товушлари кучли қўлланади; *-ган, -ген, -кан, -кен* аффиксли сифатдошнинг (уни равишдош деб кўрсатади) кўпроқ ўтган замонни ўрнида қўлланади ва кошғар лаҳжасини эслатади; сўз ясалиши ва синтактик шаклларида умумийлик оз; унинг шимолида яшовчи қипчоқлар, қирғизлар ва қозоқларнинг Қўқон ўзбеклари тилига кучли таъсири бор. Кўринадикки бу айтилганлар Қўқон шевасининг хусусиятларини белгилаб бера олмайди.

2. *Бухоро (туркий) лаҳжаси*. Бу лаҳжада форс тилининг кучли таъсири бўлганлиги учун соф ўзбек тили характери йўқотган ва ўзбекча сўзларда ҳам форс тилининг интонацияси Хуросон ва Марвдагидек сақланиб қолган. Бу ўринда гап тожик тилининг кучли таъсирига учраган шевалар ҳақида бормокда.

3. *Хива лаҳжаси*. Уни Хева хонлигида қўлланган ўзбек-турк лаҳжаси, деб кўрсатади ҳамда бу лаҳжада Алишер Навоий асарларидаги соф чигатой характериға эға бўлган адабиёт сақланиб қолган, деб ҳисоблайди.

4. *Сарт лаҳжаси*. Уни шаҳар тили деб атайди, унинг ўзбек тилидан (қишлоқ ўзбек тилидан): 1) бошқачароқ (чужеобразный) интонация; 2) бегона, хусусан, форсча сўзлар ва нутқ парчаларини секин ва чўзиб гапириши (буни қишлоқда яшовчилар тушунарсиз қўллайдилар, дейди) билан фарқланишини айтади ва Хива (Хоразм) шевасидаги **к** нинг **г** ундошиға ўтиши ҳамда **е** ва **ё** ўртасида талаффуз қилинадиган **ё** унлиси ҳақида маълумот беради.

Шунингдек, бу асарида “Узбекский язык” деб номланган бўлим бўлиб, унда ўзбек тили эмас, балки туркман тилининг фонетикаси ҳақида маълумот берадики, табиий равишда уни таҳлил қилишдан йироқ бўлдик.

Старчевский А. В. Переводчик с русского языка на сартовский (СПб.1886). Бу асар Ҳарбий илмий кўмитанинг Бош штаби томонидан қўлланма сифатида тайёрланган. Унда еттита бўлим мавжуд бўлиб, грамматик очерк 134 – 144-бетларда жойлаштирилган.

Тарихий ва лингвистик адабиётларда А. В. Стачевскийнинг Марказий Осиёдаги фаолиятига доир фактларни учратмадик, лекин у Россияда матбуот ходими сифатида машҳур бўлган [Биобиблиографический словарь отечественных тюркологов, 1974, 266).

Алексеев З. А. “Самоучитель сартовского языка. Чтение, письмо и грамматика сартовского языка”. Ташкент, 1884. С. И. Лахтин босмаҳонасида босилган. Асарда А. Вишнегорский иштирокида (с участием А. Вышнегорского) деган ёзув бор, лекин у муаллиф ҳисобланмаганлиги билиниб турибди.

Асарнинг 1–22-саҳифаси графика ва фонетикаға, 23-73-бетлари эса морфологияға (уни “Этимология” деб юритган) ажратилган. Муаллиф ўз асарининг қандай талаб билан юзаға келганлиги ҳақида маълумот бермайди, бироқ бу асарнинг ҳам юқоридаги каби талаблар билан юзаға келганлиги эҳтимолдан узоқ эмас. А. К. Боровков бу

асарни барча масалаларда кучсиз деб ҳисоблайди. [Боровков, 1942, 282]. Тўғри, бу даврда яратилган барча асарларда тил фактларига илмий жиҳатдан ёндашиш деярли кўринмайди, бироқ мазкур асарни бошқа асарларга қиёсласак, нисбатан кучлироқ эканлигини кўрамиз.

3. А. Алексеевнинг мазкур асари ўз даврида рус шарқшуносларининг диққатини тортди. К. Залеман бу асарга тақриз ёзиб, барча ўринларда сўзларнинг русча транслитерацияси бериб борилиши ва мисоллар кўпроқ келтирилиши лозимлигини уқтирган [Залеман, 1887, 37]. 3. А. Алексеевнинг биографиясига доир маълумотларни учратмадик.

3. А. Алексеев диққатни араб графикасини ўргатишга қаратган бўлса-да, бир ўринда флексия қонуни (законы флексии) тушунчаси остида сингармонизм (уни “созвучие звуков” деб атаган) тўғрисида фикр юритади ва туркий тилларга хос бўлган бу қонуннинг сарт тилида амал қилмаслигини айтгани ҳолда, сарт тилидаги сўз асосларини қаттиқ ва юмшоқ турларга ажратадики (23), бу билан аввалги фикрига қарши чиқиб қолганлигини сезмай қолади.

Наливкин В ва Наливкина М. Русско-сартовски и сартовско-русский словарь общеупотребительных слов, с приложением краткой грамматики, Қозон, 1884. Ундаги “Грамматика сартовского языка (Андижанского наречия)” бўлими 20 бетга жойлаштирилган бўлиб, фақат конспектив материаллардан иборатдир. Н. С. Ликошин бу грамматиканинг ўзбек тилини ўрганувчи кишилар учун зарур эканлигини уқтирса [Ликошин, 1906, № 56], Н. И. Илминский ундаги айрим ўринларни танқид қилади: тушум келишигининг оғзаки нутқда –*du//ti* аффикси билан ҳосил қилинишини айтади ва қурол келишиги ўзбек тили учун характерли ҳодиса эмаслигидан муаллифларни шу келишикни мавжуд деб кўрсатганликда айблайди (“Участие Н. И. Илминского в деле инородческого образования в Туркестанском крае”, - Казань, 1900, 70).

Тарихий ва лингвистик адабиётларда кўрсатилишича, В. Наливкин офицер-артеллерист бўлиб, Хивага бўлган юришларда қатнашган. Маҳаллий халқ тили, урф-одатлари ва турмушига қизиқиб, Фарғона вилояти Наманган уездига қарашли Нанай қишлоғида яшай бошлайди. Тожик, араб ва ўзбек тилларини ўргана бошлайди. В. Наливкин рус тузем мактабининг биринчи ўқитувчиси (1890 йилгача) бўлган.

1890–1895 йилларда Сирдарё, Фарғона ва Самарқанд мусулмон мактабларининг инспектори бўлиб ишлаган [Библиографический

словарь, 1974, 222]. М. Наливкина эса унинг турмуш ўртоғи ва юқоридаги асар билан биргаликда “Очерк быта женщин оседлого туземного населения Ферганы (Казань, 1884) асарининг ёзилишига ҳамкорлик қилган [Лунин, 1972, 66].

Лунин С. Л. Карманный русско-узбекский словарь”. Бу луғатга “Краткая грамматика узбекского языка” асарини илова қилган. Унда ўзбек тилининг морфологик (унингча, этимологик) ва қисман синтактик хусусиятларини изоҳлашга ҳаракат қилади. Асарнинг ўзбек тили грамматикасига оид қисми 65 бетга жойлаштирилган. Асар 1854, 1907, 1914-йилларда Самарқандда нашр қилинган.

Наливкин В. Русководство к практическому изучению сартовского языка. Самарканд, 1898, 1911. Бу асарда у дастлаб араб графикаси билан таништиради, сўнг морфологик материал ва уни ўзлаштириш учун гаплар ва матнлар ёзиб боради. Грамматик материал асарда маълум бир тартибда берилмайди. В. Наливкиннинг бу асарида “Туркестанские ведомости” газетасида Н. М. инициалларида тақриз эълон қилинади Қаранг: “Туркестанские ведомости” .1898, №93). Унда *сарт* (ўзбек - А. С.) тили ҳали етарли даражада ўрганилмаганлигига қарамай, В. Наливкиннинг қўлланмаси ўзбек тилини ўрганувчи рус кишисининг эҳтиёжини қондира олиши қайд этилган [ЗВОИРА, ХУШ,197].

Беляев И. А. Руководство к изучению сартовского языка. Ташкент, 1906. Бу асар ўз даврида кўпчилик диққатини жалб қилди. Шу даврда тақризчиларнинг фикрига қараганда, бу асар Туссен ва Лангенштейн методикаси асосида яратилган [Н. Ф. Руководство к изучению сартовского языка по методу Туссена и Лангенштейнда, Туркестанский сборник, т. 435, 130]. Бу асарнинг фонетик хусусиятларига бағишланган ўринлари Вилд исмли шахс томонидан кескин танқид қилинган. Бу танқидга И. А. Беляев жавоб хати ёзишга мажбур бўлган ва у ердаги камчиликларнинг аксарияти ёмон корректура билан изоҳланиши кераклигини уқтирган [Туркестанский сборник, т. 485, 126]. Юқоридаги фикрлардан қатъи назар, А. Самойлович бу асарнинг тадқиқотчи учун амалий аҳамият касб этишини таъкидлайди (А. С. Сартовский переводчик, ЗВОИРА, ХУШ, 195 - 197) И. А. Беляевнинг асари З. А. Алексеевнинг “Самоучитель...” асари сингари алоҳида дарсларга бўлиб берилган. Бу “Самоучитель ...” дан фарқи шундаки, З. А. Алексеев асарнинг фақат араб грамматикаси билан таништирадиган бобинигина махсус дарсларга ажратган бўлса, И. А. Беляев морфологик материалларни

ҳам шундай дарсларга бўлган ва грамматик материалларни баён қилишда маълум бир тизимни сақламаган. Унда сўз туркумлари ва уларнинг ички категориялари аралаш берилади. У ўзбек тилидаги унли ва ундошлар учун Санкт-Петербург Фанлар академияси томонидан ишлаб чиқилган транскрипцияни қўллайди. Унлилар учун а, о, ы, у, і, ө, ä, ү; ундошлар учун б, п, м, т, д, н, ж, з, ш, с, р, л, к, г ҳамда 1, j, дж, қ, ғ ҳарфларини танлаган, лекин бунга кўп ўринларда амал қилмайди. Қолаверса, шаҳар ўзбеклари ва сарт тилида 8 унли товушнинг қўллаши ҳам мунозарага сабаб бўлади.

Қиёсбеков Т. Элементарная грамматика сартовского языка (джагатайского наречия), Ташкент, 1908. У маҳаллий зиёлий вакилларида эди¹. Мазкур асар М. П. Басаловнинг “Сартовский переводчик” асарига илова қилинган. Асар ҳарбий талаблар билан юзага келган. Т. Қиёсбековнинг ушбу асарини рус муаллифлари асарлари билан тавсиф қилишимизга, аввало, унинг рус тилида яратилганлиги ва, қолаверса, тадқиқ объектими бўлган асарлар савиясида ёзилганлиги, энг муҳими, рус ҳарбийларига мўлжалланганлиги сабаб бўлди. Бу асар 1908 йилда босилиб чиққан бўлса ҳам, Т. Қиёсбеков унинг 1907 йилда ёзилганлигини айтади. “Элементарная грамматика сартовского языка” асари юқоридаги асарнинг 11-37-бетларида жойлаштирилган. Бу асар А. Самойлович томонидан ёзилган тақризда тилга олиниб, унинг феъл қисмидаги баъзи ўринлари – келаси замон феъли (аниқлик майли)нинг ясалиши ҳақидаги (уни феъл ўзагидан -рман, -рсан қўшимчалари билан ясалади деган) ва ҳозирги замон равишдоши ҳозирги замон (аниқлик майли) феълидаги -дур, -ди қўшимчаларини олиб ташлаш билан ҳосил қилиниши ҳақидаги фикри танқид қилинган [А. С. Сартовский переводчик, ЗВОИРАО, ХУШ, 197]. Шуниси ажабланарлики, асар рус кишисига мўлжаллаб яратилган бўлса-да, унда лингвистик терминлар тўлиғича арабча вариантда берилган, лекин улар руслар талаффузига мослаштирилган ва русчага таржимаси ҳам бериб борилган. Арабча эквивалентини топа олмаган ўринлардагина фақат русча терминлардан фойдаланган, масалан, кичрайтириш шаклини “уменьшительные” деган термин билан юритган.

Афанасьев Л. Словарь сартовских слов с главнейшими грамматическими правилами. Скобелев, 1908. Бу асар ҳам ўзбек тилидаги қўлланмаларга бўлган талабнинг ўсиб боришига мувофиқ яратилгандир. Унда дастлаб грамматик қоидалар (тўғрироғи, кўпинча

¹ Унинг фамилияси *Киясбеков* тарзида берилган. Матнда уни ўзбекча беришни лозим топдик.

лингвистик терминлар ва уларга мисоллар келтириш билан чегараланган), кейин эса луғат берилади. Л.Афанасьевнинг бу асари ҳали босмадан чиқмасданоқ нашриётдан берилган изоҳга қараганда, тақризчи ишни салбий баҳолаган. Шунингдек, унинг тақризини нашриёт ходимлари синчиклаб кўриб чиққанлиги ва Разумов бу асарнинг чиқишига тўсқинлик қилганлиги ҳақида ҳам маълумотлар бор [Нечто о книжечках, Туркестанский сборник, 477 (муаллифи кўрсатилмаган)]. Шунга қарамасдан, машҳур шарқшунос олим А. Самойлович бу асарнинг ўзбек тилини ўрганишни бошлаган киши учун аҳамиятли эканлигини уқтиради [А. С. Сартовский переводчик, ЗВОИРАО, ХУШ, 196].

Л. Афанасьевнинг биографиясига доир маълумотларни К.Тимаев беради ҳамда унинг ўрмон кондуктори бўлганлигини, олий даражада билими бўлмаса ҳам, бу асарни яратганини айтади. [Тимаев К. Библиография, Туркестанский сборник, т.556, 144).

Будзинский Н. С. Краткая грамматика сартовского языка и русско-сартовский собеседник, Ташкент, 1910. Бу асарда ўзбек тилининг грамматик қурилиши анча кенг изоҳланади, лекин бизнинг текширишларимиз шуни кўрсатадики, унинг грамматикаси оригинал асар сифатида юзга келган эмас. Кўпгина грамматик қоидалар ва изоҳлар аввалги асарлардан олинган. Асар Туркистон ҳарбий округи штабининг нашриётида босмага тайёрланган. Н. С Будзинский асарининг бош қисмида Н. Остроумовнинг рухсати билан унинг “Туркестанские ведомости” газетасида босилган “Значение названия сарт” деган мақоласини беради. Грамматик материал асарнинг 33 – 44-бетларида жойлаштирилган.

Н. С. Будзинскийнинг биографиясига оид маълумотлар йўқ. Фақат унинг ўзбек тилини В. П. Наливкин ва Т. Киясбековдан ўрганганлиги маълум [Библиографический словарь ..., 1974, 131].

Остроумов Н. Этимология сартовского языка. Ташкент, 1910. Бу асар юқоридаги асарлардан фарқ қилган ҳолда, бошқа зарурият билан юзага келди. Маълумки, Тошкентда инқилобгача бўлган даврда Шарқшунослик институтини ташкил этиш учун ҳаракат бошланган эди. Унинг лойиҳаси тузилиб, Петербургга тасдиқлаш учун юборилади, аммо Рус-Япон уруши муносабати билан бу масала кун тартибидан тушиб қолган. Шундай бўлса ҳам, унинг ўрнига Императорлик Шарқшунослик жамиятининг Тошкент бўлими қошида курс очишга эришилди. Бу курс учун дарсликлар зарур эди. Унда Н. Остроумов асаридан дарслик сифатида фойдаланилган. Асар

ана шу заририят билан юзага келган бўлса-да, Н. Остроумов уни илмий асар сифатида тақдим этади. Асарда ўрни билан аввалги асарларга қисқача характеристика ҳам бериб борилади. Унинг асари 112 саҳифадан иборат бўлиб, 3–38-бетларида *сарт* сўзи ва *сарт тили* ҳақида (ўзбек тили) баъзи мулоҳазалар баён қилинади. 39-бетдан бошлаб ўзбек тилининг грамматик (морфологик) хусусиятлари ёритилади. Н. Остроумов ўзбек тили ҳақида фикр юритар экан, ўзининг қарашларини Макс Мюллернинг “Нука о языке” асарига асосланган ҳолда баён қилган, ўрни билан унинг фикрларини келтириб боради.

Н. Остроумовнинг Ўрта Осиёдаги фаолияти 1877 йил ўрталаридан инқилобгача давом этган. У ўлка халқ билим юртининг биринчи инспектори (1877-1879), ўқитувчилар семинариясининг директори (1878-1883, 1901-1917), Тошкент эрлар гимназиясининг директори (1883-1901), Туркистон ўлка билим юртининг бош инспектори лавозимларида ишлаган, 34 йил давомида “Туркистон вилоятининг газети” таҳририятида қатнашди, ҳукуматнинг турли комиссияларини бошқарган ҳамда маҳаллий илмий жамиятларнинг фаол аъзоси сифатида танилган [Лунин, 1962, 24].

Юқоридаги асарлардан ташқари, М. Преображенскийнинг “Карманный русско-сартовский словарь” асарининг кириш қисмида “Краткие сведения по грамматика” сарлавҳаси остида ўзбек тилининг грамматик қурилишига тавсиф берилган.

Муаллиф биографияси билан таниш эмасмиз. А. К. Боровков бу асар генерал-губернатор Субботичнинг ҳарбий хизматчиларни маҳаллий тилни ўрганишга қизиқтириш лозимлиги ҳақида буйруғига мувофиқ равишда яратилганлигини қайд қилади [Боровков, 1942, 283].

Маълум бўладики, Н. Остроумов асаридан бошқа барча асарлар ҳарбий мақсадларда ва ижтимоий талаблар билан яратилган.

Энди бу асарларнинг яратилишидаги фактик материал масаласига тўхталамиз, чунки бу ўринда рус муаллифлари ўз асарларини яратишда маълум бир шевага ёки муайян давр адабий тилига таянганми, деган саволларга жавоб бериш лозим бўлади. Гарчанд, тадқиқот объектимиз бўлган асарлардаги изоҳланган грамматик шакллар умумўзбек тили хусусиятларига мувофиқ келса-да, асосан, халқ сўзлашув тилини акс эттиради. Шунингдек, уларда тил тарихи ва шева фактлари ҳам қайд қилинган.

Айрим муаллифлар асарлар сўз бошида ёки кириш қисмларида қандай фактик материал ва қайси шева материалига асосланганликлари ҳақида маълумот берадилар. Масалан, В. Наливкин ва М. Наливкиналар ёзган грамматик очеркда Андижон шеваси фактларига асосланишганини айтадилар, лекин шева фактларини ҳар доим ҳам топиш қийин, фақат тушум келишиги аффиксининг *-ди // ти* варианты ҳақидаги фикрнигина учратдик [Бу аффиксининг Андижон шевасига оидлиги ҳақида қаранг: Иброҳимов, 1967, 145]. Бундан ташқари, асарда Тошкент шевасига (*берувдим*, 11-б.) ва Наманган шевасига (*беринар*, 14-б.) хос хусусиятлар ҳам учрайди.

А. В. Старчевский тил фактларини изохлашда Хива, Бухоро шеваларига мурожаат қилиб боради. Масалан, “Спутник русского человека в Средней Азии” асари “Ўзбек тили” бўлимининг 10-саҳифасида ва “Переводчик...” асарига ёзилган грамматик очеркнинг 135-саҳифасида қаратқич келишиги аффикси таркибидаги **нг(н)** товушининг Хивада французча **ŋ** каби, Бухорода эса юмшоқ талаффуз қилиниши ҳақида фикр юритади. Бундан ташқари, *узоқ шарқ*да мазкур товуш **нк** каби талаффуз қилинишини айтадики, *узоқ шарқ* деганда қайси шевани кўзда тутганлиги номаълум бўлиб қолади. Шу билан бирга, сўз бошида **к** товуши **г** каби талаффуз қилинади, деган фикридан асар учун фактик материал сифатида Хоразм шевалари асос бўлганлигини аниқлаш мумкин. Шунини алоҳида қайд қилиш керакки, биринчидан, асарда шева хусусиятлари яққол кўзга ташланиб турмайди, яъни умумўзбек тили хусусиятларига яқин келади, иккинчидан, ўзбек тили фактлари (унинг шеваларга хос хусусиятлари ҳам) кўп ўринларда бузиб берилади.

Н. С. Будзинский ўз асарини яратишда Тошкент шевасига таянган кўринади. Бунга бир неча мисоллар келтириш мумкин: асарнинг 34-саҳифасида қаратқич келишиги аффиксининг *-ни* аффикси билан ҳосил қилинган шакли, 95-бетда эса ўтган замон давом феълининг (унинг асарида яқин ўтган замон) *борвотувдим // борвоту:дим* типидagi шакли қайд қилинади. Шунга қарамадан, асарда қаттиқ ва юмшоқ сўз асоси ҳақида гапириладики, бундан асарни яратишда фақат Тошкент шеваси фактлари билангина чегараланиб қолмаганлиги, балки шу давр адабий тили материалига ҳам мурожаат қилганлиги маълум бўлади. Ўзининг гувоҳлик беришича, у Н. Н. Пантусовнинг “Материалы к изучению сартского

наречия тюркского языка” деган фольклор материалидан фойдаланган.

Бошқа асарларда юқоридагидек диалектал ҳодисаларни учратиш қийин, назаримизда, изоҳланаётган асарлар жонли сўзлашув тилига асосланган бўлса ҳам, унда ўзбек тилининг яққол кўзга ташланиб турадиган, энг характерли хусусиятлари аниқланган, шунингдек, шу давр вақтли матбуотидан, айниқса, “Туркистон вилоятининг газети”даги матнлардан фактик материал сифатида фойдаланилган бўлиши эҳтимолдан узоқ эмас, чунки бу газета эски ўзбек адабий тилини янги асрга етказиб берувчи манба бўлиши билан бирга, шу давр сўзлашув тили элементларини ҳам акс эттирар эди, чунки, деярли, барча асарларда *-ни* аффикси тушум келишиги аффикси саналиши билан бирга, айтиш замонда қаратқич келишигининг кўрсаткичи сифатида ҳам келтирилади, чиқиш келишиги аффикси аксарият асарларда *-дин* тарзида берилади. Маълумки, бу “Туркистон вилоятининг газети” тили учун ҳам характерли бўлган ҳодисадир, лекин уни М. Раҳмонов жонли сўзлашув тилининг таъсири деб қарайди [Раҳмонов, 1971, 5]. Фикримизча, бу ҳеч қандай эътироз туғдирмайди, чунки бу давр адабий тилининг ўзига хос хусусиятларидан бири унинг жонли сўзлашув тили билан бойиб боришидир [Абдураҳмонов, Шукров, 1973, 27, 29].

Кўринадики, зикр этилган асарлар тилини муайян бир шевага нисбат бериш, яъни маълум бир шева билан боғлаб қўйиш ҳам, шева фактларининг мавжудлигини инкор этиш ҳам мумкин эмас.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, бу даврда яратилган асарларда ўзбек тилининг фонетик хусусиятлари эмас, балки ўзбек тилида қўлланадиган араб графикаси белгиларининг қандай ўқилиши ҳақида фикр юритилади. Шу билан бирга, айрим ўринларда фонетика ва фонетик қонунлар тўғрисида ҳам эпизодик маълумотлар учраши ҳақида юқорида айтилди.

Энди синтактик масалаларнинг ёритилиши хусусида тўхталамиз. Синтактик масалалар тилга олинган адабиётларда кўпроқ гапда сўз тартиби тўғрисида фикр юритилган. М. Терентьев морфологик категорияларни изоҳлаб бўлгач, сўзларнинг гапда жойлашиши ҳақида турк тили грамматикаси бўлимига қараш лозимлигини айтади (66). Унда гап бошида эга (бош келишикда), гап охирида эса кесим келиши айтилган. Эга қўлланмаганда уни кесимдан (қайси шахсда турганилигидан) аниқлаш мумкинлиги,

эгадан кейин воситали келишик шаклидаги предмет (уни тўлдирувчи деб атайди) қўйилиши айтилади. Аниқ феъллар (действительные глаголы) тушум келишигидаги, йўналишни билдирадиган феъллар жўналиш келишигидаги, ҳаракатнинг бошланганлиги ва чиққанлиги ҳақидаги феъллар чиқиш келишигидаги сўзларни талаб қилиши ва сифатдош аниқловчи бўлиб келиши ва ўзининг аниқланмишидан олдин келиши айтилади. Бу фикрлар ҳеч ўзгаришсиз А. Б. Старчевский томонидан такрорланган (Спутник...,26), фақат ўрта феъллар ўрин-пайт келишигидаги сўзни талаб қилиши қўшимча қилинади, холос.

В. Наливкин воситасиз тўлдирувчи (прямое дополнение) ҳақида маълумот беради (35). Унга *от аравани тортади, тикувчи кийимларни тикади* гапларини келтиради. Шунингдек, тўлдирувчини аниқлаб келадиган сўзлар бўлмаса, тўлдирувчидаги *-ни* қўшимчаси тушиб қолиши ҳам айтилади: *чой ичдим, сув ичасан*. В. Наливкин эса ёйиқ гапларга (полное распространенное предложение) мисоллар беради: *кеча чилангар эски қулфларни тузатди, бугун укангизни кўрдим* (42).

С. А. Лапиннинг асарида синтаксис масалалари бирмунча кенгрок ёритилади. Унда содда ва қўшма гаплар синтаксисига оид фикрлар бор. Унинг фикрича, содда гаплар қуйидаги бўлаклардан иборат бўлади:

эга (подлежащее). Унинг *ким* ва *нима* сўроқларига жавоб бўлиши, бош келишикда келиши ва *от*, кишилиқ олмошлари, ҳаракат номлари ҳамда сифат ва сонлар отлашганда, *эга* вазифасида келишига ишора қилади;

кесим (сказуемое). Унинг *нима қиляпти, қандай, ким, нима* сўроқларига жавоб бериши, гапнинг охирида келишини айтади ва ўзбек тилида бир гапни иккинчи гапдан ажратиб туради, деб талқин қилади. Кесим феъл, *от*, *сон*, кишилиқ олмошлари билан ифодаланишини кўрсатади;

тўлдирувчи (дополнение). Бу бўлакни кўрсатадиган сўз жўналиш, тушум, қурол, чиқиш, ўрин-пайт келишикларида қўлланилишини айтади. Тўлдирувчи вазифасида *от*, *олмош*, ҳаракат номи, отлашган сифат ва сонлар қўлланиши мумкинлигини кўрсатади;

аниқловчи (определение). Унинг *қандай* сўроғига жавоб бўлиши, ўзи аниқлаб келаётган сўздан олдин келиши ва *у* билан *билан* *сон* ва келишикда мослашмаслиги, аниқловчи вазифасида сифат, *сон* (тартиб), сифатдош ва *отлар* кела олишини айтади;

ҳол (обстоятельство). Ҳолнинг қандай, қай тарзда, қачон, нима учун, нимага сўроқларига жавоб бўлиши, унинг кесим билан боғлиқлиги, равиш ва равишдошнинг ҳол вазифасида келиши айтилади (54, 56.). С.А.Лапиннинг қўшма гапни тушуниши ўзига хосдир. У гапда уюшиқ бўлақлар бўлса, у ҳолда, бу гапни қўшма гап (слитные предложения) деб ҳисоблайди, унинг қуйидаги турларини кўрсатади:

бир неча эгалар ёки тўлдирувчилар. Улар бир-бири билан бириктирувчи боғловчи билан (э боғловчисини ва тарзида талаффуз қилинади, деб кўрсатади) боғланади, улардан охиргисигина турланади, дейди ва: *менинг отаму, онаму, амаким шаҳарга кетдилар* гапини келтиради, аниқловчиларнинг ҳам шу боғловчи билан боғланиши айтилади: *Мен бир чиройли, яхши ва юрушлик от сотиб олдим*;

бир неча кесимлар. Уларнинг боғланиши ҳақида шундай дейди: “...бир неча кесимлар гапда боғланганда аввалгилари ўтган замон равишдоши шаклида, охиргиси эса талаб қилинган майл, замон ва тусда туради: *Мен шаҳарга келиб, бозорга бориб, икки китоб олиб, андин кейин чойхонага кириб, бир чойнак чой ичиб, уйга қайтдим*” (56, 58).

Эргаш гаплар. С. А. Лапиннинг кўрсатишича, эргаш гап ҳамма вақт бош гапдан олдин келади: *Агар сиз эртароқ келсангиз, мен борар эдим*. У эргаш гапнинг турларини изоҳламайди, балки рус тилидаги эргаш гапли қўшма гапларнинг ўзбек тилига таржимаси ҳақида фикр юритади.

Демак, бу даврдаги асарларда синтактик ҳодисалар ўта юзаки изоҳланган, ҳатто, аксарият асарларда бу ҳодиса тилга олинмади ҳам.

Ўзбек тили морфологиясининг изоҳланиши

Бу даврда яратилган асарларда сўз туркумларининг ажратилиш тамойиллари, улар қайси хусусиятларига қараб фарқлаганликлари ҳақида маълумот берилмайди. Улар ўзбек тилида учтадан тортиб, тўққизтагача сўз туркумлари борлигини қайд қилишган.

З. А. Алексеев морфологияни *этимология* термини билан юритади ва сўз туркумлари тушунчасига тўхталиб, унга: “Нуткни ҳосил қилувчи сўзлар нутқ бўлақлари (части речи) дейилади”, - деган таърифни беради (23). Демак, бу ўринда “части речи” ўз маъносида қўлланганлигини кўрамиз. Аслида ҳам сўз деганда сўз шакллари кўзда тутилади, З. А. Алексеев эса унинг нутқ бирлиги эканлигини

билиб ёки билмай уни таърифга киритган бўлиши мумкин. Маълумки, бу термин кейинчалик ўзбек тилшунослигида “сўз туркумлари” деб номланадиган бўлди. Бизнингча ҳам, “сўз туркумлари” термини нисбатан “нутқ бўлаклари” терминининг қўлланиши муваффақиятлироқдир.

Шунингдек, улар сўз туркумларининг отлар (имена), феъл ва юкламадан (частица) иборат, деб биладилар.

От. 3. А. Алексеев отларни кенг маънода тушунганлиги учун ҳам, уларни шахс, буюм ҳамда шахсларнинг сифат ва миқдорини кўрсатади ва шунинг учун ҳам от, сифат, сон ва олмошларга бўлинади, дейди (23). Мазкур сўз туркумига фақат Н. Остроумовгина таъриф берган. Н. Остроумов: “От барча жонли, жонсиз ва мавҳум предметларнинг номини билдиради (42), деб унга семантик жиҳатдан баҳо беради. Маълумки, ҳозирги тилшуносликда ҳар бир туркумга таъриф берилганда, аксарият ҳолларда унинг семантик хусусияти эътиборга олинади, морфологик ҳамда синтактик хусусиятлари эса шу туркумнинг ичида изоҳланади. Бу ўринда Н. Остроумов биринчи босқични амалга оширган, лекин бу туркумнинг морфологик ва синтактик хусусиятларини баён қилмайди. Бошқа муаллифларда сўз туркумлари сарлавҳа сифатида ажратилади-да, унинг ички категориялари ҳақида фикр баён қилинади.

Отларга хос бўлган категориялар.

Жинс (род) категорияси. Бу даврда яратилган асарларда бир жинс (род) ҳақидаги фикр такрорланади. М. Терентьев ўзбек тилидаги барча сўзлар грамматик жиҳатдан эркак жинс (мужский род) дейди (163). Ҳайвонларнинг жинси уни ифодалаган сўз олдида махсус сўзларни келтириш, жумладан, туянинг *эркаги* шу сўзни унинг олдида қўйиш ва урғочиси учун *ине* ёки *инек* сўзи ишлатилишини айтади (164). Бу сўзлар шу даврда ўзбек тилида қўлланганлиги шубҳа остига олинди ва қозоқ тилидан топилди ва бу тилда урғочи туяни билдирадиган *инген* сўзи борлиги аниқланди. Демак, М. Терентьев бу сўзни маҳаллий аҳолидан чала эшитган бўлиши мумкин деган хулосага келинди. Афсуски, *инек* сўзини А. В. Старчевский ҳам келтиради (9). 3. А. Алексеев фикрича, сарт тилида жинс (род) шакллари йўқ, лекин бу тилда жинсни кўрсатадиган махсус сўзлар бор: *эркак, эр, хотун, аёл, қиз* каби; ҳайвонларда ҳам жинс номлари йўқ (24), лекин жинсни кўрсатадиган *эркак, урғочи, қанжиқ* сўзлар мавжуд. В. Наливкин ва

М. Наливкиналар ҳайвонлар учун *эркак* ва *урғочи* (3) сўзларини келтиради.

Атоқли ва турдош отлар. Бундай отлар тўғрисида дастлаб Т. Қиёсбеков маълумот беради. У *исми зотларни* (отларни) *исми олам* (уни алям деб ёзади) ва *исми жинсга* ажратган, *Исо, Тошкент, Россия* сўзларини атоқли, *солдат, милтиқ, от* сўзларини турдош отларга келтириш билан чегараланади (12). Н. Остроумов турдош ва атоқли отларга ҳар бир гуруҳдаги бир хилдаги предметлар ўзининг умумий турдош номига ва кишилар эса бир-биридан алоҳида атоқли отларига эга, деган изоҳни беради. Атоқли отларга шунингдек “географик ном” остида шаҳар, қишлоқ, ўрмонзор, жарлик, тоғ, кўл номларини, ҳайвонларга (отларга) атаб қўйилган номлар (кличка)ни ҳам киритади (43, 44). Унинг киши исмлари ҳақидаги мулоҳазалари қизиқиш уйғатмасдан қўймайди. У кишиларга исм қўйилишининг икки даврини кўрсатади:

1) *исломгача бўлган давр.* Унингча, бу даврда болаларга исм танлашда унинг ташқи кўриниши, бола туғилишидаги баъзи тасодифлар ёки ота-онанинг болага бўлган истакларини асос қилиб олинган, уларга *Отабек, Жўрабек, Султонбек* деган исмларни киритади;

2) *исломдан кейинги давр.* Бу даврда исм қўйиш диний характер олганлиги, бундай сўзлар таркибий жиҳатдан мураккаб эканлиги айтилади, уларга *Абдулла, Олоқул, Муҳаммадқул* каби исмларни келтиради. Бу тасниф эътироз туғдирмайди. Ҳақиқатан ҳам, исломгача бўлган даврда туркий халқларда исм қўйишнинг ўзига хос анъанаси бўлган, лекин Н. Остроумов унга мисоллар танлашда янглишади ва исломгача бўлган даврда *Тўрақул, Ҳамроқул* каби исмлар бўлганлигини келтиради. Аёлларнинг исломгача бўлган даврдаги исмлари осмон жисмлари, қимматли металллар, тошлар ва гулларнинг номларидан олинганлиги айтилган ва уларга *Офтобхон, Ойбиби, Аноргул* каби форсча (43), *Фотима, Ойша, Марям* каби арабча исмларни келтиради. Кўринадики, Н. Остроумов исломгача бўлган даврдаги исмларни яхши билмаган, аслида бу даврда исм қўйишнинг, ҳақиқатан ҳам, ўз анъаналари бўлган [Ҳусанов, 2014, 13].

Келишик категорияси. Тадқиқ қилинаётган асарларда келишикларга ажратиш тамойиллари, уларнинг хусусиятлари ҳақида маълумот берилмайди. “Склонение” сарлавҳаси остида келишиклар саналади ва унинг баъзи грамматик функциялари кўрсатилади. Келишик шаклларининг миқдори ҳам бир хил эмас. Улар тўртттадан

тортиб саккизтагача келишикни ажратадилар. А. В. Старчевский тўртта (бош, қаратқич, жўналиш, тушум) келишикларини ажратган. Бошқа келишиклар ҳақида шундай дейди: “Бизнинг қурол ва ўрин-пайт келишикларимиз турк тилида сўз охирига қўйилган *биле, бирлен, мине, -дин, -да* кўмакчилари билан ифодаланади (Спутник...,10). Бунда у ўрин-пайт (предложный) келишик маъносида ҳозирги чиқиш ва ўрин-пайт келишикларини тушунган. Кўринадики, А. В. Старчевский, бир томондан, *бирлан* кўмакчиси орқали ҳосил қилинган сўз шаклини келишик шакли қаторига киритмасдан тўғри йўл тутган бўлса, иккинчи томондан *-дан, -да* аффикслари билан ҳосил қилинадиган келишик шакллари аффиксларини рус тилига қиёс қилиш натижасида кўмакчи (предлог) ҳисоблаб, келишик тизимидан чиқариб ташлайди. З. А. Алексеев олмошларни истисно қилганда барча отлар бир хилда тусланишини айтади (27) Т. Қиёсбеков келишик номларининг арабча терминларини асос қилиб олиб, русча варианты билан бериб боради: *ибтидо* (именительный), *изофа* (родительный), *маф-ул-и-илей* (дательный), *маф-ул-и-бе* (винительный), *маф-ул-и-маа* (творительный), *маф-ул-и-минху* (исходный), *маф-ул-и-ле* (местный)².

Бош келишик. Бу келишик барча асарларда тилга олинади. М. Терентьев, А. В. Старчевский, В. Наливкин ва В. Наливкиналар бу келишикни тилга олмайди, фақат сўзларнинг келишик билан турланишини беришда мазкур келишикни санаб ўтади. З. А. Алексеев, А. В. Старчевский, М. Преображенскийлар бу келишикдаги сўзнинг *ким, нима* сўроқларига жавоб бўлишини айтиш билан кифояланадилар. С. А. Лапин бош келишикдаги сўз ҳамма вақт эга вазифасида келишини уқтиради, Демак, у бош келишикдаги сўзнинг бир синтактик функциясинигина эътироф этади. Т. Қиёсбеков юқоридаги фикрларни ривожлантирган ҳолда, унга илова қилиб шундай дейди: “Бош келишик (уни ибтидо деб юритади) *ким, нима* сўроқларига жавоб бўлади. Бу келишикдаги сўз ҳамма вақт эга вазифасида келади, шунинг учун бу келишик ҳам эга, ҳам ибтидо (аслида ибтидо ҳам эга дегани – А.С.) номи билан юритилади. Бу келишик шундай келишикки, бунда от бошланғич шаклда туради”(13). Демак, бундан Т. Қиёсбековнинг, биринчидан, бош келишик гапда эга вазифасида келишини, иккинчидан, унинг бошқа келишиклар учун асос вазифасини бажариб, ўзи ҳам сўз шакли эканлигини англаб етганини эътироф этсак ҳам, бош келишикдаги

² Бу терминлар рус ёзувида қандай беорилган бўлса, биз айнан келтирдик.

сўзни фақат эга вазифаси билангина боғлаб қўйиши дуруст эмас. Унинг кейинги фикри С. А. Лапинга эргашиш туфайли юзага келган бўлиши мумкин. И. А. Беляев эса бош келишик шаклини, умуман, келишик аффиксларининг қўлланмаган ҳолатини қуйидагича изоҳлайди: “Бош келишик бошқа келишик қўшимчаларининг қўшилишида бевосита асосдир. Бу асосий шакл нутқнинг кўринишига қараб фақат бош келишик маъносинигина эмас, айтилган замонда қаратқич ва тушум маъноларини ҳам ифода қилади. (12)” - дейди ва Н. И. Илминский ҳамда О. Бётлингкларнинг бош келишикни ноаниқ келишик деб номлаганларига тўла қўшилади. Маълумки, Олтой грамматикачилари аффиксиз ҳолатни турланишда асосий шакл ҳисоблаб, бош келишик маъноси билан бирга, унинг қаратқич ва тушум маъноларида ҳам қўллана олишини кўрсатган эдилар [Грамматика..., 1869, 39]. Шунга қарамайдан, ўзлари келишикларни санаб “именительный падеж” терминини қўллаган эдилар. Демак, И. А. Беляев Олтой грамматикачиларининг ана шу фикрини ўзбек тилига татбиқ этган. Шунингдек, И. А. Беляевнинг бош келишикка берган таърифини тасодифий деб бўлмайди, аслида бундай таърифни дастлаб Олтой грамматикачиларида учратамиз ва у кейинги давр тилшунослик асарларида мақбул деб топилган эди [Ғуломов, 1941, 9; Усмонов, 2010, 185]. Ғ. Абдурахмонов ва А. Рустамовлар белгисиз қаратқич ва тушум келишикларини ҳам бош келишик деб қарашган [Абдурахмонов, Рустамов, 1984, 61]. Юқоридаги муаллифлар томонидан бош келишикнинг бошқа келишиклар учун асос вазифасини бажаришини фарқлашлари уларнинг ютуқларидир.

Қаратқич келишиги. М. Терентьев, А. В. Старчевскийларда бу келишикнинг *-нинг* // *нунг* аффикси, бошқаларда эса фақат *-нунг* аффикси билан ҳосил қилинганлиги айтилган. М. Терентьев бу келишикни баъзан белгисиз шаклда бўлишини ҳам кўрсатади³. У шаҳар шеваларидаги қаратқич ва тушум келишикларининг бир хил грамматик кўрсаткич, яъни *-ни* аффикси билан шаклланишини пайқай олмаган кўринади, чунки: “Баъзан қаратқич келишиги охиридаги икки жуфт ҳарф тушириб қолдирилади, яъни у вақтда сўз худди тушум келишигида турганга ўхшайди” (165), - деган жумлани келтиради ва *ҳарфни* *рост тарафини битинглар* мисолини келтиради. Шу билан бирга, *от қулоғи суратини қилинг* мисолини ҳам келтирадики, у айтилган қоидага эмас, балки қаратқич

³ Бу ҳақда: “Часто, впрочем, родительный падеж опускается и слово ставится в именительном,” - дейди (165).

келишигининг белгисиз шаклига мувофиқ келади. М. Терентьевнинг бу фикри кейинги муаллифларга ҳам таъсир қилди. Масалан, А. В. Старчевскийнинг Хива шеvasида қаратқич келишиги аффикси *-ни* тарзида қўлланади, З. А. Алексеевнинг сўзлашув нутқида *-ни* шаклида (улар аффиксга нисбатан шакл сўзини қўллаган) бўлади (10); И. А. Беляевнинг қаратқич келишиги аффикси *-нинг* баъзан *-ні* аффиксига ўтади ва “Марғилон сарт”ларида ҳам қайд қилинади (афтидан, у қаратқич келишигининг шаҳар шеvasига хос кўрсатқич эканлигини пайқамаган, 12) ва Н. С. Будзинскийнинг *-ни* аффикси мазкур келишикни шакллантирувчи кўрсатқич деб қарашларига асос бўлади. Шунингдек, М. Терентьев (А. В. Старчевский ҳам) қаратқич келишигини олган сўз иккинчи бир сўзга (отга) эгалик қўшимчаларидан бири билан келишини пайқаган, бироқ у фақат *-и* аффиксли эгалик шаклинигина кўзда тутган, яъни бошқа шахсдаги эгалик шакллари эътиборга олинмаган.

С. А. Лапин қаратқич келишиги (баъзан *родительный принадлежности* деб номлайди) аниқловчи вазифасини бажариши ва ҳамма вақт аниқланмишдан олдин келишини айтади. Мазкур келишикни “*родительный принадлежности*” деб номлашининг ўзи ҳам бир қадар шу келишик функциясини англай олганлигидандир, чунки бундай номлашда қаратқич келишиги аффиксини олган сўзнинг доимо гапда эгалик аффиксларини қабул қилган сўз билан бирга келишини назарда тутганлиги сезилади.

И. А. Беляев қаратқич келишигининг белгили ва белгисиз бўлишини аниқлаган. У белгили шаклни тўла шакл (полная форма), белгисиз шаклни эса тўлиқсиз шакл (неполная форма) деб юритган. Шунингдек, М. Терентьев ва А. В. Старчевскийлар *мен (ман)* кишилик олмоши қаратқич келишигида *меним, маним* тарзида турланишини кўрсатган. Маълумки, *мен* олмошининг қадимги туркий тилдаги варианты *бан* бўлиб, кейинги *н* товушунинг таъсирида *б* товуши назализацияга учраган ва *ман* тарзида қўллана бошлаган [Кононов, 1960. 172], лекин кишилик олмошларининг бу икки варианты ҳам қадимги туркий тилда мавжуд бўлган [Фозилов, 1965, 57]. Афтидан, *ман* олмошининг қаратқич келишиги шаклида *маним* тарзида қўлланиши қадимги туркий тилга оид асарларда қайд қилинмаган [Муталлибов, 1959, 69; Фозилов, 1965, 63]. Бу ҳозирги турк тилида *беним* тарзида учрайди [Кононов, 1956, 77] ва адабий тилининг нормаси ҳисобланади. Шунингдек, *-им* аффиксини фақат *мен* сўзига эмас, балки *биз* сўзига ҳам қўшилиши эски ўзбек тилида

ҳамда XIX асрнинг охири ва XX аср бошларидаги вақтли матбуот тилида учраб туради [Abdurahmonov, Shukurov, Mahmudov, 2008, 142; Турдиалиев, 1969, 36]. Бизнингча, *менинг* шакли *меним* тарзида қўлланиши **нг** товушининг сўз бошидаги **м** товуши таъсирига учрашидандир.

Тушум келишиги. Барча асарларда мазкур келишикнинг *-ни* аффикси билан ҳосил қилиниши кўрсатилади. А. В. Старчевский бу келишик аффиксининг **с**, **н** товушлари билан тугаган сўзларга қўшилганда **н** товуши “**т**”га ўтишини кўрсатади, бироқ бу жараённинг қайси фонетик-морфологик шароитда юзага келишини айтмайди. В. Наливкин, М. Наливкиналар тушум келишигининг оғзаки нутқда *-ди* ва *-ти* каби аффиксларга эга бўлишини кўрсатади, бироқ улар *-ни* аффикси *-ди*, *-ти* аффиксига ўтади деб тушунтиради. Уларнинг бу аффикс вариантыни кўрсатишига сабаб Андижон шевасининг фонетик материалларига таянишидир [Иброҳимов, 1967, 145]. Н. С. Будзинский эса тушум келишиги аффиксининг *-н* варианты борлигини айтади. В. Наливкин, М. Наливкиналар тушум келишигининг белгисиз шаклда қўлланишини: “Кўпроқ тушум келишиги ўрнида бош келишик қўлланади” (4), - деб изоҳласалар (*от олдим, уй солди* каби бирикмаларни келтиради), И. А. Беляев тушум келишигининг ҳам белгили, ҳам белгисиз шакллари *ни* махсус терминлар билан атайди. У белгили шаклни тўла шакл (полная форма) ва унга *-ни*, *-н* аффиксли шаклни келтиради ва белгисиз шаклни тўлиқсиз шакл (неполная форма) деб юритади.

Бу келишикнинг синтактик хусусиятларини фақат С. А. Лапин ва Н. С. Будзинскийлар қайд этади. С. А. Лапин тушум келишигидаги сўзни гапда воситасиз тўлдирувчи (прямое дополнение) бўлиб келиши ва бу тўлдирувчини бошқарувчи (ҳоким сўз) аниқлик нисбатидаги (бўлишли, бўлишсиз) феъл бўлишини қайд этади (6). Унинг бу фикрини Н. С. Будзинский ҳам такрорлайди (34).

Жўналиш келишиги. Бу келишикнинг *-га*, *-ка*, *-за*, *-қа* (А. Старчевскийда *-ге*, *-ке* варианты) аффикси билан шаклланиши кўрсатилган. Демак, А. Старчевскийни ҳисобга олмаганда, бу келишик қўшимчалари тўғри белгиланган. Бу келишикнинг функциясини фақат И. А. Беляевгина кўрсатади, яъни *-га*, *-ка*, *-қа*, *-за* аффикслари билан келган сўз ҳаракатнинг йўналиш ўрнини билдиришини қайд этади (12). Маълум бўладики, унинг эътиборидан пайт маъносини англатиши четда қолади. Н. С. Будзинский сўзнинг юмшоқ ва қаттиқлигига қараб (аслида сўз асосининг қаттиқ ва

юмшоқлигига қараб - А. С.) аффиксларнинг қайси варианты қўйилишини кўрсатган. Унингча, *-га* юмшоқ талаффуз қилинадиган сўзга; *-га*, *-қа* эса қаттиқ талаффуз қилинадиган сўзга ва охири **б, п, т, ч, х, с, ш, ғ, қ** харфлари (товушлари -А.С.) билан тугаган сўзларга қўшилади. Бунга келтирилган мисоллардан фақат *ёстиққа, одамга* сўзларигина мақсадга мувофиқ. Н. С. Будзинскийнинг юқорида келтирилган товушлар билан тугаган сўз асослари масаласи ҳам у қадар ишонч туғдира олмайди, чунки улар мисоллар билан тасдиқланган эмас.

Ўрин-пайт келишиги. М. Терентьев ва А. В. Старчевскийдан бошқа барча муаллифлар бу келишикни фарқлайдилар. Шундан В. Наливкин, М. Наливкиналар ва Л. Афанасьев бу келишикни “предложный падеж”, бошқалари эса “местный падеж” деб юритишган. В. Наливкин, М. Наливкиналар мазкур келишикни махсус изоҳламасдан “Луғат” қисмида (*-да* аффиксининг рус тилида берилиши муносабати билан) айтиб ўтганлар. Бу келишикнинг грамматик табиати фақат З. А. Алексеев томонидан қисқача баён қилинади. У бу ҳақда: “Ўрин-пайт келишиги...(бирон предметнинг - А. С.) жойлашган ўрнини билдиради” (27), - дейди. Бошқа асарларда бу келишик жавоб бўладиган сўроқлар ва уни ҳосил қилувчи *-да,-та* аффикси кўрсатилади, холос.

Чиқиш келишиги. В. Наливкин, М. Наливкиналар ва А. В. Старчевскийдан бошқа муаллифлар бу келишикни ажратадилар. Мазкур келишикнинг грамматик хусусиятини З. А. Алексеев изоҳлашга ҳаракат қилади, бироқ унинг берган изоҳида ҳаракатнинг чиқиш ўрни таъкидлаб кўрсатилмайди⁴. И.А.Беляев эса чиқиш келишиги кўп ўринда сабаб маъносида келишини айтган. В. Наливкин, М. Наливкиналар чиқиш келишигини алоҳида келишик сифатида қарашмаган, бу келишикни шакллантирувчи аффиксни кўмакчи (послелог) деб ҳисоблаб, баъзан унинг тушум келишиги ўрнида қўллана олишини кўрсатади. Гарчи асарда тушум келишиги эмас, қаратқич келишиги (родительный) ўрнида *-дан* “кўмакчиси” қўлланиши мумкинлиги айtilса ҳам, келтирган мисолларидан гапнинг қаратқич эмас, балки тушум келишиги ўрнида келиши мумкинлиги ҳақида бораётганлиги маълум бўлади, чунки *нондан беринг, читтан олдим* мисоллари келтирилган эди. Бу келишикнинг С. А. Лапин, Т. Қиёсбеков, Л. Афанасьев, М. Преображенскийлар

⁴ У бундай дейди: “Исходный... выражает исхождение действия от какого-либо лица или предмета”(26)

фақат *-дан* аффикси билан; М. Терентьев, З. А. Алексеев *-дин* аффикси билан, В. Наливкин, И. А. Беляев, Н. С. Бундзинскийлар *-дан*, *-дин* аффиклари билан ҳосил қилинишини айтганлар. Мазкур муаллифларнинг чиқиш келишиги аффиксларининг *-дан* ва *-дин* каби вариантларини кўрсатишлари бежиз эмас. Ҳозирги адабий тилимиз нормасига *-дан* варианты тўғри келса, классик адабиёт тили учун *-дин* варианты характерлидир [Алибек, 1967, №3]. 1905-1917-йиллар вақтли матбуот тилида эса бу аффикснинг ҳам *-дан*, ҳам *-дин* вариантлари қўлланишда бўлган [Турдиалиев, 1969, 59]. Бу ҳолат, албатта, юқоридаги муаллифлар эътиборидан четда қолмаган.

Қурол келишиги. З. А. Алексеев ва А. В. Старчевскийлардан бошқа муаллифлар *билан* (унинг *минам*, *минан* вариантлари) кўмакчиси орқали ҳосил қилинган сўзнинг аналитик шаклини келишик сифатида қарайди ва “творительный падеж” деган термин билан юритганлар.

Бу келишикнинг ҳосил қилиниши ҳақида В. Наливкин, М. Наливкиналарнинг фикрлари алоҳида изоҳ талаб қилади, чунки улар бу келишикни *ила* (*мнан*, *мнам* вариантлари билан бирга) кўмакчиси билан ҳосил қилинишини айтсалар ҳам, бу кўмакчи шакллари жонсиз предметни ва мавҳум тушунчаларни билдирадиган сўз талаби билан қўлланади, деб уқтирадилар. Уларнинг фикрича, бу келишик махсус гап қурилиши билан ифодаланади. Бунга мисол қилиб, *одам қилган иш*, *ишни одам қилган* каби конструкцияларини келтирганлар, лекин қайси вариантда қурол келишиги ифодаланганлигини ажратиб кўрсатишмайди. Тўғри, мазкур жумлалар рус тилидаги *дело сделано человеком* иборасидан таржима қилиб олинган. Бу ўринда *человеком* сўзи қурол келишигида келган, лекин унинг таржимасида бу келишик сақланиб қолмаслиги В. Наливкин, М. Наливкиналарнинг эътиборидан четда қолган. Бу фикрни кейинчалик Н. С. Будзинский айнан қабул қилади. Албатта, русча “творительный” келишикнинг ўзбек тилида берилиши ҳақида гап боргандагина шундай мулоҳаза юритиш мумкин бўларди. Бу ўринда морфологик категория билан синтактик ҳодиса қориштириб юборилган ва натижада чалкашликка олиб келган. Гарчи, *билан* кўмакчиси орқали ҳосил қилинган сўз шаклининг келишик деб номланишини одатдаги анъанага (Ҳинд-Европа анъанаси) кўра деб эътироз билдирмасак-да (чунки бу келишик Ҳинд-Европа тиллари учун хосдир) [Фортунатов, 1957, 394], унинг бу кўмакчи жонсиз предмет ва мавҳум тушунчаларни билдирадиган сўзнинг талаби

билан келади деган фикри, албатта, ўринли эмас. Бу фикр мантикий жиҳатдан тўғри ҳам эмас, чунки ҳоким сўз кўмакчини эмас, балки кўмакчили шаклни талаб қилади. Масалан, синтактик нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, одатда, феъл бошқарувида ҳоким сўз ўзи бошқарган сўзни маълум келишик (бош ва қаратқич келишигидан ташқари) ёки кўмакчили шаклда бўлишини талаб қилади [Ғуломов, Асқарова, 1965, 25]. Умуман олганда, кўмакчининг функциялари келишик функцияларига яқин туради [Ғуломов, 1941, 14], лекин келишиклар синтетик шакл бўлганлиги туфайли алоҳида категория саналиши эътиборга олинади. Демак, бу келишикнинг ўзбек тилида функционал эмаслиги аниқ бўлиб қолади.

Чақириш келишиги. З. А. Алексеев И. А. Беляев, Н. С. Будзинскийлар чақириш (звательный) келишигини фарқлайдилар. З. А. Алексеев бу келишикнинг бош келишикдаги сўз олдига (баъзан охирига) вокатив ундовини келтириш билан ҳосил қилиниши ва унинг мурожаат қилиш, чақириш маъноларини билдиришини айтади: Э, *Карим, Карим-о* (27). И. А. Беляев, Н. С. Будзинскийлар томонидан ҳам бу фикр такрорланади.

Чақириш келишиги ҳақидаги маълумотни биз ориенталистик адабиётларда дастлаб А. Поповнинг асарида учратамиз. У қолмиқ ёзма ёдгорликларини ўрганишда шу келишикни кўрсатган эди [Попов, 1847, 59]. Маълумки, Ф. Ф. Фортунатов юқоридаги муаллифлар келишик деб санаган ҳодисани *чақириш шакли* деб атаган [Фортунатов, 1941, 400]. Демак, унинг келишик эмаслигини эътироф этган. Келишик шакллари гапда отнинг феълга (баъзан бошқа сўзларга ҳам) муносабатини ифодалайди. Юқоридаги ҳолатда эса умуман грамматик тобелик кўринмайди, балки вокатив ундови атокли от билан бирга фақат ундалма вазифасини бажаради, холос. Бу эса ўз навбатида келишик деган сўз эмас. Ўзбек тилшунослигида мазкур келишик эътироф ҳам этилган. Профессор А. Ғуломов келишикларга бағишланган ишида ўзбек тилида ундаш келишиги ҳақида маълумот берган эди. Маълумки, кўп ўтмай бу фикр танқидга учради. Шунга қарамасдан, чақириш келишиги кейинчалик ҳам тилга олинди [Щербак, 1962, 103].

Келишиклар аксарият асарларда от сўз туркуми ичида берилган. Фақат Н. Остроумовгина бу категорияни от, сифат, сон ва олмош туркумларининг изоҳлаб бўлгач, “Турланишнинг умумий шакли” сарлавҳаси остида ёритади. Шунда ҳам фақат от ва олмошнинггина турланишини кўрсатади. Шунингдек, Н. Остроумов қўшма сўз ва сон

билан келган сўзларнинг фақат охиргиси турланиши, мураккаб сўз бирикмаларида ҳам охирги сўз келишиқ кўшимчаларини қабул қилишини айтади, лекин бу фикрини мисоллар билан далилламайди. У бундай дейди: “Бутун гап келишиқ кўшимчаларини (*окончание* сўзини ишлатади) қабул қилади ва улар гапдаги охирги сўзга кўшилади” (67). Бу фикр, эҳтимол, сифатдош ўрамга нисбатан айтилгандир, ҳар ҳолда, фикр мураккаб сўз бирикмаси ҳақида боради. С. А. Лапин сўзларнинг келишиқ аффикслари билан турланишида рус тилидаги флексияни ва ўзбек тилидаги агглютинацияни фарқлай олган, шунинг учун ҳам келишиқларнинг ҳосил қилиниши ҳақида гапира туриб: “Отлар ўз ҳолича ўзгармайди, фақат келишиқ кўшимчаларини қабул қилади”(4), - деган изоҳни беради. Шу даврдаги аксарият асарларда сифат билан бирга келган отларнинг турланишига алоҳида ўрин берилган, чунки рус тилида сифат+от бирикмасининг турланиши маълум қонуниятга бўйсунити барчага маълум. Шунинг учун ўзбек тилини ўрганувчи русларга шу тилдаги бирикманинг ўзбек тилида фақат от(имя)нинггина турланишини таъкидлаб ўтилиши зарур эди. Шунингдек, отлашган сифатнинг от каби турлана олиши ҳам қайд қилинган. Демак, бу даврдаги асарларда келишиқлар назариясига оид айрим фикрлар учраса ҳам, ўзбек тилидаги келишиқлар хусусияти ҳар доим ҳам ўзининг тўлақонли изоҳларига эга бўлмади.

Эгалиқ категорияси. Ўрганилаётган барча адабиётларда мазкур категория алоҳида категория сифатида эмас, балки рус тилидаги хослик (притяжательный) олмошларининг ўзбек тилидаги эквиваленти сифатида қаралган. Шунинг учун ҳам бу категория олмош сўз туркуми ичида ўрганилган.

М. Терентьев эгалиқ аффиксларини эгалиқ олмош кўшимчалари (*окончания притяжательных местоимений*) ва шахс белгилари (знаки лиц) деб номлайди (173). У эгалиқ аффиксларини тўғри белгилай олган. Шуниси аҳамиятлики, у III шахс кўплигида *-лар* аффиксини кўрсатмайди. Буни таъкидлашимизнинг боиси шундаки, эгалиқ шаклларининг III шахс кўплигида *-лар* аффикси предметнинг уч шахсдан бирига тааллуқли эканлигини ифода қилиш хусусиятига эга эмас. Маълумки, барча эгалиқ аффикслари айти ўринда ҳам шахсни, ҳам сонни, *-лар* аффикси эса фақат соннигина ифода қилади. Аслида эгалиқ категориясида III шахс кўплиги ноль шаклда бўлишини эътиборга олиш лозим бўлади, лекин М. Терентьев қаратқич келишиги ва эгалиқ шаклларининг маъно хусусиятларини ажрата

олган эмас, (бу бошқа муаллифларда ҳам кўринади), чунки у рус тилидаги эгалик олмошларига ўзбек тилидаги қаратқич келишиги ва эгалик шакллариининг эквивалент бўлишини кўзда тутиб, улар орасида грамматик маънодаги фарқни бир хил ҳодиса деб тушунади. Буни унинг қуйидаги сўзларидан билиш мумкин: “Қаратқич келишигидаги кишилиқ олмошлари хослик олмошлари бўлиб хизмат қилади, отларда эса *-им*, *-инг* каби шахс белгилари қўлланади” (30). Бу жумлада мантиқий жиҳатдан ҳеч қандай камчилик йўқ. Грамматик нуқтаи назардан қараганимизда, унда иккита категориянинг функциясини бир-биридан фарқламаслиги сезилади, чунки предметнинг уч шахсдан бирига тегишли эканлигини кўрсатиш эгалик шакллариининг, унинг кимга ёки нимага қарашли эканлигини билдириши келишиқ шакллариининг вазифаси эканлигини англамаган. А. Старчевский эгалик шаклларида фақат *-инг*, *-унг*, *-и*, *-си* аффиксли, яъни II ва III шахс бирликдаги шаклларни аниқлай олган (14). Бу ҳол унинг кейинги асарида ҳам такрорланади [Переводчик...,138].

3. А. Алексеев асарида эгалик категорияси анча кенг изоҳланган. Унинг бу категорияни ривожлантиришдаги хизматлари эгалик шакллариининг функцияларини кўрсатиб бера олиш эди. Айтиш мумкинки, бу билан эгалик категориясига дастлабки таъриф берилди. Албатта, бу тўғридан-тўғри категория моҳиятини белгиловчи таъриф сифатида юзага келмай, балки қаратқич келишиги билан келган сўз ва эгалик шакллари муносабатида айтилган эди: “Эгалик олмош приставкалари предметнинг I, II, III шахсга тааллуқли эканлигини билдирса-да, яна ҳам аниқлик учун шу қўшимчалар билан таъминланган сўз олдидан қаратқич келишигидаги сўз келтирилади” (39). Демак, бундан эгалик шакллари предметнинг 3 шахсдан бирига тааллуқли эканини билдиради, деган маъно англашилиб турибди. Шунингдек, эгалик шаклидаги сўзнинг қаратқич келишигидаги сўз билан бирга қўлланилиши ҳозирги лингвистик адабиётларимизда морфологик-синтактик усул билан ифодаланган эгалик деб тушунилишини ҳисобга олсак [Кононов, 1960, 87; Фозилов, 1965, 16],

3. А. Алексеевнинг бу фикри ҳозир ҳам ўз қимматини сақлаб келаётганига гувоҳ бўламиз. Бу жиҳатдан ҳозирги тушунчаларга яқинлашади ва аввалги муаллифлардан анча илгарилаб кетади. Бу фикрни кейинчалик С. А. Лапин (11) ва А. А. Беляевлар ҳам қабул қилган. 3. А. Алексеев эътиборидан эгалик аффикслари қўшилган пайтда асосдаги *қ* ва *к* жарангсиз ундошларининг *ғ* ва *г* ундошига (*қилиш*) ўтиши каби ҳолатлар ҳам четда қолмаган. Шунингдек,

қаратқич келишиги аффиксини олган сўзнинг аниқланмишида албатта эгалик аффикслари келиши шарт эканлиги ва бу қонуниятдан чекиниш ҳолатлари жуда кам эканлигини (*биззи уй* сингари) ҳам айтади. У эгалик аффиксини олган сўздан унинг аниқловчиси қаратқич келишигида турганлигини (гарчанд, белгисиз шаклда бўлса ҳам) билиш мумкинлигини, айниқса, аксарият шеваларимиздаги ўрин-пайт ва чиқиш келишларида эгалик ва келишик аффикси ўртасида **н** ундошининг (*атасинда*) орттирилишини пайқай олган [Аширбоев, 2016, 41]. Улар яна бир хусусиятни англаб олган кўринади, яъни қаратқич+қаралмиш бирикмаларида қаратқич сўроқ олмоши билан ифодаланган бўлса, эгалик қўшимчасини олган сўз, албатта, унинг белгили қартқичда бўлишини талаб қилади (*ким қўли* эмас, балки *кимнинг қўли*). Бизнингча, бу фикрни қабул қилиш лозим, чунки бу хилдаги қўлланиш ўзбек тилига хосдир. Шу билан бирга, З. А. Алексеев эгалик қўшимчаларининг унли ва ундош билан тугаган сўз асосига қараб ўзгариш парадигмасини беради ва эгалик аффиксларининг лаб унлили асосга қўшиладиган вариантларини ҳам кўрсатади. Афсуски, улар далилланмай қолган. Шунга қарамасдан, уларнинг бу фикри ҳақиқатдан узоқ эмас, балки тилимиз тарихида эгалик аффиксларининг лабланган унлилар иштирок этган асосларга қўшиладиган вариантлари амалда бўлган ва ҳозирги шеваларимизда бу давом этмоқда [Ashirboyev, 2020, 37]. С. А. Лапин бу категорияни олмош туркуми ичида берса ҳам, “притяжательные приставки” сарлавҳаси остида алоҳида изоҳлайди ва бундай дейди: “... предметнинг маълум шахсларга (I, II, III шахсларга) тааллуқли эканлигини билдириш учун ўзбек тилида эгалик олмошлари билан бир қаторда русча эгалик (хослик) олмошлари маъноларини англатадиган эгалик приставкалари мавжуд” (10). Бундан ўзбек тилида эгалик олмошлари мавжуд деган фикр англашилади.

Хослик билдирувчи -ники аффикси ҳақида. Бу аффиксни М. Терентьев дастлаб тилга олган бўлиб⁵, бу аффикс қўшилган сўзни эгалик (хослик) олмоши сифатида талқин қилади. У *-ники* аффиксининг *-нинг* ва *-ки* аффиксларидан ташкил топганлигини кўрсатади, лекин хослик маъносини фақат *-ки* аффиксигина ифода қилади демоқчи бўлади. А. Старчевский ҳам бу аффиксининг *-ки*

⁵ Унинг ифодалайдиган маъноси ва ҳосил қилиниши ҳақида: “Если на вопрос чей? Надо отвечать: мой, твой и т.п., то к притяжательным местоимениям приставляется частица *-ки*, но при этом последние две буквы родительного падежа откидывается. Поэтому надо сказать не *менингки*, а *маники*, *саники*, *аники*”, - дейди. Терентьев М., 174. Бу ўринда *аники* шаклининг ўзбек тили хусусиятига мос эмаслигини таъкидлаймиз.

тарзида қўлланишини кўрсатади ва қуйидагича тушунтиради: “Хослик олмошлари от билан қўлланмаганда, у вақтда унга *-ки* қисмчаси (частичка) қўшилади: “*мой - меники, твой - сеники*” (Спутник..., 14). В. Н. Наливкин, И. А. Беляев, Н. С. Будзинский асарларида ҳам шу фикр келтирилади. Демак, бу фикрга қараганда, қаралмиш қўлланмагандагина *-ники* аффикси қўшилади.

В. Наливкин, М. Наливкина, Т. Қиёсбеков, Л. Афанасев, Н. Остроумов асарларида *-ники* аффикси орқали ҳосил қилинган (тўғри, келтирилган мисолларда асос вазифасини кишилик олмошлари бажарган) сўзлар хослик олмоши деб талқин қилинади. З. А. Алексеев *-ники* аффиксини олган сўзларни ясама сифат деб юритади (31-б.). С. А. Лапин эса бу масалага мутлақо тўхталмаган. Демак, ўрганилаётган давр лингвистик асарларида абстракт эгаликни [Ҳожиев, 1979, 51] ифодалайдиган *-ники* аффикси ўзининг илмий ифодасини топа олмаган. *-ники* аффиксли шакл кейинги пайтда от туркумига хос бўлган қарашлилиқ шакли сифатида қайд қилинмоқда [Ҳожиев, 1979, 51]. Маълум бўладики, эгалик категорияси от туркумига хос категория эмас, балки олмошнинг бир тури сифатида изоҳланди.

Грамматик сон категорияси. Бу давр асарларида грамматик сон категориясига кам аҳамият берилган. Бирлик сон ҳақида деярли маълумот берилмаган. Аксарият асарларда кўпликнинг *-лар* (*-лар*, *-лер*, *-ляр* вариантлари билан бирга) аффикси орқали ифода қилиниши айтилади. Шундан, *-лер//ляр* варианты ўзбек тилига хос эмаслигини, балки русча артикуляция эканлигини таъкидлаган бўлар эдик. А. В. Старчевский жонли тилда *-лар* аффиксининг *н* товуши билан тугаган асосларга қўшилганда *-нар* тарзида ассимилятив ўзгаришини ҳам кўрсатган [Спутник...,10]. Ушбу вариант ўзбек шевалари учун характерлидир, шу жиҳатдан уни эътиборга олиш мумкин.

Бу даврдаги муаллифлар *-лар* аффиксининг қандай асосга қўшилиши билан ҳам қизиқдилар. З. А. Алексеев сарт тилида бирлик ва кўплик шакллари мавжудлигини, кўплик шакли *لر, لار* аффикслари билан ҳосил қилинишини ва унинг тўғридан-тўғри сўз асосига ҳамда келишиқ қўшимчаларидан кейин қўшила олишини айтади ва янглишади, келишиқ қўшимчаларидан кейин қўшилишига *кўзгиналар* сўзи хато келтирилган (25). В. Наливкин, М. Наливкиналар кўплик аффиксининг сон билан ёки миқдор билдирувчи сўзлар билан келганда, унинг қўшилмаслигини айтганлар [5], масалан, *бир неча*

сандуқ, кўп одам. Бу фикрни кейинчалик Н. Будзинский ҳам такрорлайди [36].

-лар аффиксининг кўплик маъносидан ташқари бошқа модал маъноларни ҳам билдириши шу давр муаллифлари эътиборидан четда қолмаган. В. Наливкин, М. Наливкиналарнинг изоҳидан ⁶ -лар аффикси 1) якка шахсга нисбатан ҳурмат; 2) кишиларга тегишли предметни билдирган сўзларга қўшилиб, ўша предмет номи орқали унинг эгасига нисбатан ҳурмат маъноларида қўлланилади, деган фикрини англаб олиш мумкин. Н. С. Будзинский ҳам -лар аффиксининг бундай маъноларда қўлланишини таъкидлаб ўтади. Маълумки, -лар аффиксининг бундай маънолари, яъни кўплик билан бирга бошқа модал маъноларда қўлланиши ҳозирги қўлланма ва дарсликларимизда атрофлича ёритилган.

Кўплик ифодаловчи аффикс морфемаси (-лар аффикси) турлича номланган. М. Терентьев бу аффиксни *приставка* деб атайдиган (164). *Приставка* деб номлаш В. Наливкин, Т. Қиёсбеков, Н. С. Будзинский, Н. Остроумов асарларида ҳам учрайди. Шунингдек, В. Наливкин, М. Наливкиналар бу морфемани *окончание* термини билан атаса, С. А. Лапин *частица* сўзи билан юритади (лекин бу сўз юклама маъносида қўлланган эмас). Афтидан, *приставка* термини ҳам, *частица* термини ҳам *қўшимча* ёки *аффикс* маъносида қўлланган. З. А. Алексеев эса унга умуман ном бермаган, у аффикс олувчи қисмни *основа* деб атагани ҳолда, аффикс морфемасини *слог* деб юритади, уларнинг аффикс морфемасини *слог* деб номлаши тасодифий эмас. Проф. С. Усмоновнинг кўрсатишича, О. Бётлингк ва В. Радлов асарларида ҳам *formselbin* ва *selbinstoff* терминлари билан юритилган [Усмонов, 1963, 219]. Кўринадигани, XIX аср тилшунослигида аффиксларни *шакл-бўғин* ва *шакл-предмет* деб аташ анъанаси бўлган.

Кўплик маъносининг контекстдан англашилиши тўғрисида ҳам маълумотлар учрайди. Бу ҳақда Н. Остроумов шундай дейди: “Нутқда бирлик ва кўплик сони ҳамма вақт ҳам қўшимчалар орқали фарқ қилинавермайди. Ҳар бир гапдаги бирлик ва кўплик маънолари эшитувчи ёки ўқувчининг соғлом ақли томонидан аниқланади” (26). Н. Остроумовнинг бу фикри ҳеч қандай эътироз туғдирмаса ҳам, мазкур фикрлар фактлар асосида тасдиқланмаган.

⁶ Улар шундай дейди: “Употребление из вежливости множественного числа вместо единственного одиноково с русским, с тою только разницею, что в сартовском языке это употребление множественного числа распространяется не на одно только лицо, но и на все ему принадлежащее” ва бунга *уйларингиз* (ваш дом) сўзини мисолга келтиради (5).

Отларда модал шакллар. М. Терентьев, З. А. Алексеев, В. Наливкин, М. Наливкина, Л. Афанасьев, Т. Қиёсбеков, Н. С. Будзинский, Н. Остроумовлар отларга *-ча* аффиксини қўшиш билан кичрайтириш (уменьшительная форма) шакл ҳосил қилиниши ҳақида маълумот берадилар. З. А. Алексеев бу аффикс билан бирга *-гина/кина* аффиксини ҳам келтиради (31). Бу аффиксга келтирган мисоллари сифат туркумига алоқадордир, чунки у “отлар” ёки “исм” терминини кенг маънода қўллаганлигини юқорида кўрган эдик. Н. Остроумов кичрайтириш маъносини ифодалайдиган *-чоқ* (چاق), (*қулунчоқ, қўзичоқ*) ҳақида маълумот беради. Уларнинг бу аффикс тўғрисидаги ахборотини қабул қилган ҳолда, унга келтирилган *қулунчоқ* сўз шаклининг амалий эмаслигини эслатиб ўтамиз. Бундан ташқари, В. Наливкин, М. Наливкина, Н. С. Будзинский асарларида эркалаш шакли *-гина*, (унинг *-кина//қина* вариантлари билан бирга) аффикси билан ҳосил қилинади, деган фикр ҳам учрайди. Л. Афанасьев *катталаштириш* шакли (увеличительная форма) ҳақида гапириб, унинг *каттакон* сўзини от олдидан келтириш билан ҳосил қилинишини кўрсатади (12). Масалан, *каттакон қулоқ* каби. Кейинчалик Н. С. Будзинский ҳам шу фикрни келтирган (38). Албатта, бу сўзнинг аналитик шаклига ўхшайди, лекин *каттакон* сифати *қулоқ* сўзнининг сифатловчи аниқловчисидир. Фақат у ҳажм маъносига эга бўлганлиги учун *қулоқ* сўзининг катталаштирувчи шаклини ҳосил қилади деб тушунишга сабаб бўлган.

Отларнинг модал шакллари В. Наливкин, З. А. Алексеев, Н. С. Будзинский, Н. Остроумовлар сўз ясалишининг узвий қисми сифатида қарайдилар ҳамда “сўз ясалиши” бобида изоҳлайдилар. Масалага бу тарзда ёндашиш ҳам тасодифий эмас, балки бундай қараш тилшуносликда нисбатан узоқ тарихга эга [Усмонов, 2010, 63].

Сифат. М. Терентьев ўзбек тили грамматикаси қисмида сифат ҳақида маълумот олиш учун “Турк тили грамматикаси” бобида қарашни тавсия қилади. Унда фақат “сифат ҳамма вақт от олдида қўйилади” (22) жумласи келтирилади. А. В. Старчевский бу фикрни бирмунча қайта ишлайди ва унга қуйидагича изоҳ беради: “Турк тилида сифатлар ўзи тааллуқли бўлган от олдида қўйилади”(210). В. Наливкин бу фикрни янада тўлдириб: “Сифатлар аниқловчи сифатида от олдида келиб, ҳамма вақт аниқланмишдан аввал туради ва у билан сон ва келишида мослашмайди” (21). Худди шу фикр И. А. Беляевда ҳам қайд қилинади (80). Демак, бу таърифларда сифат

туркумининг фақат бир белгиси, яъни синтактик хусусиятигина намоён бўлади.

Сифатнинг семантик хусусияти. С. А. Лапин сифатнинг отдан ва рус тилидаги сифатдан фарқини айта туриб, унинг *белги* билдиришини таъкидлайди ⁷. Н. Остроумов сифатга соф семантик нуктаи назардан туриб баҳо берган: “Сифат предмет белгиси, хусусияти, уларнинг ҳаракати ва ҳолати исмларидир”(41). Бу таърифга кўра, предметнинг белгисини билдирадиган (ҳозир сифат деб тушуниладиган) сўзлар билан бирга, предметнинг ҳаракатини билдирувчи сўзлар ҳам сифатга киритилиши лозим бўлади, лекин Н. Остроумов нима учун предметнинг ҳаракатини билдирувчи сўзларнинг сифат дейилишини асосламайди. Эҳтимол, ҳаракат натижаси бўлган белгини (*ўйноқи, сайроқи* каби) англатадиган сифатларни кўзда тутгандир. Ҳар ҳолда, унинг қандай белгини кўзда тутганлиги бизга номаълум, чунки бунга мисоллар келтирилмайди. Шунингдек, у сифат туркумини ҳам исм деб юритмоқдаки, бу фикр янглиш эмас, балки исм термини тилшуносликда от, сифат сон туркумларини умумлаштириши маълум.

Сифат даражалари. Бу даврдаги адабиётларда сифатнинг оддий (положительная степень), қиёсий (сравнительная степень), орттирма (превосходная степень) даражалари эътироф этилган, лекин бу категорияни ташкил этувчи шакллар ҳақидаги фикрларда умумийлик йўқ.

*Оддий даража*⁸. Бу шакл ҳақида маълумот З. А. Алексеев, А. Вишнегорский, С. А. Лапин, Т. Қиёсбеков ва Н. Остроумовларда учрайди. Аслида оддий даража тўғрисида дастлаб М. Терентьев фикр юритган. У қиёсий даражани ҳосил қилиш жараёнида “оддий шакл” (положительная форма) деган терминни қўллайди (167), лекин қиёсий ва орттирма даражага нисбатан алоҳида даража эканлигини қайд қилмайди. Оддий даражани тилга олган бошқа муаллифлар ҳам шу даражани ажратишда унинг бошқа даражаларга нисбатан *ноль шакл* эканлигини назарда тутмайди, балки мавжуд анъанага, оддий даражани санаб ўтиш анъанасига риоя қиладилар.

⁷ У шундай ёзади: “Отличительною чертою этих имен является то, что все они носят характер имен прилагательных качественных, показывая лишь качества предмета ” (41)

⁸ Бизнингча, ўзбек тилидаги *оддий даража* термини таркибидаги *оддий* сўзининг қўлланиши муваффақиятли эмас, унга нисбатан рус тилида *положительная степень* терминидаги *положительная* сўзи тўғри танланган ва ундаги асос, таянч бўлиш тушунчаси термин моҳиятини белгилай олган.

З. А. Алексеев оддий даражанинг дастлабки таърифини беради: “Оддий даража маълум бир предметга хос белгини билдириб, шу предметда белгининг қай даражада мавжудлигини аниқламайди”(32). Бу таъриф эътирозга сабаб бўлмайди, чунки у оддий даражанинг хусусиятини белгилай олган. С.А.Лапин унга таъриф бермайди, лекин унинг хусусиятларини “*оддий даража сифатнинг бошлангич шакли сифатида маълум бир қўшимчага эга эмас*” тарзида изоҳлайди (43). Бунга кўра, оддий даражанинг муҳим хусусияти – бошқа даражаларнинг ҳосил қилиниши учун асос вазифасини бажариши айтилган. Н. Остроумов аниқроқ таъриф беришга ҳаракат қилади: “Оддий даража предметга хос бўлган белгини даражалаб аниқламайдиган сифатнинг асосий шаклидир” (56). Бу таърифни таҳлил қилсак, унинг З. А. Алексеев, С. А. Лапинлар берган таърифларни умумлаштириб, ижодий фойдаланганлигини кўрамиз, чунки у оддий даража сифатларининг бошқа предметлардаги шу белгига нисбатланмаслигини З. А. Алексеевдан, оддий даражанинг бошқа даражалар учун асос бўлиши ғоясини С. А. Лапиндан ўзлаштиргани маълум бўлади.

Қиёсий даража. Бу шакл таҳлил объектимиз бўлган барча адабиётларда тилга олинган. Унга З. А. Алексеев ва Н. Остроумовлар назарий жиҳатдан ёндашишган.

З. А. Алексеев уни қуйидагича изоҳлади: “Қиёсий даража (асарда шу ўринда хатога йўл қўйилган ва “положительная степень” деб ёзилиб қолган) бирон бир предметга хос бўлган белгининг бошқа предметдаги шу белгидан ортиқ эканлигини кўрсатади” (32). Бу таърифда фикр бир томонлама бўлса-да, асосан, унда қиёсий даражага хос бўлган маъно акс этган. Бу таърифда қиёсий даражада қиёсланувчи предмет белгиси ҳамма вақт ортиқ бўла бермаслиги, балки кам бўлиши ҳам мумкинлиги эътиборга олинмаган [Маъруфов, 1949, 138; Асқарова, Абдурахмонов, 1972, 66], аммо қиёсланувчи белгининг камлигини, умуман, белгининг камлиги шакли билан аралаштирмаслик керак. Келтирган мисолларида қиёсий даражанинг синтетик ва аналитик шакллари учрайди. З. А. Алексеевнинг юқоридаги таърифи Н. Остроумов томонидан тўлдирилади: “Қиёсий даража маълум бир предмет хусусияти ёки белгисининг бошқа шу каби предметдагиларга нисбатан ортиқ ёки кам даражада эканлигини кўрсатади”(56). Айтиш мумкинки, бу билан қиёсий даражанинг грамматик хусусиятини кўрсатиш масаласи ечилди.

Бу давр адабиётларида қиёсий даражанинг ҳосил қилиниши тўғрисида ҳам фикр юритилади. М. Терентьев бу даражанинг *-роқ* (راق) аффикси билан ҳосил қилинишини кўрсатади, лекин келтирган мисолларининг барчаси белгининг камлиги шаклидир. Бу ҳолат бошқа асарларда ҳам такрорланади. З. А. Алексеев бу даражанинг *-роқ/рак* билан бирга, форсча *-тар* (تر) аффиксини *беҳтар* сўзида ҳам қайд қилади (32). Н. С. Будзинский *-тар* аффиксининг *-роқ* аффикси билан баравар қўлланишини айтади. М. Терентьев қиёсий даражанинг аналитик шаклда бўлишига ҳам ишора қилади⁹. Буни у агар икки предмет қиёс қилинадиган бўлса, дастлаб яхшисини англатган сўз, сўнг чиқиш келишигидаги ёмонроғини билдирган сўз келтирилади деб тушунтиради. Шу ўринда тўғри ўйланган фикр тескари изоҳланиб қолганлигини (бу ерда тартиб бузилган) ҳисобга олмаганда масалага ёндошиши ижобийдир. Синтактик усул билан ҳосил қилинган мазкур қиёсий даража шакли кейинги асарларда ҳам қабул қилинди, ҳатто И. А. Беляев (82), Н. Остроумовлар (56) уни қиёсий даражанинг асосий шакли сифатида талқин қилдилар. В. Наливкин, М. Наливкина, С. А. Лапинлар бу усулни қиёсий даража ҳосил қилишда *-роқ* аффиксли шакл изоҳидан кейин ёритадилар. З. А. Алексеевнинг келтирган *шундан ул бола шўхроқ* мисолидан қиёсий даражанинг синтетик-аналитик усулини қайд қилганини кўрамиз, лекин уни тасодифий келтирганга ўхшайди, чунки изоҳи келтирилмаган.

Орттима даража. Сифатнинг бу шакли тўғрисида ҳам ўрганилаётган асарларда маълумотлар мавжуд. З. А. Алексеев ва Н. Остроумовлар уни назарий жиҳатдан ҳам изоҳлашга ҳаракат қилганлар. З. А. Алексеев унга шундай таъриф беради: “Орттирма даража предметдаги белгининг бошқа шу турдаги предметлардан ва уларнинг барчасига нисбатан ортиқлиги ифодалайди” (32). Бу тарифда орттирма даража шаклининг назарий қоидаси ҳал қилинган, дейиш мумкин. Ҳозирги пайтда бу шаклга берилаётган таърифларда ҳам юқоридаги ғоя ўз кучини сақлаб қолмоқда. Н. Остроумов таърифида бу шаклнинг иккинчи бир хусусияти, яъни “бир предметдаги белгининг бошқа предметдаги айнан шундай белгидан олий даражада эканлиги” хусусияти ҳам қайд қилинади (57).

⁹ Бу ҳақда: “Если сравнивается два предмета, то лучший ставится на первом месте, затем идет худший в исходном падеже, а затем **прилагательное** в положительной форме”, - дейди (167).

Кўринадик, юқоридаги икки таърифдан орттирма даражанинг илмий изоҳи келиб чиқади.

Энди бу шаклнинг ҳосил қилиниши масаласига тўхталамиз. В. Наливкин, М. Наливкиналар *ҳаммадан*; С. А. Лапин, Т. Қиёсбеков, Л. Афансьевлар *ҳаммадан* ва *энг*; М. Терентьев *кўп* (كوب), *жуда*; А. В. Старчевский *ҳаммадан* (лекин у бу сўзни ажратиб кўрсатмайди, балки *сэн ҳэммэмиздин байсин* бирикмасидан англашилади деб таъкидлайди), *кўп*, *жуда*, *тўла*, *обдон*; З. А. Алексеев *энг*, *жуда*, *кўп*, *гоятда*, *ниҳоят*, *ҳаммадан*; И. А. Беляев *энг*, *ҳаммадан*, *жуда*; Н. С. Будзинский *энг*, *жуда*, *ҳаммадан*, *кўп* (“очень” ма’носида); Н. Остроумов *энг*, *жуда*, *ниҳоят*, *бениҳоят* сўзларини сифат олдидан келтириш билан орттирма даража ҳосил қилинишини айтадилар. Маълумки, ҳозирги ўзбек тилшунослигида ҳам орттирма даража шакли компонентини ҳосил қиладиган сўз масаласи ҳали мунозаралидир. Жумладан, А. Н. Кононов орттирма даража *энг*, *жуда*, *гоят(да)*, *ниҳоятда*, *барчадан*, *ҳаммадан*, *баридан* сўзларини [Кононов. 1960, 164]; С. Усмонов фақат *энг* ва *ҳаммадан* сўзларини [Усмонов, 1964, 139]. сифат олдидан келтириш билан орттирма даража сифати ҳосил қилинишини эътироф этадилар. Бошқа асарларда ҳам шу масалада бирлик кўринмайди.

З. А. Алексеев *укаларимнинг кичиги*, *дарахтнинг каттаси* каби мисолларни орттирма даража деб кўрсатади (33). Бундай қараш, афсуски, кейинчалик ҳам давом этди [Кононов, 1960, 165; Сарауев, 2009, 135]. Бизнингча, бу мисолларни орттирма даража сифати деб қараш асоссиз, балки отлашган сифат қаралмиши билан бирга қўлланмоқда, холос. Демак, сифат даражалари масаласида бу даврдаги адабиётларда айрим янглиш тушунчалар мавжуд бўлса-да, унинг назарияси нисбатан ҳал қилинган эди. Шу муносабат билан, ҳозирги ўзбек тилшунослигимизда ҳам сифат даражаларини белгилашда янгича ёндашувларга зарурият борлигини таъкидлаб қоламиз, яъни синтактик алоқаси яққол сезилиб турган бирикмаларни сифат даражаларидан ҳоли қилиш тўғри бўлади.

Сифатларда модал шакл. Бу даврдаги асарларда сифатлардаги белгининг камлиги ва интенсив шакллари ҳақида ҳам маълумот берилади.

Белгининг камлиги шакли. Сифатнинг бу шакли ҳақида дастлаб М. Терентьев маълумот беради (169) ва уни кичрайтиш сифатлари (уменьшительные прилагательные) деб юритади. М. Терентьев мазкур термин остида белгининг кичрайтиш ва камлиги маъноларини

тушунган. Унинг келтирган мисоли ва изоҳларидан сифатнинг қуйидаги модал турларини ажратиш мумкин бўлади: а) кичрайтиш шакли. У *-гина//кина* (*кичиккина, кичкина*) ва ранг билдирувчи сифатларга *-жил* (*жил*) (*оқжил*) аффиксларини қўшиш билан ҳосил қилади; б) белгининг камлиги. Уни “(значение) неполного качества” деб юритади. Унинг *-тул, -мтул* аффикси билан ҳосил қилинишини айтади ва унга мисол қилиб *оқтул, қорамтул* сифатларини келтиради. Масалага яқиндан ёндашадиган бўлсак, аслида юқоридаги аффикслар билан ҳосил қилинган сўз шакллари кичрайтиш шакллари деб бўлмайди, бу фақат *-гина (-қина -қина)* аффикслари билан ҳосил қилинган сифат шаклларига нисбатангина бирмунча тўғридир, ушбу аффикслар ҳажм ва узунлик маъносини билдирадиган сифатларга (яъни қисқаликка ва торликка яна кичрайтириш оттенкасини бериш учун) қўшилгандагина шундай маъноларни ифодалай олади, акс ҳолда, кузатилган маъноларни ифодалаб бўлмайди. Шунда ҳам таъкид маъноси ўз кучини сақлайди. Кичрайтиш шакли (уменьшительная форма) терминининг қўлланиши тарихига назар ташласак, унинг дастлаб Олтой грамматикачилари асарида қайд қилинганини кўрамиз. [Грамматика алтайского языка, 1869, 24], бироқ улар бу терминни *-ча* аффикси билан ҳосил қилинган отнинг модал шаклига нисбатан қўллаган эдилар. М. Терентьев эса бу терминни сифатнинг модал шаклини ифодалаш учун татбиқ этган. Лекин бу термин кейинчалик ҳам сифат категориясига хос термин сифатида рус тилида яратилган ўзбек тили грамматикаларида мустаҳкамланиб қолди. Масалан, А. Н. Кононов *-гина (-қина//кина)* аффиксини олган сўзни сифатнинг кичрайтиш шакллари (уменьшительные формы прилагательных) деб атайди [Кононов, 1960, 160].

А. В. Старчевский, И. А. Беляев, Л. Афанасьевлар кичрайтиш шаклини алоҳида (сифат даражаларидан кейин) ёритади. А. В. Старчевский кичрайтиш маъносининг, М. Терентьев каби *-гина, -кина* (унда *-гинэ, -кинэ*) ва *-тул* аффикслари билан ифодаланишини кўрсатади (11), бироқ *-тул* аффикси билан ҳосил қилинган кичрайтиш сифатларига *саригтул, ақтул* каби сўз шакллари келтирадики, улар ўзбек тилининг фонетик-морфологик хусусиятларига мос келмайди.

Кичрайтиш сифатларини ҳосил қилувчи *-тул, -мтул* аффикслари эски ўзбек тилида қўлланган [Умаров, 1967, 14], лекин А. Н. Кононов *-мтил* вариантынинг олтмишинчи йиллар ўзбек

тилига хос бўлганлигини уқтиради [Кононов, 1960, 161]. Юқорида тилга олинган *-жил* аффикси ҳозирги ўзбек шеваларимизда *-чъл/чъл*, вариантларида (*көкчъл, ақчъл*) учрайди [Мухаммаджонов, 1970, 18]. Сифатнинг *-гина* аффиксли шакли баъзи асарларда сифат даражаларидан кейин изоҳланса, В. Наливкин, Н. С. Будзинский, Н. Остроумовлар сўз ясаши билан бирга қарайдилар. Бу бежиз эмас, чунки сўз яшаш ва сўз ўзгартиш ўртасида турувчи модал шакл ясовчи аффикслар яқин-яқингача сўз ясовчилар қаторига киритиб келинганлиги авалги саҳифаларда айtilди. Шу туфайли уларни бу масалада айблаш мумкин эмас.

Интенсив шакл. Бу шакл ҳақидаги дастлабки маълумот М. Терентьев томонидан берилган. У сифатларнинг тўлиқ ва тўлиқсиз (*катта-катта, опоқ “оппоқ”, қип-қизил*) такрорланиши натижасида маънонинг кучайтирилишини сифатнинг орттирма даражаси деб талқин қилган эди (168). Бундай қараш кейинги даврларда ҳам учрайди [Ўзбек тили грамматикаси, 1975, 294]. Шунингдек, тўлиқ такрорнинг кўп, тўлиқсиз такрорнинг эса кам қўлланишини айтади, бироқ бу фикри исбот талаб қилади, чунки ҳеч қандай статистик маълумот берилмайди. Демак, бу фикрни эътиборга олиш қийин. А. В. Старчевский ҳам орттирма даражанинг ҳосил қилинишида сифатларнинг кучайтирув шакллари ҳақида фикр юритиб, М. Терентьев каби унинг тўлиқ такрорлаш (*улуғ-улуғ*) ҳамда *кўм-кўк, қип-қизил* типдаги тўлиқсиз такрорлаш усули билан ҳосил қилинишини кўрсатади. Кейингисини изоҳлашда тўлиқсиз такрорда қатнашадиган биринчи бўғинни *кучайтирувни ифодаловчи қисмча* (частицы, выражающие усиления) деб атайди (11). Бу тамойил З. А. Алексеевда ҳам кўзга ташланади (38). Шунингдек, унда *жуда, кўп, ниҳоятда* сўзларини сифат олдидан келтириш билан ҳосил қилинган кучайтирув шакллари учрайди, лекин уларни ҳам орттирма даража сифатлари деб юритади. И. А. Беляев орттирма даража сифатларини изоҳлаб бўлгач, қавс ичида сифатнинг модал маъноларига алоҳида тўхталади ва унинг ҳосил қилиниши ҳақида: “Сарт тилида белгини кучайтириш учун кўпинча сифат икки марта кетма-кет такрорланади”, - дейди” (82). Шунингдек, такрорланган сифатлар ўзи аниқлаб келган отнинг ҳамма вақт *-лар* аффиксини олишини қайд қилади ва *иссиқ-иссиқ кунлар* мисолини келтиради. Унинг бу кейинги фикри ҳақиқатдан узоқ эмас, чунки бундай қўлланиш тилшунослар томонидан эътироф этилган [Усмонов, 1964, 164].

3. А. Алексеев биринчи бўғинни (лаб ундошларидан **п, б, м** билан бирга) такрорланишини ҳам кўрсатган. Унга *қоп-қора, қип-қизил бўм-бўш* каби мисолларни келтиради, бироқ И. А. Беляев бу ҳолатни шундай баён қилади: "...кўпинча ранг билдирувчи сифатларни кучайтириш учун сартлар шу сифат олдидан янги бўғин қўядилар, ундаги икки товуш сифатдаги биринчи икки товуш билан ўхшаш бўлади, охиргисида эса, албатта, **п, б, м** лаб ундошлари келади" (82). Англашиладики, И. А. Беляев сифатнинг кучайтирув шаклини ҳосил қилишда шу сифатнинг дастлабки бўғини эмас, балки бошқа янги бўғин келтирилади деб тушунган. Л. Афанасьев сифатнинг кучайтирув шакли *жуда* (джида) сўзини сифат олдидан келтириш билан ясалади деб тушунтиради (12). Бу жиҳатдан у ҳақиқатга яқинлашади. Маълумки, *жуда* сўзини сифат олдидан келтириш билан орттирма даража ёки кучайтирув сифати ҳосил қилиниши тилшуносликда мунозаралидир [Кононов, 1960, 164; Усмонов, 1964, 140].

Н. С. Будзинский сифатнинг интенсив шаклини икки хил номлайди, яъни такрорлаш усули билан ҳосил қилинган сифатнинг интенсив шаклини *кучайтирув сифати* (усиление прилагательных), сўзларни сифат олдидан келтириш билан ҳосил қилинган интенсив шаклини *катталаштирув сифати* (увеличительные прилагательные) деб атайди (39). У ҳам кучайтирув шаклини *жуда* сўзини сифат олдидан келтириш билан ҳосил бўлиши, айни замонда сифат даражаларининг ҳосил қилинишида ҳам қатнашишини айтади. Демак, бу масалада у изчил эмас. Н. Остроумов фақат тўлиқсиз такрорлаш билан ҳосил қилинган сифатнинг кучайтирув шакли ҳақида маълумот беради (54).

Бу давр аабиётларида сифатнинг инкор (отрицательная) шакли тўғрисида ҳам фикр юритилган. Жумладан, А. В. Старчевский бу шаклнинг сифатдан сўнг *имас* (эмас) сўзини (унингча, қисмча-частица) қўйиш орқали ҳосил қилинади ва унга (*яхши имас, кызыл имас* (11) мисолларини келтиради.

Сифат туркумининг юқоридагича ёритилиш ҳолати ҳозир ҳам унинг даражалари ва бошқа масалаларини назарий жиҳатдан қайта кўриб чиқиш, айниқса, бунда ўзбек тилининг табиатидан келиб чиқиб ёндашиш, рус тили қолипларидан ҳоли қилишдек вазифа олдимизда турганига туртки бўлади.

Сон. Бу туркумнинг семантик хусусиятини фақат Н. Остроумовгина изоҳлай олган¹⁰. Соннинг маъно турлари эса деярли барча адабиётларда ёритилади.

Микдор сон. М. Терентьев ва Н. Остроумовлар соннинг бу маъно турини алоҳида изоҳламаган бўлсалар-да, соннинг бошқа маъно турларини ҳосил қилиш жараёнида “количественные числительные” терминини қўллайди. В. Наливкин ва М. Наливкиналар эса бу сонни фақат “числительные” деган термин билан атайди. Соннинг бир маъно тури сифатида “количественные числительные” терминини А. В. Старчевский қайд қилади (11) ва бошқа муаллифлар ҳам шу терминдан фойдаланадилар. Микдор соннинг семантик хусусиятини З. А. Алексеев кўрсатишга ҳаракат қилиб: “Микдор сон предметнинг микдорини кўрсатади” (34), - деган жумлани келтиради, холос. У бирдан тортиб, миллионгача бўлган сонларнинг араб графикасидаги вариантларини келтиради. Улар таҳлил қилинганда минггача бўлган сонлар тўғри берилганлиги маълум бўлди, фақат *етти*, *саккиз*, *йигирма* сўзларида ташдид ва унли ҳарфлар ёзилмаган, холос. Юз мингнинг *лак*, миллионнинг *минг-минг*, *ўн лак* вариантларини кўрсатадики, аслида бу сўзлар тилимиз тарихига оид, бўлиб, ўрганилаётган даврда қўлланганлигига ишониш қийин.

Тартиб сон. Соннинг бу маъно тури барча асарларда қайд қилинган. З. А. Алексеев, С. А. Лапин ва Л. Афанасьевлар бу соннинг *-нчи* аффикси (С.А.Лапин Самарқанд шевасида *-ланчи* варианты борлигини кўрсатади); В. Наливкин, И. А. Беляев, Н. Остроумовлар *-нчи*, *-инчи* аффикси (И.А.Беляев бу аффиксни *-нчи*, *-инчи* тарзида ёзади); М. Терентьев *-инджи*, *-нчи* (Бухорода *-лянджи*), *-нч* аффикси; А. В. Старчевский *-ланджи*, *-ленджи*, *-нджи*, *-нчи*; Н. С. Будзинский *-нчи*, *-инчи*, *-ланчи* аффикслари билан ҳосил қиладилар. Кўрсатилган аффикслар шакл жиҳатдан, асосан, ўша давр рус муаллифининг англай олганлигини билдиради, холос. *-нчи*, *-инчи* аффиксларинигина тўғри белгилай олишган, лекин бошқаларини шевалар билан боғламоқчи бўлсалар-да, уларнинг фонетик хусусиятини аниқлай олмаганлар. *-нч* аффикси эса ўрганилаётган даврда мавжуд бўлган эмас, балки у қадимги туркий тилга хос бўлган [Фозилов, 1965, 72; Qosimov, 209, 168]. Аффикснинг бу вариантини қайд қилиши, эҳтимол, унинг туркий тиллар тарихи билан танишлиги сабаб бўлгандир.

¹⁰ У шундай дейди: ” (Числительные)... названия количества и порядковых их счет” (41).

В. Наливкин, Н. С. Будзинскийлар мураккаб сонлардан (лекин мураккаб сон тушунчасига озоҳ бермайди) тартиб сон ҳосил қилишда аффикснинг охирги сонга қўшилишини атайди. Бу фикр Н. Остроумовда ҳам такрорланади. Соннинг бу турини З. А. Алексеев “тартиб сонлар кетма-кет турадиган предметнинг тартибини билдиради” (34) тарзида изоҳлайди. Бу жумла тартиб соннинг хусусиятини акс эттира олса ҳам, бир томонламандир, чунки тартиб сон предметнинггина эмас, балки олдинма-кейин бажариладиган ҳаракат ва ҳолатнинг тартибини ҳам ифодалайди. Шунга қарамасдан, унга тартиб соннинг дастлабки таърифи сифатида ижобий муносабат билдириш мумкин. Шунингдек, у *битта-битта, биттадан* каби шаклдаги сонларни ҳам тартиб сон ҳисоблайдики, бу масалани ҳам ўйлаб кўришга тўғри келади, чунки бу сўзларда бирор ҳаракатни тартиб билан бажариш семаси йўқ эмас. А. В. Старчевский тартиб сонларнинг сифат каби от олдида қўлланишига аҳамият берган (12). Бу фикр, бизнинг назаримизда, тартиб соннинг грамматик ўрнини белгилашда ҳам янгича ёндашувга йўл очади.

Каср сон. Соннинг бу тури М. Терентьев, А. В. Старчевский, В. Наливкин, И. А. Беляев, Т. Қиёсбеков, Л. Афансьев ва Н. С. Будзинскийлар томонидан изоҳланади ва барчасида “дробные числительные” деб юритилган.

М. Терентьев ўз ҳолича каср ифодалайдиган (чорак, ярим), икки соннинг чиқиш келишиги шакли орқали бирикишидан тузилган ҳамда касрли сон ҳақида фикр юритади, лекин у каср соннинг дастлабки икки турини алоҳида термин билан атайди. Касрли сонга нисбатан *аралаш каср* деган терминни қўллайди. Бу соннинг ҳосил қилинишини ўзига хос тарзда тушунтиради¹¹. Унга *бир соату чейрак* (?) мисолини келтиради. Каср соннинг бу тури Н. С. Будзинский томонидан ҳам қайд қилинган.

А. В. Старчевский фақат икки соннинг чиқиш келишиги шакли бирикиши орқали ҳосил бўладиган туринигина кўрсатади¹². Бундан мустасно сифатида *ярим, чорак* (унда *чарик* деб ёзилган) мисолини келтиради. В. Наливкин, И. А. Беляев, Т. Қиёсбеков, Л. Афанасьевларда ўз ҳолича каср ифодалайдиган ва икки соннинг чиқиш келишигидаги шакли орқали бирикадиган тури қайд қилинади.

¹¹ Буни шундай тушунтиради: “Для $1\frac{1}{4}$ существует правило, что после *бир* надо назвать меру (нумеративни кўзда тутаяди), а потом прибавить и четверть” (170).

¹² Бу хвқда: “Дробные числа, за исключением половины – *ярим* и четверть – *чарик*, выражаются сперва произнесением знаменателя с прибавкой к нему в конце частицы –дан (из), а затем идет числитель: *бешдан уч*. (Спутник..., 12; Переводчик..., 137)

Маълумки, улар каср сон деб тавсия этаётган икки соннинг чиқиш келишигидаги такрори тақсим сонни ҳосил қилади.

Тақсим сон. Соннинг бу тури М. Терентьев, А. В. Старчевский, З. А. Алексеев, И. А. Беляев, Н. С. Будзинский, Н. Остроумовларда фарқланади ва “разделительные числительные” деб юритилган.

Тақсим соннинг ҳосил қилиниши ҳақидаги фикрлар бир хил эмас. Айрим ҳолларда янглиш ўринлар ҳам қайд қилинади. Масалан, М. Терентьев бу соннинг икки сонни такрорлаш ва охиридаги сонга -тагон (تاغان) аффиксини қўшиш орқали ҳосил қилинишини (*бир-биртагон, ики-икитагон*) кўрсатса, А. В. Старчевский бу ҳақда тақсим сон тартиб сонга -н//ин//ун//юн, -таган приставкаларини қўшиш орқали ҳосил қилинади, дейди ва *бирин, тортюн* сўзларини мисол сифатида келтиради. Бу ифодада тартиб сонни тилга олиши ўринсиздир. Масалага тарихий нуқтаи назардан ёндашсак, -н//ин//ун аффикси тақсим сон ҳосил қилувчи аффикслардир (Abdurahmonov, Shukurov, Mahmudov, 2008, 136), лекин ўрганилаётган даврда ҳам тақсим сонни ифодалаганлиги ҳақида уни тасдиқловчи ёки инкор этувчи фактга эга эмасмиз. -тагон, -таган аффикси масаласига келсак, бу аффикс у -тадан аффиксини эслатади, лекин М. Терентьев ҳам А. В. Старчевский ҳам мазкур морфемани фонетик жиҳатдан бузиб кўрсатган (эхтимол, фактик материал тўплашда бу морфема таркибидаги товушларнинг акустик хусусиятини белгилай олмагандир).

Бу соннинг ҳосил қилиниши ҳақида З. А. Алексеев тўғри маълумот беради. У дона соннинг (лекин дона сон тушунчасидан фойдаланмайди) такрорланиши (*битта-битта*) ва -тадан аффикси билан ҳосил қилинишини (*биттадан*) кўрсатади. И. А. Беляев *битта-битта* ва *биттадан-биттадан* каби шаклларни келтириш билан бирга, -ар аффикси билан ясалган сўзни ҳам (*бирар*) тақсим сон сифатида келтиради. Бу ҳол Н. С. Будзинскийда ҳам такрорланади. Маълумки, -ар аффикси билан тақсим сон ясалиши ҳақида маълумот дастлаб Мирзо Маҳдийхонда қайд қилинади [Усмонов, 1972, 56]. Бу шаклларнинг ҳам XIX асрда шундай маънони ифодалаганлиги тўғрисида уни тасдиқловчи ёки инкор этувчи фактларимиз йўқ. Н. Остроумов эса *битта-битта* каби қўлланиш билан бирга, соннинг чиқиш келишиги (*иккидан*) шаклидаги ҳолатини ҳам тақсим сон санайди. Демак, тақсим сонни ҳосил қилувчи аффикслар бу давр муаллифлари томонидан асосан аниқланган бўлса ҳам, уларнинг қарашларида янглиш ўринлар ҳам бор эди.

Жамловчи сон. Соннинг бу тури З. А. Алексеев, И. А. Беляев, Н. С. Будзинский, Н. Остроумовлар томонидан тилга олинган. Аслида жамловчи сонни дастлаб М. М. Терентьев фарқлаган бўлиб (бирок соннинг бир семантик тури сифатида ажратмайди), унинг ҳосил қилиниши ҳақида “... (рус тилидаги) *двое, трое, четверо* ифодалари *-ау (-ов - А.С)* приставкаси билан берилади (169)”, – дейди ва *бироу, икяу, тёртау* сўзларини келтиради. Албатта, бу сўзлар русча талаффузни акс эттирар эди. З. А. Алексеев унинг *-лашиб (-лашуб), -лаб, -ов* аффикслари ва сонларни кетма-кет (*ики-уч*) келтириш, сонларга ёки у билан бирга келган отларга *-ча* аффиксини қўшиш (*юз одамча*) билан ҳосил қилинишини айтади ва *бирор, бирон* сўзларини ҳам жамловчи сон ҳисоблайди ҳамда *бор-йўқ бир ўғлум* типдаги иборани ҳам жамловчи сон сифатида тақдим этадики, натижада жамловчи сон доирасини асоссиз кенгайтириб юборади. Л. Афанасьев ва Н. Остроумов *-ов* аффикси; И. А. Беляев *-ов* (уни фақат *биров* сўзида) ва *-лан* (учлан), *-ала(си)* аффикслари; Н. С. Будзинский *-ов* (*биров, иков*), *-лан* (учлан), *-ласи* (учласи), *-лаб* (учлаб) ва *-та* (*юзта*) аффикслари билан ҳосил қилинишини кўрсатадилар. Юқоридаги аффикслардан *-ов* аффиксининг жамловчи сон ҳосил қилиши ҳозирги ўзбек адабий тилига оид адабиётларда эътиборга олинган, лекин *-лаб* аффикси чама сонни ҳосил қилувчи аффикс сифатида қаралади [Сарауев, 2009,149] ва *-лашиб* аффикси мутлақо келтирилмайди. Ўзбек тилидаги сон туркуми устида махсус тадқиқот олиб борган С. Низомиддинова ҳам *-лаб* аффиксини чама сонни ҳосил қилувчи сифатида қарайди [Низомиддинова, 1963, 25]. Аслида юқорида тилга олинган аффикслар феъл туркумига оид сўз ясовчилардир. Шунингдек, *-ов* аффиксининг *бир* сўзига қўшилган шакли жамловчи сон сифатида келтирилиши ўринли эмас, унинг исботи С. Низомиддинова томонидан берилган: “Бир сони *-ов* аффикси билан бирга келиб, *биров* шаклида янги сўз ясаши мумкин, лекин бу сўз жамловчи сон маъносини англатмайди [Низомиддинова, 1963, 22]. Н. С. Будзинский, гарчанд, жамловчи (собирательное) сон тўғрисида фикр юритмаса-да, жамловчи соннинг *бироа, икао...,саксэо, токсао, унао, юзао, мингео* ва ... *сэксэоле, токсаола, унаела, юзаоло, мингеола* каби ўзбек тилига характерли бўлмаган мисолларни ҳам келтиради (12)

Дона сон. Соннинг бу тури ҳақида маълумотни М. Терентьев беради, лекин унга соннинг маъно тури сифатида қарамайди. Фақат рус тилидаги *одиночка, пара, десятка* каби сўзларнинг ўзбек тилида

битта, иккита, ўнта тарзида берилишини айтади (169). Шу фикр Н. С. Будзинский томонидан айнан такрорланади. З. А. Алексеев соннинг бу турини алоҳида санаб кўрсатмайди. Бу ҳақда: “... бирон нарсани бошқаларга аниқ ва синчиклаб санаб бериш мақсадида баъзан миқдор сонларига *-та* қисмчаси (частица) қўшилади” (34), - дейди ва *бирта, учта* сўзларини мисолга келтиради. Юқоридаги изоҳлар қандай йўл билан юзага келишидан қатъи назар, уларнинг дона сон ҳосил қилинишидаги фикрлари ҳақиқатдан узоқ эмас, фақат *бирта* сўзи диалектал канлигини инобатга олишимиз керак.

Чама сон. Соннинг бу тури ҳақида маълумот дастлаб З. А. Алексеевда берилади, лекин соннинг алоҳида тури сифатида қарамайдилар. Унинг фикрича, чама сон предметнинг сонини аниқ қилиб эмас, фақат тахминий айтиш исталганда қўлланади (35). У соннинг бу турини “неопределенные числительные” деб юритади ва уни: 1) икки сонни кетма-кет такрорлаш; 2) сон+от бирикмасида отдан кейин *-ча* аффиксини келтириш билан чама сон ифодаланади деб тушунади ва кейингисига мисол қилиб *юз одамча учради* гапини келтиради. Шунингдек, улар *бирор, бирон* сўзларини ҳам чама сон деб талқин қилади. З. А. Алексеев кўрсатган дастлабки икки тур сонларни Н. Остроумов *чама сон* (приблизительные числительные), кейинги турини эса *ноаниқ сон* (неопределенные числительные) деб юритган. Н. Остроумов чама соннинг *бир* сўзига *-ор* аффиксини қўшиш билан ясалишини кўрсатади ва *бирор шаҳарда* мисолини беради. Шунингдек, *ҳеч бир* сўзини ҳам шу турдаги сон деб атайди ва яна: “Маъносига қараб бу сонларни гумон олмошларига киритиш осонроқ” (61), – деб ўзининг фикрига изоҳ ҳам беради. Ҳақиқатан ҳам, юқоридаги сўзлар тарихан сон туркумига алоқадор бўлса-да, улар олмошларга кўчгандир [Мирзаев, Усмонов, Расулов, 1970,181]. З. А. Алексеев ва Н. Остроумовнинг чама сон ҳосил қилишдаги дастлабки икки фикри ҳозирги тилшунослигимизда ҳам эътироф этилади. Ҳақиқатан ҳам, *-ча* аффикси нумеративларга ҳамда саналаётган предметнинг ифодаси бўлган отларга қўшилиб, чама сон маъносини билдира олади [Низомиддинова, 1968, 24], фақат *бирор, бирон* сўзлари олмошларга кўчганлигини билмаганлар.

Бу давр муаллифларидан А. В. Старчевский ва Н. С. Будзинскийларда “кратные числа” деган соннинг маъно тури фарқланади. А. В. Старчевский унинг икки йўл билан ҳосил қилинишини кўрсатади: 1) миқдор сондан кейин *қатла, мэртэбэ* сўзларини келтириш; 2) миқдор сонларга *-лаб, -лэб* аффиксини

қўшиш. А. В. Старчевский “кратные числа” деб номлаган сон турининг ҳосил қилинишидаги биринчи усул М. Терентьевнинг: “*Вдвое, втрое* ва бошқа ифодалар сонга келтирилган *ҳисса* сўзи билан таржима қилинади” (170), - деган фикрини эслатади, чунки *ҳисса* сўзи ифодалайдиган маъно *қатла, мартаба* (унинг транскрипциясида *мэртебе*) сўзларининг маъноларига жуда яқиндир. А. В. Старчевский ҳам М. Терентьевга эргашиб, унинг фикрни такрорлаб, *ҳисса* сўзини келтириш билан ҳосил қилинган сон тури ҳақида маълумот беради, лекин уни соннинг муайян тури сифатида ажратмайди. А. В. Старчевский *-лаб, -леб* аффикси билан ҳосил қилинган ва “кратные числа” деб номланган соннинг маъно тури ҳозирда чама сон деб юритилиши маълум. А. В. Старчевский кейинги асарида бу соннинг *мартаба, март(?)* сўзларини миқдор сондан кейин келтириш ҳамда *-тадан* аффикси билан ҳосил қилинишини айтади (Переводчик...,47). Демак, тақсим (*-тадан* аффикси билан ясалган) сонни ҳам бу асарида “кратные числа” деб аталувчи сон қаторига киритади. Н. С. Будзинский фақат *мартаба* сўзини миқдор сондан кейин келтириш билан ҳосил қилиниши ҳақида фикр юритади. Шу ўринда *марта, қатла, ҳисса* сўзларининг сон турларини ҳосил қилиши тўғрисида муносабат билдириш мумкин бўлади. Албатта, улар гап таркибида кўпинча бирга келади, лекин уни соннинг муайян турига дахлдор қилмайди. Шунинг учун ҳам уларни ҳозирги тадқиқотчилар кўрсатганидек, ҳисоб сўзларига (нумеративларга) ҳам [Ўзбек тили грамматикаси, 1975, 323] киритиб бўлмайди, чунки бу сўзлар сон ва от ўртасида вазият тута олмайди. Демак, бу борада изланиш давом этади.

Соннинг тузилиши жиҳатдан турлари. Бу ҳақда фақат Н. Остроумовгина маълумот беради. У миқдор соннинг тузилиш жиҳатдан икки турини кўрсатади: 1) содда сон; 2) мураккаб сон (сложные количественные). Содда сон ҳақида маълумот бермайди. Мураккаб соннинг хусусиятини қуйидагича тушунтиради: “... сонлар разрядларининг катталигига қараб, яъни, аввало, олий разряд, сўнг тубан разряд ва энг сўнгида бирликлар жойлаштирилади” (60). Кўринадики, Н. Остроумов ўзбек тилидаги соннинг мураккаб турини яхши англай олган. Шунингдек, у сонларнинг этимологияси тўғрисида ҳам фикр билдирмоқчи бўлади, лекин улар “халқ этимологияси” ёки ўзининг тахминларидан иборатдир.

Олмош. Олмошларга таъриф бериш фақат Н. Остроумов, З. А. Алексеев асарларида учрайди. З. А. Алексеев олмошни отлар

(исм, кенг маънода - А. С.) ўрнида қўлланадиган сўзлардир (35), деб изоҳлайди. Бу изоҳга биноан олмош от, сифат, сон, равиш ўрнида қўлланиши лозим, чунки. аввал айтганимиздек, *имя* терминини улар от, сифат, сон, олмош сўз туркумларини умумлаштирувчи сифатида қўллаган. Бу изоҳда “местоимение” деган сўзнинг луғавий маъносини сақлашга интилганлиги кўринади. Н. Остроумов эса олмош фақат от ва сифатнигина алмаштиради деб ҳисоблайди (62). Шунга мувофиқ олмошларни икки гуруҳга ажратади: 1. От ўрнида қўлланувчи олмошлар. Бунга кишилиқ (шахс “личные”), ўзлик (возвратные), эғалиқ (у рус тилидаги “притяжательные” олмошлари таржимаси), сўроқ, гумон олмошларини киритади. 2. Сифат ўрнида қўлланувчи олмошлар. Бунга кўрсатиш, гумон олмошларини киритади. Олмошларни иккига бўлиш дастлаб З. А. Алексеев асарида қайд этилади. У олмошларни отга ва сифатга бўлинади деб тушунтирган Унинг фикрича, *ман, сан*¹³, *ул, ўз, ким, нима, биров, ҳеч нима* олмошлари от ўрнида, бошқа олмошлар эса сифат ўрнида қўлланади (лекин “бошқа олмошлар” тушунчасига изоҳ бермайди). Н. Остроумов уларнинг фикрини ривожлантириб, сўз туркумларини санаш пайтида олмошни от ва сифат ўрнида қўлланувчи сўз туркуми деб атаган (41). Маълум бўладики, олмошлар юқоридаги изоҳларга қараганда от ва сифатнинг мавжудлинигина кўрсатади, лекин кейинги тадқиқотчилар олмошларнинг от сифат, ҳатто равишларнинг мавжудлигини кўрсатиш имкониятига эга эканлигини эътироф этганлар [Суяров, 1965, 4].

Энди олмошларнинг таснифига тўхталамиз. Шунини қайд қилиш лозимки, бу даврдаги барча муаллифлар олмошларнинг маъно турларидан бири сифатида эғалиқ аффиксларини олган сўзни келтиришади. Уларнинг талқини аввалги саҳифаларимизда берилди. Бу масала тилшунослигимизда аллақачон ҳал этилган. Фақат шу масалада рус ва ўзбек тили олмошларини чоғиштириб ўрганган Э. А. Стэнманнинг “Ўзбек тили грамматикаси” (А. К. Боровков раҳбарлигида 1943) асарида эғалиқ олмошининг берилмаганини тўғри деб ҳисоблаган (уни тасдиқловчи) қуйидаги сўзларини келтириш билан чегараланамиз: “Ўзбек тили грамматикаси”да хослик (эғалиқ) олмошларининг йўқлиги, эҳтимол, ўзбек тилида (шунингдек, бошқа туркий тилларда ҳам) предметнинг 1, 2, 3-шахсга тааллуқли эканлигини рус тилидагидек махсус сўз разрядлари эмас, балки

¹³ Бундай қўлланиш шахар шеваларини акс ттиради.

эғалик категорияси ифода қилиши билан тушунтирилса керак”[Стэнман, 1953, 116].

Кишилик олмошлари. Олмошнинг бу тури ўрганилаётган даврдаги барча асарларда шахс олмошлари (“личные местоимения”) деб юритилган. И. А. Беляев олмошнинг бу турини махсус изоҳламайди, балки рус тилидаги хослик (эғалик) олмошларининг ўзбек тилида берилиши хусусида гап борганда, шахс (“личные”) олмошларини тилга олади.

Бу давр муаллифлари кишилик олмошларини баҳо беришмайди. М. Терентьев *мен, сен, у, биз, сиз, онлар* (اونلار); А. В. Старчевский *мэн, сэн, у, ол* (ўл – А.С.), *биз, сиз, олар, онлар* (кейинги асарида фақат *ман, сан, ул* олмошлари); З. А. Алексеев *ман, сан, у, ул, биз, сиз, алар*; С. А. Лапин *ман, сан, ул, ал, биз, сиз, алар (улар)*; В. Наливкин *ман, сан, ул, биз, сиз, улар, алар*; Т. Қиёсбеков *ман, сан, ул, ол, биз, сиз, олар*; Н. С. Будзинский *ман, сан, ул, ал, у, биз, (миз), сиз, улар, алар*; Н. Остроумов *ман, сан, ул, биз (بز), сиз (سز), улар, алар* сўзларини кишилик олмошларига киритадилар. Булар ичида *ал* олмошининг функционал бўлмаганлиги исбот талаб қилмайди. Кўринадики, III шахсда олмошлар турли вариантларда берилган. Бу табиий эди, чунки бундай қўлланиш ушбу давр тилидагина эмас, ҳаттоки 20-йиллар ўзбек тили учун ҳам хос бўлган [Каримов, 1872, 27].

Бу даврдаги аксарият муаллифлар кишилик олмошларининг келишиклар билан турланишига алоҳида эътибор берганлар. М. Терентьев *мен, сен* олмошлари қаратқич ва тушум келишиги аффиксини олганда бир **н** товушининг тушириб қолдирилиши ҳақида маълумот беради (171). Афсуски, *у* олмошининг фақат бош, қаратқич, жўналиш ва тушум келишигидаги турланиши кўрсатилган, холос. Бу ҳол А. В. Старчевскийда айнан такрорланади, лекин улар *у* (او) олмошининг бош келишикдан бошқа келишикда *анинг, анга, ани* тарзида, *мэн* олмошининг қаратқич келишигида *мэним* тарзида шаклланишини ҳам қайд қилишган.(13). З. А. Алексеев *ман, сан* олмошларининг *манинг, мани, манга, мандин, манда* каби, *ул* олмошининг *анинг/унинг, анга/унга, ани/уни, андин/ундин, анда/унда* каби турланиши ҳам эътибордан четда қолдирмаган (36,37) Бу жуфтликда биринчисини китобий, иккинчисини сўзлашув тилига хос дейди. С. А. Лапин кишилик олмошларининг от каби турланишини айтиш билан чекланади. В. Наливкин кишилик олмошларининг турланишида қуйидагиларни муҳим деб билади: 1) тушум келишигида келган (бирликдаги) олмошда *манни* тарзида икки нун

(“н”) ҳарфи қатнашмайди; 2) жўналиш келишигида одатда *-га* (Ў) аффикси қатнашади; 3) *ул* олмоши, унингча, фақат бош келишикдагина қўлланади, бошқа келишикларда эса *ал* олмоши қатнашиб, унинг таркибидаги “л” товуши “н”га айланади (24). Ҳақиқатан ҳам, бу хусусият ўрганилаётган давр тилига хос бўлган [Турдиалиев, 1969, 84]. Л. Афanasьев *ул* олмошининг бош келишикда *ул*, қаратқич келишигида *анин*, жўналиш келишигида *анга*, тушум келишигида *анни*, қурол келишигида *ал билан*, чиқиш келишигида *алдин*, ўрн-пайт келишигида *алда* тарзида турланишини беради (20). Н. С. Будзинский қаратқич келишигида *маннинг*, *саннинг*, чақириш келишигида *э ман*, *э сан* тарзидаги турланишини келтиради (45). Кўринадики, бу турланишлардаги *анга*, *анинг* кабиларни тарихий турланиш эканлигини, лекин *ал билан*, *э ман*, *э сан*, *э ул* кабиларни ўша давр келишик назарияси тизимига риоя қилиш билан боғласак ҳам, улар ўзбек тили амалиётига зид эканлигини таъкидлаймиз ва *анин*, *анни*, *алдан* каби турланишларни ўзбек тили фактларининг бузиб кўрсатилиши деб баҳолаймиз.

М. Терентьев кишилиқ олмошларининг 1 ва 2-шахс кўплигига *-лар* аффикси қўшилганда (уни иккиланган кўплик деб юритади), ҳурмат маъносини ифода қилиши тўғрисида фикр баён қилади, яъни *бизлар*, *сизлар* шакллари ҳурмат қилинадиган 1, 2-шахсларга нисбатан қўланишини айтади¹⁴ ҳамда ўзбек тилидаги бу хусусият Европа тиллари учун характерли эмаслигини таъкидлайди. Аслида *бизлар* ва *сизлар* шаклларида ҳурмат маъносидан кўра, мавжуд кўпликнинг таъкидланиши устунлик қилади.

Кўрсатиш олмоши. Олмошнинг бу тури барча асарларда фарқланади. М. Терентьев *бу*, *бул*, *муна*, *шу*, *шул*, *ана*, *ушбу*, *ўшал*; А. В. Старчевсий *бул*, *бу*, *муна*, *шул*, *шу*, *ол*, *шол*, *ана*, *ушбу* (уни мураккаб олмош дейди), *ўшал*, *фулян*; З. А. Алексеев *бул//бу*, *ул//у*, *ўшал//ўша* (37); В. Наливкин фақат *ул*, *бул*; Т. Қиёсбеков *шу*, *ушбу*, *ул*, *бу*; Н. С. Будзинский *бул*, *бу*, *мана*, *ўша*, *шу*, *шул*, *ул*, *ана*, *ушбу*, *ўшал*, *ана-у*, *мана-у*; Н. Остоумов *бул (бу)*, *шул (шу)*, *ушбу*, *ул*, *ўшал*, *бўлак*, *ўзга*, *бошқа* сўзларини кўрсатиш олмошлари сифатида санайди.

Кўринадики, аксарият муаллифлар кўрсатиш олмошларини тўғри белгилай олишган. *Ана*, *мана* ундовлари, *фулян* (фалон), *бўлак*, *ўзга*, *бошқа* каби гумон олмоши ва олмош бўлмаган сўзлар хато

¹⁴ Матнда шундай дейилади: “Как и в турецком языке, употребительно еще, так сказать, двойное множественное: *бизлар* когда говорится о многих мы и *сизлар* – о многих вы или при обращении к уважаемому лицу, которому почтительнее говорить *сизлар*, чем *сиз* (172).

киритилган. Бундан ташқари, ўзбек тили фонетик хусусиятларига *муна* олмошининг тўғри келмаслиги, *ана-у*, *мана-у* олмошлари қисман мос келмаслигини таъкидлаш керак бўлади.

Бу даврда яратилган асарларда кўрсатиш олмошларининг турланишига ҳам эътибор берилган. М. Терентьев кўрсатиш олмошларининг ўрин келишкларида бир **н** товушининг ортиши ҳақида: "...товуш қулайлиги қонунига (закон благозвучия) мувофиқ кўплик ва жўналиш келишиги кўшимчасидан олдин *буга* ва *булар* тарзида чиқмаслиги учун **н** ҳарфи кўшилади", (175) - дейди. Кўринадики, кўрсатиш олмошларининг тўғридан-тўғри *-лар* аффиксини олиши нормал ҳолат деб ҳисобланмаган. Ушбу фикр бу кўрсатиш олмошининг бирлик ва кўпликдаги турланишини беришда ҳам сақланади, яъни *бу* олмошининг бирликда *бунинг*, *бунга*, *бунни*, кўплик шаклида *бунларнинг*, *бунларга*, *бунларни* тарзида турланишига ҳам алоқадордир. Шу ўринда унинг изоҳидаги "товуш қулайлиги қонуни" тушунчасига диққатни тортамыз. Аслида бу сўзларда товуш орттирилиши устида кетмоқда, балки қонун тушунчаси хато жорий қилинмоқда. Аввало, бу фонетик ҳодисага нисбатан "товуш қулайлиги қонуни" тушунчасини қўллаш шу давр илмий адабиётларида кўринмайди, қолаверса, бу тушунча мавжуд тилшунослик анъанасига ҳам мувофиқ келмайди. Шуниси ажабланарлики, юқоридаги каби турланиш А. В. Старчевский асарида яна такрорланади. Масалага шу давр тили нуқтаи назардан ёндашилса, *бунлар* типидagi турланишни хато деб қараш бир томонлама бўлади, бу шакл усмонли турк тилига хос бўлиб, ўзбек матбуотида баъзан учраб турган [Турдиалиев, 1969, 36].

3. А. Алексеев *бун*, *ул*, *у*, *ўшал* ва *ўша* олмошларининг турланишини кўрсатади ва улардан *алдин*, *анга*, *анинг* каби турланган шакллариининг *ундан*, *унга*, *унинг* шаклларидан фарқланишини кўрсатиб, биринчисининг ёзма ("книжная"), иккинчисининг эса сўзлашув ("разговорная") нутқига хослигини айтади. Ундан ташқари, ўзбек тилида мавжуд бўлган *ушбу* олмошини татар тилига оид ва ўзбек тилида учрамайди, деб ҳисоблайди. Демак, адабий тил учун характерли бўлган *ушбу* олмошини пайқай олмаган. Шунингдек, улар қуйидаги фактларни ҳам келтиради: *бул* (*бу*) олмошидаги **б** товуши бош келишикдан бошқа келишикларда "м"га, *ул* (*у*) олмошидаги **л** товуши эса **н** товушига ўтишини қайд қилишган. Шу ўринда *бун* (бош келишикда), *алдин* (ундан маъносида) шакллари ўзбек тилида ҳеч қачон фукционал бўлмаганлигини эслатиб қоламиз.

М. Терентьев му (бу) шу, у олмошларини -ндақ сўз ясовчиси (наращение) олиши билан ўхшашлик, мос келиш маъноларини англатишини (мундақ, шундақ, андақ) ҳамда бу аффикс -дай ва -оқ аффиксидан таркиб топганлигини, аввал мундайоқ, сўнг эса мундоқ шаклига келганлигини айтади. Бу фикрда ҳақиқат йўқ эмас. Шу аффикс билан бир қарорда –кук//қуқ (шунақуқ) аффиксини, шунингдек, مونجىلاين (мунжсиляин), شونجىلاين (шунжсиляин) каби шаклларни келтирадики, унинг аффикс қисми ўзбек тили фактларини бузиб кўрсатишдан бошқа нарса эмас. Шу ўринда яна бир охиригача ўйланмаган бир мисол келтирилади. Унингча, “-уқ қисмчаси (частица) баъзан кўрсатиш олмошларининг бош келишигига қўшилиб, зич маъно (тесный смысл) ифода қилади: “именно этот”, “этот самый” (178)”. Унга мисол қилиб шулуқ йўлни икинчи ярминда қанақа ҳарф гапини келтиради. Бу сўз таркибидаги -уқ унсури юклама бўлиб, ўша даврда шу олмошига қўшила олганлиги ишончли эмас. Қолверса, “зич” маъно ҳақидаги фикри ҳам ўта кучсиздир.

Ўзлик олмоши. М. Терентьев бу олмошнинг от каби турланиши, эгалик ва кўплик аффиксини қабул қилишини кўрсатади. Бу ҳақда шундай дейди: “Ўзлик олмоши ўз (اوز) от каби тўғри турланади, яъни шахс, келишик, сон белгиларини қабул қилади” (175), бироқ унинг ўзюнгуз олмоши қисқарган қаратқич келишик деб қараганини ва кўпликда ўзларнинг (اوزلارنىڭ) типидagi шакл қўлланади деган фикрини қабул қилиш қийин, чунки ўзлик олмошига ҳеч вақт тўғридан-тўғри келишик қўшимчалари қўшилмайди. Одатда, бундай пайтда олмош билан келишик қўшимчаси орасига эгалик аффикслари жойлашган бўлади. Шунинг учун ҳам адабиётларда ўзлик олмошининг кўпинча эгалик аффикслари билан келиши ҳақида фикр юритилади [Мирзаев, Усмонов, Расулов, 1970, 130]. Шунингдек, унинг “тўғри турланади” деган тушунчани ишлатиши рус тили грамматикасидаги “прямое и косвенное склонение” деган назария билан боғлиқ эканлигини эслатиб ўтамиз. З. А.Алексеев ўзлик олмоши ҳақида маълумот бера туриб, уни от деб ҳам юритади ва унинг этимологиясига доир фикрларни ҳам билдиради¹⁵ ҳамда эгалик қўшимчаларисиз қўлланмаслигини таъкидлайди. Кейинги фикрни ўз вақтида И. Суяров ҳам маъқуллаган [Суяров, 1965, 29] Ўз сўзининг этимологияси тўғрисидаги фикр, албатта, диққатни тортади, чунки бу

¹⁵ Бу ҳақда шундай дейди: “Существительное ўз первоначально означало сердце, внутренность, сущность” (40).

фикр кейинги давр адабиётларида кўп марталар такрорланмоқда [Кононов, 1960,179; Ҳозирги ўзбек адабий тили, 1980, 309].

С. А. Лапин ўз олмошининг бирлик ва кўпликдаги турланишини кўрсатади. Бошқа муаллифлар ўз олмошининг турланишида унинг эгалик аффикслари билан келишини қайд этадилар.

Л. Афанасьев ўз олмошини белгилаш-гумон олмошига киритади (21). Бу масалага ўзбек тилшунослигида аҳамият берилиши лозим, деб ҳисоблаймиз, чунки олмошинг бу тури аниқ, конкрет яккаликни ажратиб белгилаш хусусиятига эгадир [Мирзаев, Усмонов, Расулов, 1970, 130]. Шунинг учун уни белгилаш олмошлари таркибида ўрганиш мақсадга мувофиқдир

Сўроқ олмошлари. В. Наливкин ва М. Наливкиналар, М. Преображенскийдан бошқа барча муаллифлар сўроқ олмошларига тўхталади. М. Терентьев сўроқ олмошларидан *ким* ва *ни* (نى) олмошларинигина фарқлайди. Унинг қуйидаги сўзлари диққатни жалб қилади: “Машҳурроқ бўлган *нима*, *нимана* – булар *ни* (что) ва *мына* (это)дан ташкил топган“ (176). Бу ерда М. Терентьев ўзбек ва қозоқ тилларини аралаштириб юборгани, чунки *нимана*, *нимана-ов* олмошлари ўзбек тили учун характерли эмас. А. В. Старчевский *ким*, *нимэ*, *қайси*, *қандақ*, *қанақа*, *канда* (где), *қайдан*, *қачан* (унинг *қай* – который ва *чагин* (чагин) – вовремя сўзларининг соддалашишидан ҳосил бўлишига ишора қилади¹⁶), *қанча*; З. А. Алексеев *ким*, *нима*, *ни//на*, *қайси*, *қай//қаю* (кейинги иккитасини китобий дейди), *нега*, *қай ерда*, *қай вақтда*, *неч*, *нечта* (уларни оғзаки нутққа хос дейди), *нечук*, *неча*, *қандог* (уларни адабий тилда равиш бўлади дейди); В. Наливкин *ким*, *қайси*; И. А. Беляев *ким*, *на*, *ні*, *німана*, *қайсі*, *қай*, *ніча*, *нечта*, *нічук*, *қандақ*; Т. Қиёсбеков *ким*, *нима*, *қайси*, *неча*, *қанча*; Н. С. Будзинский *ким*, *нима*, *ни*, *қайси*, *қай*, *қаю*, *ҳеч ким*, *бир нарса*, *ҳеч нима*, *нимани*, *неча*, *қанча*, *ничук*, *қандог*, *қандай*, *қанақа*, *нимана-у*; Н. Остроумов *ким*, *нима*, *қайси*, *нечук*, *қаю*, *қандай*, *қанақа* олмошларини келтирадилар. Булардан *қаю*, *қанда*, *қандан*, *қайдин*, *қандог*, *нечук* олмошлари тарихий¹⁷; *ни*, *ні* кабилар диалектал олмошлардир, *нимана* (*німана*) олмоши эса қозоқ, қорақалпоқ тилларига хосдир. Фақат *неч* олмошининг қўлланишига доир маълумотларни учратмадик. Мазкур олмош ғарбий туркий тилларга хос бўлса керак, деб тахмин қилинди, лекин турк тилида

¹⁶ Айни шу фикр И. Суяров тадқиқотида мавжуд [Суяров, 1965, 25].

¹⁷

қўлланмаслиги аниқ бўлди [Кононов, 1956, 178]. Юқоридагилардан *бир нарса*, *ҳеч нима* сўзлари сўроқ олмошларига хато келтирилган.

Белгилаш олмошлари. Олмошнинг бу турини И. А. Беляев, Л. Афанасьев, Н. С. Будзинский, Н. Остроумовлар қайд қилишади ва ҳаммасида “определительные местоимения” деб юритилган. И. А. Беляев белгилаш олмошларини гумон олмошлари билан бирга олиб қарайди. Унга *бірау*, *бір нарса*, *ҳіч*, *ҳіч нарса*, *бошқа*, *бўлак*, *ўзга*, *ҳар* каби сўзларини келтиради (64). Мисоллардан кўриниб турибдики, бу ўринда *ҳар* олмошидан бошқа белгилаш олмоши йўқ. Шунингдек, *бошқа*, *бўлак* *ўзга* каби кўмакчи туркумига оид сўзлар олмош сифатида келтирилган. И. А. Беляев *ҳіч* олмоши қатнашган гапдаги кесимда ҳамма вақт инкор билдирувчи сўз ва аффикслар қатнашишини таъкидлайди, лекин унинг бу фикрини тўла қабул қилиб бўлмайди, чунки барча ўринларда ҳам бу ҳолат такрорлана бермайди (масалан, *ҳеч келдими* типдаги қўлланишларда). Л. Афанасьев белгилаш ва гумон (“определительные и неопределенные”) олмошларини унинг бир тури сифатида тушунади. Бу турга кирадиган олмошларни санашда бўлишсизлик олмошини ҳам улар қаторига киритиб юборган (28). Бундан Л. Афанасьевнинг белгилаш, бўлишсизлик ва гумон олмошларини бир умумий ном билан атагани маълум бўлди. Бу олмошларга куйидагиларни киритади: *ҳамма*, *энг*, *ҳар*, *ўз*; *ҳеч*, *ким*, *ҳеч нима*, *баъзи*, *биров*, *бир неча*. Унинг гумон олмошлари жойлаштирилган устунда (гарчи уларни гумон олмошлари деб атамаса ҳам) *баъзи* олмоши ҳам бор. Демак, Л. Афанасьев белгилаш ва гумон олмошларини бир-биридан фарқламайди. Фақат *энг* равишини янглиш равишда олмошга киритганини ҳисобга олмаганда, ўзбек тилидаги бу типга кирадиган олмошларни асосан тўғри келтирган.

Н. С. Будзинскийнинг белгилаш олмошларига келтирган мисоллари ичида *ҳар ким*, *ҳамма*, *барча* каби олмошлар билан бирга, олмошнинг бошқа турларига оид куйидаги сўзлар бор: *худ ўзи*, *ҳалиги*, *ўзга* (“другой”), *бошқа*, *кўп*, *ҳар хил*, *ўзга* (“иной”), *ҳар турли*, *шундоқ*, *шундақа*, *андақа*, *андақ*, *палян*, *палян-нистан* (55), шунингдек, *шунча*, *-дак*, *ўхшаиш*, *шекилли* каби сўз ва қўшимчаларни ҳам белгилаш олмошлари сифатида тавсия этади. Н. Остроумов олмошнинг бу турига кирадиган сўзларни тўғри белгилаган: *ҳар қаю*, *ҳар хил*, *бутун* (барча маъносида), *кулли*, шунингдек, *ўз* олмошини ҳам белгилаш олмоши қаторида санайди (179).

Гумон олмошлари. А. В. Старчевский фақат *бир*ов (унинг транскрипциясида *бэрао*) гумон олмошинигина тўғри келтирган. Шунингдек, гумон олмошига келтирган мисоллари ичида ўзбек тилига характерли бўлмаган; *кимсэнэ, нэснэ* (нечто) сўзлари ва *бошқа, ўзга* каби қўмакчилар бор. З. А. Алексеев гумон олмошларининг семантик хусусиятини кўрсатишга ҳаракат қилган. У бу ҳақда шундай дейди: “От ўрнида келиб, уни ноаниқ ва тўлиқсиз тарзда ифодаладиган сўзлар гумон олмошлари дейилади” (43), бироқ у *бир*ов, *бир* нарса, *алланима, алланарса* каби гумон олмошлари билан *бирга, ҳеч, ҳеч ким, ҳеч нарса* бўлишсизлик олмошлари ва *ўзга, бошқа, бўлак* қўмакчиларга оид сўзларни ҳам гумон олмошлари сифатида келтирган. И. А. Беляев, аввал айтиб ўтганимиздек, гумон олмошларини белгилаш олмошларидан ажратмайди, лекин келтирган мисолларида *бірау, бір* нарса каби сўзлардан бошқа гумон олмошлари учрамайди.

Гумон олмошларининг чегарасини белгилай олмаслик Н. С. Будзинский ва Н. Остроумовларда ҳам қайд қилинади. Н. С. Будзинский гумон олмошларига *нимана-у, ҳеч, бир* (некий), *бир киши, бирау, біроу, баъзи, гоҳи, бир нарса, ҳеч нарса, ҳеч ким*; Н. Остроумов *бир*ов, *бир* нимарса, *ҳеч ким, ҳеч нима* сўзларини келтирган.

Бўлишсизлик олмоши. Олмошнинг бу турини фақат А. В. Старчевскийгина фарқлайди. У *ҳич кимэрсэ, ҳич нэрсэ* сўзини бўлишсизлик олмоши деб қарайди, бироқ бу кўрсатган *ҳич кимэрсэ, ҳич нэрсэ* сўзларинининг қўлланиши фонетик жиҳатдан ўзбек тили учун характерли эмас, албатта.

М. Терентьев (176), А. В. Старчевский, И. А. Беляевлар (64) *нисбий* (относительные) олмошлар тўғрисида фикр юритмоқчи бўладилар. Бунда улар рус тилидаги нисбий олмошларнинг ўзбек тилида *-ки, -ги* юкламаси билан амалга оширмоқчи бўлсалар, А. В. Старчевский *ким* олмошини (уни айтиш ўрнида от деб юритади) нисбий олмош деб тавсия қилади. Шунингдек у *-ки, -ги* аффикслари билан ҳосил қилинган ясама сифатларни нисбий олмош деб тушунган. Унга *бурунги, кейиндаки* сўзларини келтиради. Кўринадики, сифатлардаги нисбийлик тушунчаси уларни янглиштирган ва нисбий олмош деб талқин қилишга олиб келган. Бу масалада Н. С. Будзинскийнинг қуйидаги фикрини келтириш мумкин: “Сарт тилида нисбий олмошлар йўқ, улар қисман форсча *-ки* ва *қайсидурки* фразаси орқали берилади (51)”. Аффикс ва сўзга нисбатан

фраза термини қўлланганлиги ҳисобга олинмаганда, ўзбек тилида нисбий олмошларнинг йўқлигини эътироф этиши маъқулдир.

Энди М. Терентьевнинг “бошқа олмошлар”и масаласига (остальные местоимения) тўхталамиз. У *ҳар, ҳар ким, ҳар турли, ҳам(м)а, ҳеч нарса, дигар, ҳеч кимса, бир киши, ўзгалар, фалон* каби сўзларни “бошқа олмошлар” деб ажратади (177). Бу сўзлар ичида олмош туркумига оид сўзлар билан бир қаторда, кўмакчи (*дигар*), отли бирикма (*бир киши*) ҳам мавжудлиги кўриниб турибди. Демак, у айнан белгилаш олмошлари ҳақида сўз юритмоқчи бўлган, лекин гумон олмошларини ҳам аралаштириб юборган. Албатта, бу ҳолат муаллифнинг ўзбек тили бўйича етарли тайёргарликка эга бўлмаганлиги билан боғлиқдир. Шу ўринда *ўзгалар* сўзининг отлашган маъноси билан бирга, унинг баъзан нутқда кўчма маънода *биров, кимдир* маъносида қўлланишини ҳисобга олган ҳам бўлиши мумкин, деган фикр ҳам пайдо бўлди. Ҳар ҳолда, бу сўзда гумон маъноси англашилиши эътиборга олиниши маъқул бўлади.

Демак, бу давр муаллифлари олмошларни асосан қайд қилишган бўлишса-да, унинг маъно турларини белгилашда ва уларни мисоллар билан таъминлашда жиддий камчиликларга ҳам йўл қўйишган.

Феъл. Бу давр асарларида феълга бошқа туркумларга нисбатан кенгрок ўрин берилган. Бу табиий, чунки феъл семантикаси, унинг грамматик категориялари бошқа туркумларга нисбатан мураккаб таркибга эга, шунинг учун ҳам феъл бўйича илмий тадқиқотлар кўпроқ олиб борилади.

Феъл тавсифлари. З. А. Алексеев феълга шундай таъриф беради: “Ҳаракат ва ҳолатни кўрсатадиган ҳамда нисбат, майл, замон, шахс-сонда ўзгарадиган сўз туркумидир” (46). Бу таърифда феъл туркумига хос бўлган сўзларнинг семантик ва морфологик хусусиятлари кўзда тутилган. Маълумки, юқоридаги таърифнинг дастлабки, яъни семантик белгиси кўрсатилган қисми кейинчалик мактаб грамматикалари муаллифлари томонидан маъқул деб топилган ва кўп йиллар феълнинг асосий таърифи сифатида қўлланиб келинди [Боровков, Маъруфов, Абдуллаев, Шермухаммедов, 1959, 102]. Л. Афанасьев феълнинг фақат шахс (лицо) маъносини билдиришини эътироф этган, бироқ у феълни синтактик категория бўлган кесимга тенг қилиб қўяди¹⁸. Албатта, бунда феълнинг кесим учун типик материал эканлиги муҳим роль ўйнаган бўлиши керак.

¹⁸ Бу ҳақда шундай дейди: “В сартовском языке в каждом предложении глагол обязательно должен быть на лицо как сказуемое (24)”

Н. Остроумов феълни семантик жиҳатдан баҳолайди: “Феъл...шахс, жонли ва жонсиз предметлар ҳаракат ва ҳолатининг номларидир” (195). Бу таъриф, гарчанд, масаланинг семантик моҳиятини акс эттирган бўлса ҳам, бир томонламандир, яъни феълнинг функционал шаклларида бири бўлган ҳаракат номига нисбатан ўринли бўлиб, ҳаракат ва ҳолат жараёнини кўзда тутмаган.

Феълнинг функционал шакллари. Бу даврдаги барча асарларда феъл функционал шакллариининг семантик-грамматик хусусиятлари эмас, балки уларнинг ҳосил қилинишига эътибор қаратилган.

Ҳаракат номи ва унинг номланиши. М. Терентьев ҳаракат номининг *-моқ, -мек* аффикси билан ҳосил қилинишини кўрсатади ва уни тугалланмаган майл (неокончателное наклонение) деб атайди (195), унинг бўлишсиз шакли тўғрисида ҳам маълумот беради ва унга мисол сифатида *урмамоқ* феълени келтиради. Маълумки, бундай қўлланиш ҳозирги ўзбек адабий тилимиз нуқтаи назаридан норма ҳисобланмайди, лекин бу ҳодиса эски ўзбек адабий тили учун характерли бўлган [Фозилов, 1969, 42; Abdurahmonov, Shukurov, Mahmudov, 2008, 173]. Бу факт билан М. Терентьев ҳам таниш бўлган бўлиши мумкин. А. В. Старчевский феълнинг бу функционал шаклини ноаниқ майл (неопределенное наклонения) деб юритган. Шунингдек, ҳаракат номи Бухоро ва Хива шеваларида *-мақ//мэк* вариантлари билан ҳосил қилинади, ўзбек тилининг ғарбий (унингча, чигатой) шеваларида эса от ясовчи аффиксдир (уни “слог” деб атайди) деб кўрсатади. (Спутник...,17). Назаримизда, Бухоро шеваси дейилганда Қорақўл ва Олот каби ўғуз шевалари кўзда тутилган бўлиши мумкин. Маълумки, бу шевалар ҳам Хоразм шевалари каби ўғуз гуруҳ шеваларига мансуб. Бу шеваларда ҳаракат номи *-тақ, -тэк* аффикси билан ифода қилинади [Ashirboyev, 2016, 75]. Ҳақиқатан ҳам, чигатой (қарлуқ) лаҳжаси шевалари учун ҳаракат номининг бу аффикси характерли эмас, балки у эски ўзбек адабий тили орқали ҳозирги ўзбек адабий тилининг хусусияти бўлиб қолган. А. В. Старчевский *-га//ге* (*кетерге, берарга*) аффиксли функционал шакли ҳам келтиради. Айтиш мумкинки, лингвистик адабиётларда шу давр адабий тилида ҳаракат номининг *-р//ар//ур* аффикси билан ҳосил қилиниши айtilган [Турдиалиев, 1969, 121], лекин *-ге//га* аффикси билан ҳосил қилиниши ҳақида маълумотга эга эмасмиз. Афтидан, А. В. Старчевский татар тилининг нормаси сифатида эътироф этиладиган *-рга//рга* аффиксли шакл тўғрисида фикр

юритмоқчи бўлган, лекин бу фикрида қатъий турмайди ва *-ге* ва *-га* аффиксларини жўналиш келишиги аффикси деб ҳам юритган.

Ҳаракат номига нисбатан ноаниқ майл терминини З. А. Алексеев ҳам қўллайди ва унинг морфологик хусусиятларини кўрсатишга ҳаракат қилиб, ҳаракат номининг замон, шахс ва сон маъноларига эга бўлмаслиги ҳамда уни ҳосил қилувчи аффиксининг *-моқ//мак* каби икки вариантини кўрсатади (49). Демак, у ҳаракат номини ўз номи билан атамаган бўлса-да, унинг хусусиятларини англай олган. Ҳатто бу аффикс вариантларини белгилашга уринган. Маълумки, ҳаракат номи аффиксининг бундай икки вариантга эга бўлиши ўзбек адабий тили тарихининг, деярли, барча даврларига хос бўлган, фақат ҳозирги ўзбек адабий тилида унинг *-моқ* варианты сақланиб қолган ва адабий тилнинг нормаси ҳисобланади. Бундай жараённинг юз бериши ўзбек адабий тили сингармонизм қонунига бўйсунмаслиги билан боғлиқдир.

С. А. Лапин, И. А.Беляев, Т. Қиёсбеков, Л. Афанасьев, Н. С. Будзинский, Н. Остроумовлар ҳам бу шаклни ноаниқ майл деб атайдилар ҳамда унинг *-моқ//мак* аффикси билан ҳосил қилинишини кўрсатадилар. Шундан Л. Афанасьев бу шакл феълнинг барча нисбатларидан ясалишини таъкидлайди.

В. Наливкин ва М. Наливкиналар бу шаклни *ноаниқ ёки тугалланмаган майл* (неопределенное или неокончателное наклонение) деб параллел юритадилар.

Шуни айтиш лозимки, ноаниқ майл деб номланишида уларга муайян лингвистик шароит сабаб бўлганлигини айтиш мумкин. Маълумки, ҳаракат номи рус тилшунослигида феълнинг ноаниқ шакли деб юритилиши кенг тарқалган. Бу терминга ўзбек тилшунослигида ҳам мурожаат қилинган [Sarayev, 2009, 226], лекин тугалланмаган майл деб номланиш қайси анъана билан боғликлиги ҳозирча очик туради ҳамда *майл* (наклонение) категорияси сирасида ўрганилиши ҳам номаълум бўлиб қолади.

Ҳаракат номи ҳақидаги тафсилотларни умумлаштирадиган бўлсак, қуйидагиларни қайд қилиш мумкин бўлади: 1) ҳаракат номининг феъл туркуми ичидаги ўрни белгилана олмади. Бунинг ўзига яраша муаммолари бор. Бу ҳолат ҳозирги ўзбек тилшунослигида ҳам давом этмоқда. Бу шаклнинг ҳар қанча зўр бериб феъл эканлигини исботлашга ҳаракат қилинмасин, барча изоҳларда унинг от туркумига хос хусусиятидан айри фикр айтиш учун етарли бўлмаяпти. Бу жиҳатдан 20-йилларда уни от, унинг

аффиксларини от ясовчи деб қаралганлиги ҳақиқатни акс эттирар эди; 2) бу даврдаги ўрганилаётган адабиётларда қандай ном билан юритишмасин, ҳаракат номининг *-и//иш*, *-в//ув* аффикслари билан ҳам ҳосил қилиниши эътибордан четда қолган, балки улар ясама от сифатида қаралган (бу масалага сўз ясалишида яна қайтилади).

Равишдош. Феълнинг бу функционал шаклига фақат М. Преображенскийгина тўхталмайди. Шунини айтиш лозимки, равишдошнинг замонга муносабати масаласи ўзбек тилшунослигида ҳали мунозаралидир [Ҳожиёв, 1973, 185]. Ўрганилаётган асарларнинг деярли барчасида равишдошнинг замон турлари эътироф этилганини ҳисобга олиб, унинг тавсифига тўхталамиз.

Ўтган замон равишдоши. В. Наливкин ва М. Наливкиналардан бошқа барча муаллифлар ўтган замон равишдоши ҳақида маълумот беради. М. Терентьев (197), А. В. Старчевский (22) бу шаклнинг *-ун* аффикси билан (М. Терентьев бу аффиксни рус графикасида шундай ёзса-да, уни араб графикасида **و** шаклида беради) ҳосил қилинишини кўрсатадилар, лекин улар феълнинг унли товуш билан тугаган асосидан ўтган замон равишдошини яшашда хатоликка йўл қўядилар. Уларнинг фикрича, унли билан тугаган феъл асосидан *-йун* аффикси орқали равишдош ҳосил (масалан, *ўқуйун*) қилинади. Кўринадик, улар *-ун* аффиксини бирдан-бир ўтган замон равишдоши ҳосил қиладиган аффикс деб тушунишган, шунинг учун ҳам ўзбек тилида икки унлининг қатор кела олмаслигини англаган бўлиб, икки унли орасига **й** ундошини орттирган. Демак, улар унли билан тугаган феълларга *-н(б)* вариантнинг қўшилишини билмаганлар. А. В. Старчевскийнинг кейинги асарида равишдошнинг бу тури ҳозирги замон равишдоши деб талқин қилинади (Переводчик..., 142). Шу билан бирга, юқоридаги хатолар бу асарида ҳам такрорланади. Бошқа муаллифлар равишдошнинг бу турини *-б//иб//уб* аффикси билан ҳосил қилганлар. Шулардан З. А. Алексеев *-бон* аффиксини ҳам қайд қиладди, уни китобий ва тўлиқ шакл деб атайдди (57). Бу фикрда қисман асос бор, чунки бу аффикс эски ўзбек адабий тилида [Умаров, 1976, 25; Abdurahmonov, Shukurov, Mahmudov 2008, 191] ҳамда ҳозирги ўзбек тилининг поэтик услубида қўлланиб келинмоқда. Шу жиҳатдан китобий деб юритишлари эътироз туғдирмайди.

Равишдош ясовчи бу аффикснинг қандай асосга қўшилиши бу давр муаллифлари диққатини тортган (бундан фақат Т. Қиёсбеков ва Л. Афанасьев мустасно). Жумладан, З. А. Алексеев сўзларнинг араб

графикасида бериб бориш муносабати билан *-б* (كيتب ايزلاب) аффиксини ҳар қандай асосларга қўшилишини кўрсатади. Бу фикр улар келтирган мисоллар асосида айтилмоқда. С. А. Лапин бу масалага аниқлик киритади ва унли билан тугаган феъл асосига *-б*, ундош билан тугаган асосларга *-иб* ва асосда лаб унлилари қатнашса, *-уб* вариантларининг қўшилишини айтади. Бу фикр кейинги муаллифларда ҳам такрорланади.

М. Терентьев ва А. Старчевскийлар *-гай*, *-убан*, *-гач*, *-гали*, *-гудек*, *-ганда*, *-ганча* аффикслари билан ҳосил қилинган сўз шакллари ҳам равишдошларга киритган, лекин уларнинг қандай равишдош эканлиги кўрсатилмаган. Ҳақиқатан ҳам, *-гач*, *-гали* равишдош ясовчилардир. *-убан*, аффиксини *-бан* аффиксининг варианты, *-ганча* аффиксини *-гунча* аффиксининг фонетик варианты деб қарасак, бошқаларини равишдош ясашда қатнашмасли кўриниб турибди.

М. Наливкина ва В. Наливкинлар *-б//иб* аффикси билан ҳосил қилинган равишдошларни ҳозирги замон равишдоши деб қарайдилар (15). Ўтган замон равишдошига эса *бергандан кейин*, *бермагандан кейин* мисолларини келтирадилар. Масалага бошқа томондан қаралса, уларнинг бундай йўл тутишига муайян асослар топилади, яъни келтирилган сўз шакллари муайян синтактик позицияда *бергач*, *бермагач* типдаги равишдошларга синоним бўлиши мумкин. Шундай бўлган тақдирда ҳам, улар мисолларни хато келтирган.

Н. Остроумов ўтган замон равишдошининг юқоридаги муаллифларда учрамайдиган тури тўғрисида маълумот беради. Унингча, *-гач* (غاچ) аффиксли шакл чиқиш келишиги аффикси ва *кейин* кўмакчиси билан бирга ўтган замон равишдошини ҳосил қилади. Ажабланарлиси шундаки, *-гачдан кейин* шаклли равишдошга *ўқуғочдан кейин* мисолини келтирадики, унинг қайси манбадан олганлиги тўғрисида маълумотлар берилмайди ва янглишади.

-гач аффиксли шаклни турк-татар таъсирида юзага келганлигини айтади (79). Бундан кўринадики, *-гач* аффиксли шакл ўзбек тилида дастлаб бўлмаган. Бу фикрда муайян даражада асос бор, татар, бошқирд тилларида *-гаш//гаш* фонетик вариантларида бу аффикс фаол қўлланган [Серебренников, Гаджиева, 1986, 232]. Бу аффикс тарихига назар ташласак, ҳақиқатан ҳам, у қадимги туркий ёдгорликларда учрамайди, балки XIII ва XIV асрларга келиб, эски ўзбек тилида қўллана бошлаган [Abdurahmonov, Shukurov,

Mahmudov, 2008, 196], ўзбек адабий тилининг оғзаки шаклида ҳам, шеваларида ҳам қўлланмайди [Ashirboyev, 2016, 52].

Ўрганилаётган асарларда ҳозирги замон равишдоши тўғрисида ҳам фикр юритилади. М. Терентьев (197) ва А. В. Старчевскийлар (22) бу шаклни ҳосил қилувчи аффикс сифатида фақат *-а* аффиксини кўрсатади. Уларнинг фикрича, бу аффикс унли билан тугаган феъл асосига қўшилганда асос ва аффикс орасига *й* (унинг кўрсатишича, *и*) товуши орттирилади, яъни ўқу сўзига *-а* аффикси қўшилганда, ўқуё (وقويا) бўлади ва аффикс *-йа* (я) варианты тусига киради. Маълумки, ўзбек тили тараққиётининг барча даврларида ҳам *-а* аффикси равишдош ясовчи аффикс сифатида феълнинг ундош билан тугаган асосига қўшилган. Юқоридаги муаллифлар эса *-й* аффиксига мустақил равишдош ясовчи сифатида эмас, балки икки унли қатор келганда орттириладиган товуш сифатида қараганлар. Албатта, уларнинг бу қарашлари ўзбек тилининг нозик хусусиятларини охирига қадар тушуниб етмаганлигидан дарак беради. С. А. Лапин, В. Наливкин, И. А. Беляев, Т. Қиёсбеков, Л. Афанасьев, Н. Остроумовлар бу шаклнинг *-а* ва *-й* аффикси билан ҳосил қилинишини кўрсатади. Булардан В. Наливкин ва Н. Остроумовлар унли билан тугаган феъл асосларига *-я* (й+а) аффикси қўшилишини айтсалар-да, келтирган мисолларининг барчаси *-й* аффикси билан ҳосил қилинган. С. А. Лапин ва Т. Қиёсбековларда бу шаклнинг ҳосил қилиниши бўйича ўзига хос усул таклиф қилинади, уларнинг фикрича, “ҳозирги-келаси замон” феъли деб тушуниладиган феълдаги шахс-сон қўшимчалари олиб ташланса, ҳозирги замон равишдоши ҳосил бўлади. Кўринадикки, улар шаклланган феълдан функционал шаклни келтириб чиқармоқчи бўладилар. Бу аслида тескари жараён эканлиги барчага маълум. В. Наливкин ва Л. Афанасьевлар равишдошнинг ҳозирги замон шакли жуда кам истъеъмолда бўлади ва унинг ўрнида ўтган замон сифатдоши + эгалик қўшимчасидан бири+ўрин-пайт келишиги қўшимчаси: *учрашганимизда, берганимда* (рус тилида *встречая, давая* ма’носида); ўтган замон сифатдоши + вақт сўзи + эгалик аффикси + ўрин-пайт келишиги: *берган вақтимда, учрашган вақтимда* бирикмалари қўлланади, деб уқтирадилар. Албатта, бундай муҳокама юритиш ўзбек тилининг хусусиятини таҳлил қилиш эмас, балки чоғиштирма типология учун зарур бўлади.

Келаси замон равишдоши. Равишдошнинг бу шакли 3. А. Алексеев томонидан қайд қилинган (57). Улар

–*гали//гали//кали//қали*, –*кунча//канча//қанча//ганча* аффикслари билан келаси замон равишдошини ҳосил қилишган. Буларнинг ўрганилаётган даврда қўлланганлигини асослаш қийин, лекин –*гали//гали//кали//қали* вариантлари эски ўзбек тилида қўлланишда бўлган [Abdurahmonov, Shukurov, Mahmudov, 2008, 194], –*канча//қанча//ганча* вариантлари эса қисман фонетик ўзгаришлар билан шеваларимизда қўлланмоқда [Ashirboyev, 2016, 51], И. А. Беляев –*гани* аффикси билан ҳосил қилинган равишдош ҳақида маълумот беради, лекин унинг қайси замон равишдоши эканлигини айтмайди ва уни “деепричастие достигательное” деб юритади. Уни мазмунан ўзбек тилига мақсад равишдоши деб таржима қилиш мумкин бўлади. Бунга мисол сифатида ушбу гапларни: *мән сиздән пул сурӑғәни кӑлдӑм, ул барды јӑхшӑ дӑжӑран ат сурӑғәни* келтиради ва *сурӑғәни* равишдошига диққатни тортади, чунки унда мақсад маъноси мавжудлигига ишора бор.

Сифатдош. Унга ҳеч қайси адабиётда назарий тавсиф берилмайди, балки унинг замон англатиши тўғрисида фикр юритилади.

Ўтган замон сифатдоши. Сифатдошнинг бу шаклини З. А. Алексеев –*ган* (كان), –*кан* (كان), –*гон* (غان), –*қон* (قان) аффикслари билан (51); В. Наливкин ва М. Наливкиналар (15), С. А. Лапин (27), Т. Қиёсбеков (33), Л. Афанасьев –*ган* (كان) аффикси; В. Наливкин –*гон* (غان), –*ган* (گن), –*кан* (كان), –*қан* (قان) аффикслари; Н. С. Будзинский (74), Н. Остроумов (79) –*гон//ган* аффикслари билан ҳосил қилишган. Ўтган замон сифатдошини М. Терентьев (198), А. В. Старчевский ўзига хос йўсинда тушунтирадилар. Уларнинг фикрича, бу шакл ўтган замон шаклидаги етакчи ва –*ган* аффиксини олган кўмакчи феълдан (*барып турган*) иборат бўлади.

Ҳозирги замон сифатдоши. М. Терентьев, А. В. Старчевский ўтган замон сифатдошини ҳосил қиладиган –*ган//ган* аффиксини, В. Наливкин ва М. Наливкиналар –*диган*, –*p//ар* аффиксини, З. А. Алексеев –*тургон*, –*гучи//гучи* аффиксларини, С. А. Лапин –*диган*, В. Наливкин ва Н. С. Будзинскийлар –*дурган*, –*диган* аффиксларини, Т. Қиёсбеков –*дурган*, Л. Афанасьев –*диган*, Н. Остроумов эса –*дургон*, –*гучи* аффиксларини ҳозирги замон сифатдошини ҳосил қилади, деб уқтирадилар. Кўринадики, бу давр муаллифларининг ҳозирги замон сифатдошини ҳосил қилишдаги қарашлари хато бўлиб, фақат –*гучи//гучи* аффиксларини кўрсатишларигина ҳақиқатга яқин келади [Турдалиев, 1969, 125;

Мирзаев, Усмонов, Расулов, 1970, 142]. Т. Қиёсбеков -*дурган* аффиксини айна ўринда “исми фоил” деб ҳам юритади. Бу термин аслида тил тарихида фақат ҳозирги замон сифатдошига эмас (бу аффикснинг келаси замон феъллини ҳосил қилишини у билмаган), балки араб тилшунослиги анъанасида яратилган лингвистик асарларда сифатдошнинг барча турларига нисбатан қўлланган [Умаров, 1967, 6; Аттуҳфа, 1968, 113]. Кўринадики, Т. Қиёсбековнинг ўзбек тили илмини яхши эгалламаганлиги билиниб қолди.

Келаси замон сифатдоши. Сифатдошнинг бу шакли М. Терентьев, В. Наливкин, А. В. Старчевский, З. А. Алексеев ва Н. Остроумовлар томонидан изоҳланади. Уларда бу шаклнинг *-p//ap//ur* аффикси билан ясалиши айтилади. Бу жиҳатдан улар тўғри йўл тутишган.

Кўринадики, бу давр муаллифлари сифатдошдаги асосий грамматик хусусиятларни унинг замонидан ахтаришди ва уларнинг қайси аффикслар билан ясалишига урғу беришди ҳамда бу масалада анча қийинчиликларга дуч келишди, шу туфайли ҳам унинг замонларини белгилашда анча чалкашликка йўл қўйишди. Бу уларнинг лингвистик билимлари етарли эмаслиги билан изоҳланади.

Шуни айтиш керакки, сифатдошнинг замон маънолари ўзбек тилшунослигининг 70-йилларигача бўлган айрим дарсликларда акс эттирилган ва сифатдошнинг феъллик хусусиятларидан бири сифатида қараб келинган эди, лекин ҳозирги давр илмий грамматикасида сифатдошнинг замон маънолари тўғрисида фикр юритилмаётганлиги маълум, биз бу мунозарани давом эттиришни тил назариячиларига қолдирамыз.

Феъл нисбатлари. Бу даврдаги асарларда мазкур категориянинг қандай шаклларни ўзида мужассамлаштириши айтилмайди. Ҳаттоки, баъзи нисбат шакллари ўзининг номига ҳам эга бўлмади. Ўзбек тилида нисбатларни кўрсатиш З. А. Алексеевдан бошланади, улар илк бор “залоғ” деган терминни қўллайдилар. Унгача маълум бўлган М. Терентьев ва А. В. Старчевскийларнинг асарларида шу ҳодисанинг бир шакли, яъни орттирма нисбат ҳақида маълумот бор, лекин улар бу шаклга нисбатан “понудительная форма” деган терминни қўллашган. И. А. Беляев, умуман, феъл нисбатларига тўхталмайди. Н. Остроумов нисбат (залоғ) терминини тилга олмайди, нисбат аффиксларини олган феълларни эса ясама феъл деб талқин қилади ҳамда ўзлик, мажҳул, орттирма, биргалик нисбатларидаги феълларнинг семантик-грамматик хусусиятларини тавсиф қилганлар.

Аниқ нисбат. Феълнинг бу шакли З. А. Алексеев, С. А. Лапин, Т. Қиёсбеков ва Н. С. Будзинскийларда изоҳланди. З. А. Алексеев унга қуйидагича таъриф беради: “Аниқ нисбат бир предметдан бошқа бир предметга ўтадиган ҳаракатни англатади”(46). Кўринадики, бу таъриф аниқ нисбат феълига эмас, балки ўтимли феълга берилаётганга ўхшаб қолган, лекин шунда ҳам таърифда мантикий равшанлик кўринмайди, чунки унда бир предметдан иккинчи предметга ўтадиган ҳаракат ҳақида гап боради. Ўтимлиликни кўрсатишда бундай иборани қўллаш нотўғри бўлади, чунки ўтимлиликдаги ҳаракатнинг тушум келишиги шаклидаги сўзга (отга) таъсир қилиши, ўтиши ҳисобга олинади. Аслида аниқ нисбатдаги феълда ҳаракат эга томонидан бажарилади, тўлдирувчи эса ҳаракатнинг объекти бўлиб келади [Мирзаев, Усмонов, Расулов, 1972, 134; Фозилов, 1966, 123]. Мазкур таърифда бу ғоя ўз ифодасини топмаган. С. А. Лапинда аниқ нисбатнинг назарий ифодаси бирмунча ривожлантирилади. У шундай дейди: “Аниқ нисбат нутқ предметида (эгадан) бошқа бир предметга ўтадиган ҳаракатни билдиради (38)”. Бу изоҳда ўтимлиликни кўрсатиш биринчи планда турса-да аниқ нисбат маъноси бироз ойдинлашади, чунки ҳаракатнинг эга томонидан бажарилиши эътироф этилади. С. А. Лапин берган таъриф Т. Қиёсбеков ва Н. С. Будзинскийларда ҳам такрорланади.

Мажҳуллик нисбати. З. А. Алексеев бу нисбатни -л аффикси билан ҳосил қилади. Шунингдек, у мажҳуллик нисбати ёнида келувчи сўзнинг (логик субъектнинг - А. С) чиқиш келишигида қўллана олмаслигини айтади, албатта бу фикр конкретликни талаб қилади, чунки логик субъектнинг чиқиш келишигида қатнашадиган ўринлари ҳам бўлади (масалан, *Тош Салим томонидан отилди* – А. С.). У яна бир морфонологик ҳолатни пайқай олган, яъни асосда л ундоши (уни сўз охирида келади, деб тушунтиради) қатнашганда, бу нисбатда -н аффикси иштирок этиши ҳам эътиборга олинган ва унга *сайланмоқ, тилинмоқ* сўзларини келтиради (46). Маълумки, бу ҳолат кейинги даврдаги морфологияга оид барча адабиётларда айтиб келинмоқда.

С. А. Лапин танлаган изоҳ илмий изоҳларга анча яқин туради: “Мажҳуллик нисбати бошқа бир номаълум предметдан нутқ предметида (эга) ўтадиган ҳаракатни ифода қилади (38)”, унга мисол қилиб *китоб ўқилади* бирикмасини келтирган. Бу изоҳдан логик объект эга ва логик субъект тўлдирувчи вазифасида келиши ойдинлашади.

Шу ўринда бу нисбатнинг номланиши масаласига тўхталишни лозим топамиз. Кейинги даврда яна “даража” терминига қайтиш билан боғлиқ равишда уни “мажҳул даража” тарзида қўллаш кенг тарқалмоқдаки, ундан даража мажҳул (ноаниқ) деган маъно келиб чиқади. Қолаверса, бу термин объект ва субъект муносабатларида кучсизлик қилади. Аслида шу ўринда *мажҳуллик* тарзида қўлланишга ҳожат бор. Шу муносабат билан анъанадаги “нисбат” (у ҳам муносабат сўзини шакллантиришда қатнашади) ва “мажҳуллик” термини ўзини кўпроқ оқлайди, деган фикрдамиз.

Ўзлик нисбати. Бу нисбат аксарият муалифлар томонидан тилга олинди. Бу нисбатнинг таърифи фақат С. А. Лапин ва Н. С. Будзинскийлардагина қайд қилинди. С. А. Лапин шундай таъриф беради: “Ўзлик нисбати нутқ предметида чикадиган ва унга қайтадиган ҳаракатни кўрсатади (40)”. Унга *ювинмоқ* типидagi мисолларни келтиради. Бу ўринда ҳаракатнинг субъект томонидан бажарилиши ҳақидаги фикри тўғри, лекин ҳаракатнинг чиқиши ва қайтиши ҳақидаги фикрини қабул қилиш қийин. Худди шу жумлани Н. С. Будзинский ҳам келтиради (86). Ҳаракат қайтиши ҳақидаги фикрлари уларнинг назарида муайян асосга кўради. Маълумки, ўзлик нисбати русча “возвратный залог” термини билан юритилади. Шу терминдаги қайтиш маъноси шу ҳодисани изоҳлашда, яъни унга таъриф беришда таъсир ўтказганлиги сезилиб турибди. Қолаверса, ҳаракатнинг қайтиши маъноси ҳам илмий грамматикаларимизда эътироф қилиб келинмоқда [Ўзбек тили грамматикаси, 1075, 446]. Т. Қиёсбеков ўзлик нисбатидаги феълнинг субъекти ҳам, объекти ҳам гапдаги эга эканлигига ишора қилиб: “Ўзлик нисбати ҳаракат қилувчининг ўзига ўтадиган ҳаракатни кўрсатади (25)”, - деган жумлани келтиради. Бунда ўзлик нисбатининг грамматик маъноси аввалги муаллифлардагига нисбатан ўринлироқ ифодасини топган. З. А. Алексеев бу нисбатни аниқлик нисбатидаги *-моқ//мак* аффикслари олдида *-н* аффиксини (уни “буква” атайди) қўйиш орқали ҳосил қилинади, деб тушунтирадики (96), бунда феълнинг ҳаракат номи шаклида турган ҳолатига нисбатангина тўғри келади, аслида бу шакл билан боғлиқ қилиб қўйиш керак эмас эди. Ўзлик нисбатининг ҳосил қилинишида фақат *-н* аффиксининг қатнашишини. Қиёсбеков ҳам эътироф этади. В. Наливкин ва М. Наливкиналар бу нисбатнинг *-л*, *-н* аффикслари билан ҳосил қилинишини кўрсатишади (9), лекин қайси фонетик-морфологик шароитда уларнинг қўшилиши ҳақида маълумот беришмаган. А. В. Старчевский ўзлик ва мажҳуллик

нисбатларини (у ушбу нисбатларни бир-биридан ажратмайди) –*ил//ин* аффикслари билан ҳосил қилади (Переводчик, 139). В. Наливкин феъл асосларига –*н//ин//ун* аффиксларини қўшиш орқали ясалиши ва ундан *урилмоқ* феъли мустасно эканлигини уқтиради (136). Л. Афанасьев ва Н. С. Будзинскийларда ўзлик нисбатини –*н//ин//ун* аффикси билан ҳосил қиладилар, лекин уларнинг қайси асосларга қўшилишини баён қилмаганлар. Эҳтимол, бунга назарий тайёргарлигининг етарли бўлмаганлиги йўл қўймаган. Маълум бўладики, ўрганилаётган давр муаллифлари ўзлик нисбатининг семантик-грамматик хусусиятларини ҳарчанд ёритишга ҳаракат қилсалар ҳам, унга хос бўлган морфологик табиатни кўрсатиб бера олмадилар.

Биргалик нисбати. Бу нисбатнинг грамматик хусусиятларини дастлаб С. А. Лапин: “Биргалик нисбати бир неча предметлар орасида ўтувчи (переходящие (?)) ҳаракатни кўрсатади (39)”, - тарзида изоҳлайди. Бу изоҳда “предмет” тушунчаси шахслар ва ҳаракат қиладиган барча жониворлар тушунилишини ва “предметлар орасида ўтувчи ҳаракат” деганда бу ҳаракатнинг бир неча шахслар томонидан бажариладиган айна бир ҳаракат тушунчаси англанишини илғаш қийин эмас. Бу жиҳатдан унинг таърифи ҳақиқатга яқин келади. Т. Қиёсбеков биргалик нисбатини изоҳлашда С. А. Лапиннинг юқоридаги таърифини асос қилиб олганга ўхшайди, чунки у: “Биргалик нисбати бир неча предметлар орасида юз берадиган ҳаракатни кўрсатади (25)”, - деган таърифни беради. Бу нисбат В. Наливкин томонидан ўринли баҳосини топган: “Биргалик нисбати икки ва ундан ортиқ шахснинг ўзаро, биргаликда ва бир вақтда юз берадиган айна бир ҳаракатини ифодалайди (134)”. Демак, бу таърифда унинг биргалик нисбатидан кузатилган маънони тўлиқ англай олганлиги кўриниб турибди. Ҳеч шубҳа йўқки, бу таъриф ҳозирги илмий адабиётларимизда берилаётган таърифларга яқин келади. Н. С. Будзинский мазкур таърифни такрорлайди, холос (86).

Бу нисбатнинг ҳосил қилиниши ҳақидаги маълумотлар З. А. Алексеевдан бошланади, у –*иш* аффикси биргалик нисбатини ясовчи аффикс деб кўрсатади. Бу В. Наливкин ва М. Наливкинларда такрорланади. В. Наливкин, Л. Афанасьев, Н. С. Будзинскийлар бу нисбатнинг –*иш//ишш//уш* аффикси вариантларида ҳосил қилинишини кўрсатадилар. Ҳақиқатан ҳам, улар биргалик нисбатида қатнашадиган аффикс вариантларини тўғри белгилай олишган.

Орттирма нисбат. Феълнинг бу шакли барча муаллифлар томонидан изоҳланади (бундан Л. Афанасьев мустасно), лекин улар бу шаклнинг қайси категориянинг узвий қисми эканлигини белгилай олмаганлар, яъни “залог” терминидан фойдаланмаган. М. Терентьев, В. Наливкин ва М. Наливкиналар, С. А. Лапин, Н. С. Будзинский, А. В. Старчевскийлар уни “понудительная форма”, З. А. Алексеев, Т. Қиёсбеков эса “понудительный вид” деб атайдилар ва унга феъл нисбати сифатида қарамайдилар. З. А. Алексеев ўзбек тилида бирор-бир ҳаракатни бажаришга ундайдиган феъл шакллари борлигини ва бундай шакллар феълдан англашиладиган ҳаракат сўзловчи эмас, балки бошқа шахс (тўлдирувчи) томонидан бажарилишини эътироф этган (48). У мазкур шаклни “понудительный вид” деб атаганига қарамай, унинг семантик-грамматик хусусиятини тўғри англай олган. С. А. Лапин бу шаклни “понудительный вид” деб юритувчиларга қарши чиқиб, уни “понудительная форма” деб юритади ¹⁹. В. Наливкин бу шаклни нисбатан аниқроқ тавсифлашга ҳаракат қилади ва унинг изоҳларида ҳаракат бажарувчиси логик субъект эмас, деган фикр англашилади ²⁰. Ушбу фикри билан у аввалги муаллифлардан бир қадар олдинга ўтади.

М. Терентьев ва А. В. Старчевскийлар бу шаклни *-тур, -тыр, -гуз* (уни **р, к, т** товушлари билан тугаган феъл асосларига қўшилади, дейди) аффикслари билан ҳосил қилинишини ва кейингисига *ёзгурмоқ* феълени келтиради. Шунингдек, *ёздирмоқ, кесдирмоқ* тарзида қўлланиши мумкинлигини ҳам айтадилар. Бундан *-гур* аффикси “орттирма нисбат” шаклини ҳосил қилувчи асосий аффикс эканлигига ишора қилаётганга ўхшайди. Тўғри, бу аффикс тарихий орттирма нисбат ясовчи аффикс [Фозилов, 1965, 126; Фозилов, 1969, 58; Abdurahmonov, Shukurov, Mahmudov, 2008, 272], шу асарлар ёзилган даврда ҳам орттирма нисбат шаклини ҳосил қилганлигига шубҳа йўқ, чунки ҳозир ҳам классик шеърят услубида ёзилган асарларда баъзан учраб турибди.

-гур аффиксли нисбат шаклини *-ур* аффиксли сифатдошдан фарқлай олмаслик ҳоллари ҳам учрайди, масалан, бу М. Терентьевда қайд қилинди. У *айтурга керак* қўлланишидаги *-ур* аффиксини орттирма нисбат аффикси деб тушунган. З. А. Алексеев бу шаклнинг

¹⁹ “Форма эта выражает понятие понуждать, заставлять, позволять давать (возможность) совершить какое-либо действие” (65).

²⁰ У шунай дейди: “Понудительный вид показывает, что данное лицо заставляет кого-либо произвести то или другое действие или дает к этому возможность, а в отрицательной форме запрещает или не дает возможности произвести то или другое действие” (Руководство...125).

ундош товуш билан тугаган асосдан *-тир//дур*; **р** товуши билан тугаган асосдан *-т, -гуз//гуз*; унли билан тугаган асосдан *-т*; **й** ундоши билан тугаган асосдан *-дур* аффикси; **ч** товуши билан тугаган феъл асосидан *-ур* аффикси орқали ҳосил қилинишини кўрсатади. В. Наливкин ва М. Наливкиналар *-т, -гуз, -гуз, -тур, -дур, -р*; В. Наливкин *-т, -куз, -қуз, -гуз, -гуз, -тур, -дур, -ур*; Т. Қиёсбеков *-т, -р, -тур, -дур, -гуз, -гуз*; Н. С. Будзинский *-тур, -дур, -куз, -гуз, -т* аффикслари билан ҳосил қилишган.

Ўрта нисбат тўғрисида. З. А. Алексеев, Т. Қиёсбеков, Н. С. Будзинскийлар ўзбек тилида *ўрта нисбат*ни белгилашга ҳаракат қилганлар. Ўрта нисбатни Ф. Ф. Фортуннов фақат қадимги ҳинд, грек ва қисман латин тилида сақланиб қолганлиги ҳақида маълумот берса ҳам [Фортунатов, 1957, 307], кейинги муаллифлар (собик Иттифок даврида) рус тилида ўрта-ўзлик нисбатининг мавжудлигини қайд қилишган [Гвоздев, 1958, 284; Валгина, Розенталь, Фомина, Цацукевич, 1966, 139]. Ўзбек тилшунослигидаги айрим ишларда ўзлик нисбати шакли медиал (*ўрта*) маънони ифодалаганлиги тўғрисида фикр юритилади [Фозилов, 1965, 80], лекин ҳозирги ўзбек тилшунослигида *ўрта нисбат* тан олинмайди.

З. А. Алексеев *ўрта нисбат* деганда ўтимсиз феълларни кўзда тутганлиги маълум бўлади, чунки уни: “*Ўрта нисбат* бир шахсдан бошқа шахсга ўтмайдиган ҳаракатни билдиради (47)”, - деб изоҳлайди ва *юрмоқ, ётмоқ* каби мисолларни беради. С. А. Лапин эса ҳолат билдирувчи феълларнинг барчасини *ўрта нисбат* деб талқин қилади., чунки бу ҳақда: “*Ўрта нисбат ... предметларнинг ҳолатини кўрсатади....бу нисбатга бир предметдан иккинчи предметга ўтадиган ҳаракатни ифодалайдиган феъллар киради (40)*”, - деган изоҳни беради ва *юрмоқ, ухламоқ, ўтирмоқ* каби феълларни келтиради. Кўринадики, у чалкашликка йўл қўйган, келтирган мисоллари *ухламоқ* сўзидан бошқалари ҳолат маъносини билдирмайди, шунингдек, бир предметдан иккинчи предметга ўтадиган ҳаракат деган тушунча ҳам изоҳсиз қолган. С. А. Лапин ҳам *ўрта нисбат* деганда ўтимсиз феълни тушунган. Т. Қиёсбековнинг бу нисбатга берган таърифи, умуман, феълга берилган таъриф билан барабар бўлиб қолган, яъни уни: “*Ўрта нисбатга предметнинг ҳаракат ва ҳолатини кўрсатадиган барча феъллар киради (25)*”, - деб тушунтиради ва *ўтирмоқ, ётмоқ, бермоқ* феълларини келтиради. Н. С. Будзинский фақат ҳолат билдирувчи феълларни *ўрта нисбат* деб тушунтиради ва унга *ухламоқ, ётмоқ* каби феълларни киритади (86)

ҳамда бу феъллар ўрин-пайт келишигидаги сўзни талаб қилишини айтади. Албатта, бу фикр эътироз туғдирмайди. Демак, ўрта нисбат, гарчанд, бу давр муаллифлари томонидан нисбатнинг бир шакли сифатида изоҳланса ҳам, унинг табиатига хос белгилари аниқланмай қолган, аксарият муаллифлар аниқлик нисбатининг ўтимсиз шаклини ўрта нисбат сифатида изоҳлашган. Бундан маълум бўладики, феъллардаги ўрта нисбат шакли классик тилларга хос бўлиб [Усмонов, 1972, 12], ўзбек тили учун характерли эмас эди.

Шу ўринда *даража* терминига яна тўхталишни лозим топдик. Бу сўздан термин сифатида фойдаланиш тилшуносликда кенг тарқалаган. Ҳақиқатан ҳам, сифат туркумида белгининг даражасини кўрсатиш имконияти юқори. Семантикада ҳам фойдаланилмоқда. Уларда бу термин моҳиятни ифода қила олади, лекин феълда ҳаракатни даражалаб кўрсатиш тўғрисида фикр юритиш мантиқан дуруст эмас, балки бу шаклларда ҳаракат (кенг маънода) объектга ва субъектга нисбатланади, шу жиҳатдан *нисбат* термини ўзини тўла оқлайди. Қолаверса, терминларни тез-тез алмаштириб туриш илмда кўп чалғишларга олиб келишини ҳам унутмаслигимиз керак.

Феъл майллари ва замонлари. Бу даврда яратилган асарларда феълнинг майл ва замонлари нисбатан кенгроқ ёритилган. М. Терентьев, А. В. Старчевский асарларида замон категорияси аввал изоҳланиб, майл унинг ичида берилади. З. А. Алексеевнинг асаридан бошлаб бу тартиб ўзгариб, аввал майл ва унинг ичида замон шакллари изоҳлана бошлаган.

Таъкидлаш жоизки, ўзбек тилшунослигида майл ва замон категорияларининг қай бири бирламчи деган масала юзасидан муайян ечимга келинган эмас, лекин аксарият ўқув адабиётларида майлнинг бирламчи категория ва феъл замонлари унинг ички шакллари деб қараш қадимийроқ эканлигини ҳисобга олиб, майл категорияси дастлаб ёритилишини лозим кўрдик.

Майл (“наклонение”) терминини М. Терентьев фақат ҳаракат номига (“неокончателное наклонение”) нисбатан қўллаган. Бошқа асарларда ҳам ҳаракат номини майл деб юритганлари ҳолда, аниқлик, шарт-истак ва буйруқ майллари ҳақида маълумот берилади.

Аниқлик майли (изъявительное наклонение). Биринчи марта бу майл А. В. Старчевский асарида учрайди. Кейинчалик З. А. Алексеев, В. Наливкин ва М. Наливкиналар, С. А. Лапин, Т. Қиёсбеков, Л. Афанасьев, Н. Остроумовлар ҳам бу терминни қўллайдилар. В. Наливкин, И. А. Беляев ва Н. С. Будзинский

асарларида аниқлик майли деган термин учрамайди, лекин уларда ҳам феълнинг уч замони ҳақида маълумотлар бор.

Ўтган замон феъллари. Бу шаклни З. А. Алексеев: “Ўтган замон (феъли) тугалланган ҳаракатни кўрсатади” (49), - деб изоҳлайди. Демак, бу изоҳда ўтган замон феъллари англатадиган маъноларнинг бир тури ҳақида гап боради. “Тугалланган ҳаракат” тушунчаси рус тилидаги “совершенный вид” тушунчаси асосида шаклланганлигини эътиборга олиш лозим бўлади.

Феълнинг ўтган замон шакллари бу давр асарларида турлича тасниф қилинган. Шунинг учун қуйида биз проф. С. Усмонов таснифи асосида ўтган замон шаклларининг қандай изоҳланганлигини ёритишга ҳаракат қиламиз.

Яқин ўтган замон феъллари [Мирзаев, Усмонов, Расулов, 1972, 174] М. Терентьев, Т. Қиёсбеков, З. А. Алексеев, В. Наливкин ва М. Преображенскийлар ўтган замон; А. В. Старчевский, Л. Афанасьев, Н. С. Будзинскийлар тугалланмаган ўтган замон; В. Наливкин ва М. Наливкиналар тугалланган ўтган замон; И. А. Беляев эса уни “прошедшее однократное время глагола” деб аташган. М. Терентьев бу шаклнинг феъл асосларига “ўтган замон белгиларини (бу *знак* сўзидан таржима қилинди)” қўшиш орқали (-*дым*, -*дың*, -*ды*, -*дық*, -*дыңыз*, -*дылар*) ҳосил қилади (198). Унингча, аффикс феъл асосига қўшилади, замон ҳамда шахс-сон аффикслари биргаликда ўтган замон аффикслари ҳисобланади. Бу эътибор берилиши керак бўлган фикрдир. А. В. Старчевский яқин ва узоқ ўтган замон феълларини ажратмайди. Бу феълнинг ҳосил қилиниши ҳақида: “Ўтган замон феъли тусланадиган феъл асосига –*дим//динг//ди*, -*дик//дингиз//дилар* белгиларини қўйиш билан ҳосил қилинади (20)”, - дейди ва *бордим*, *бординг*, *борди*, *бордик*, *бордингиз*, *бордилар* каби тусланиш билан бирга, *барур идим*, *барур идин*, *барур иди* типигаги мисолларни ҳам келтиради. Айни ўринда кейинги шакл ўзбек тилининг фонетик хусусиятини акс эттирмас эди, лекин бу шаклни А. Н. Кононов турк тилига ҳослиги тўғрисида ёзади [Кононов. 1956, 236]. А. В. Старчевский *бордик*, *бординг* типигаги тусланишни *ноаниқ* (неопределенный) тусланиш сифатида тавсия этадики, бу фикр ҳам ўзбек тили хусусиятини яхши билмасликдан келиб чиққан. З. А. Алексеев *эрмак* (ایرماک) тўлиқсиз феълнинг *эди* шакли мисолида тусланишни кўрсатган (52). Бошқа муаллифлар ҳам феъл асосига -*ди* шакл ясовчи аффикси + шахс-сон аффикслари ёрдамида яқин ўтган замон феъллари ҳосил қилишган.

Узоқ ўтган замон феъли. Бу шаклни М. Терентьев, А. В. Старчевский, В. Наливкин ва М. Наливкиналар, И. А. Беляев ва Н. С. Будзинский, Н. Остроумовлар узоқ ўтган замон, В. Наливкин тугалланган ўтган замон, ўтган замон давомли туси ва Л. Афанасьев ўтган замон тугалланган феъли деб юритишган. З. А. Алексеев, С. А. Лапин, Т. Қиёсбековлар бу шаклни тилга олмаган.

М. Терентьев мазкур шаклнинг *-ган* аффиксли сифатдош + *эди* тўлиқсиз (вспомогательный (?)) феълидан ташкил топишини уқтиради (200). А.В. Старчевский бу шаклнинг ҳосил қилинишини: “Узоқ ўтган замон феъли *-ган* (аффиксли) сифатдош ва ўтган замон ёрдамчи феъли (тўлиқсиз феъл назарда тутилади)дан тузилади (21)”, - деб тушунтиради ҳамда *борган экан* типдаги феълларни мисолга келтиради. Шунингдек, у тугалланган ўтган замон феъли сифатида *борганман, боргансан* типдаги синтетик шаклни, В. Наливкин ва М. Наливкиналар ўтган замон сифатдоши+*эди* тўлиқсиз феълнинг тусланган шаклини узоқ ўтган замон феъли сифатида ва (12) унинг бўлишсиз шакли учун *берган йўқ эдим, берган йўқ эдинг, берган йўқ эди, берган йўқ эдук, берган йўқ эдингиз, берган йўқ эдилар* сўз шакллари келтиришади. Шунини айтиш керакки, бундай сўз шакллари ўзбек адабий тилида шу тарзда қўлланмаслиги маълум, балки аналитик шаклда қатнашаётган ўтган замон сифатдоши эгалик аффиксларини олади ва тўлиқсиз феъл сўз ўзгартирувчи (тусловчи) аффиксларни қабул қилмайди. Мазкур ҳолат ўзбек тилининг сўзлашув нутқи ва шеваларига хосдир. Демак, бу ўринда сўзлашув нутқи оид сўз шакли танланган. Шунингдек, В.Наливкин узоқ ўтган замон (унингча, тугалланган ўтган замон) феълни *-ган* аффиксли сифатдош + *-дур* (دور) аффикси + шахс-сон аффиксларидан ҳосил қилади (*қилгондурман, қилгондурсан, қилгондур; қилгондурмиз, қилгондурсиз, қилгондурлар*) ва шу ҳолатни тўла шакл деб кўрсатади. Унингча, бу шаклнинг қисқарган шаклида *-дур* аффикси қатнашмайди. Бундан кўриниб турибдики, *-дур* аффикси феъл замонларининг ички тузилмасини белгилашда унинг роли йўқлигини бу давр муаллифлари пайқай олган. Юқоридаги муаллифларнинг тўла (*қилгондурмиз*) ва қисқарган (*қилгонмиз*) шакл тарзида фикр юритишида муайян ҳақиқат йўқ эмас, чунки эски ўзбек тилида *-дур* аффикси замон маъносига қўшимча маъно касб этмайди [Шукуров, 1974, 95], лекин, бизнингча, бу аффикс феъл замонларининг ички маъно хусусиятларини белгиламаса-да, шу феълда таъкид

оттенкасини ҳосил қила олади. В. Наливкиннинг бу фикрини кейинроқ Н. С. Будзинский ҳеч ўзгаришсиз қабул қилади (78). И. А. Беляев узок ўтган замон феълига *ўтган экан* типигаги феъл шаклини келтиради ва уни феълнинг мураккаб шакли (сложная глагольная форма) деб атайди (46). Кўринадики, бу феълнинг тузилиш жиҳатдан мураккаб эканлиги эътироф этилган. Аслида шундай фикр юритишга эҳтиёж йўқлигини инобатга олиш зарур. Л. Афанасьев узок ўтган замон феълнинг синтетик шаклини (*берганман, бергансан, берган*) кўрсатган (30). Н. Остроумов бунини мураккаб шакл деб ҳسوبлагани ҳолда, унинг ўтган замон сифатдоши + *ирди* (ایردی) ёки *икан* (ایکن) тўлиқсиз феълидан иборат бўлишини қайд қилади ва *қилгон ирдим, қилгон ирдинг* каби тусланишни келтиради (87). Демак, у бу феълнинг аналитик шаклидаги тури билангина таниш бўлган.

Ўтган замон ҳикоя феъли. М. Терентьев уни ўтган замон тугалланган феъли (прошедшее совершенное) деб юритади ва унинг ўтган замон равишдоши ва *эди* тўлиқсиз феълидан ҳосил бўлишини кўрсатади (199). Масалан, *бориб эдим, бориб эдинг* ва ҳоказо. Демак, у ўтган замон ҳикоя феълнинг аналитик шакллинигина тавсия этади. А. В. Старчевский ҳам, М. Терентьев ҳам бу борада бир хил позицияда туради, яъни бу шаклни ўтган замон тугалланган феъли атаб, унинг ўтган замон равишдоши ва *эди* тўлиқсиз феълидан ҳосил қилинишини айтса ҳам, унга *борибман, борибсан* типигаги синтетик шаклни ҳам келтиради. *Бориб эдим, бориб эдинг* шаклини ўтган замон ҳикоя феъли эмас, узок ўтган замон феълига мисол сифатида келтиради. Бу фикр аслида янглиш эмас, балки унда ҳар иккала маъно мавжуд. У кейинги асарида *берубман, берубсан* типигаги феълни ўтган замон тугалланган феъли, *бериб эдим, бериб эдинг* шаклидаги феълни узок ўтган замон феъли деб қатъий айтади. (Переводчик... 140, 141). Бу билан чалкашликдан бироз қутулмоқчи бўлади, лекин бу вариантда ҳам мазкур шакл ўзининг ҳақиқий терминига эга бўла олмади. Худди шу ҳолни В.Наливкин ва М. Наливкиналарнинг асарида ҳам учратиш мумкин (12). Улар ўтган замон тугалланган феълларининг иккинчи шакли сифатида *берубман, берубсан* типигаги синтетик шаклни, узок ўтган замон феълнинг биринчи шакли сифатида эса *бериб эдим, бериб эдинг* типигаги аналитик шаклни ҳамда юқоридаги шаклнинг *бер-у-дом* (*берувдим*) каби диалектал вариантини ҳам келтиради ва яқин ўтган замон феъли деб атайди. Бу шаклнинг *бориб эдим* феълига эквивалент бўлишидан унинг ҳам

Ўтган замон ҳикоя феъли демоқчи эканлигини билиш қийин эмас. Фақат *бер-у-дом* фонетик вариантыни Тошкент шевасининг бироз бузилган варианты эканлигини таъкидлаш мумкин. З. А. Алексеев ўтган замон ҳикоя феълининг синтетик шаклини иккинчи ўтган замон феъли (*излабман, излабсан*); аналитик шаклини учинчи ўтган замон феъли (*излаб эдим, излаб эдинг*) деб юритади (62). Демак, улар ҳам аналитик, ҳам синтетик шаклдаги ўтган замон ҳикоя феъли ўртасидаги маъно умумийлигини пайқай олмаган. Шунинг учун ҳам бу шаклларни алоҳида-алоҳида изоҳлаганлар. Н. Остроумов ўтган замон ҳикоя феълини ўтган замон тугалланмаган феъли деб юритади ва *ёзубман, ёзубсан, ёзубдур* каби синтетик шаклни келтириш билан чегараланган (84). Бу шакл И. А. Беляев (94) ва Н. С. Будзинский (83) асарларида ўзининг ҳақиқий терминини топди. Улар *бориб эрди, бориб эдинг* типдаги аналитик шаклни ўтган замон ҳикоя “прошедшее повествовательное” феъли деб атадилар. Уларнинг фарқли томони шундаки, И.А. Беляев тўлиқсиз феълнинг тарихий шаклини танлаган бўлса (*эрди*), Н. С. Будзинский *эди* вариантыни танлаган. Маълумки, эслатилган термин туркологик адабиётларда дастлаб Олтой грамматикачилари асарида қайд қилинади [Грамматика алтайского языка, 1869, 70], лекин улар “повествовательные формы” деган терминни ҳозирги-келаси замон ва яқин ўтган замон феълига нисбатан қўллаган эдилар. Ҳозир эса бу рус тилида ёзилган ўзбек тили грамматикаларида ўтган замон ҳикоя феълини билдирадиган асосий термин сифатида сақланиб қолмоқда [Решетов, 1962, 147].

Ўтган замон давом феъли. А. В. Старчевский уни тугалланмаган ўтган замон феъли деб юритган (20). У келаси замон сифатдоши + *эди* (унинг *иди* вариантыни кўрсатади) тўлиқсиз феълнинг тусланган шаклини *бордим, бординг* типдаги яқин ўтган замон феълидан фарқ қилмайди ва *борур идим, борур идинг, барур иди* каби тусланишни аниқ (определенный) тусланиш сифатида келтирган. Демак, у мазкур шаклни тугалланмаган ўтган замон феълига киритади, лекин у кейинги асарида шарт феълларини изоҳлаш жараёнида *борар идим, борар идинг* каби феълларни ҳам келтириб, уларни келаси замон шарт феъли деб талқин қилади (Переводчик...,142). Демак, у бундай шаклни изоҳлашда изчилликка эриша олмади. В. Наливкин ўтган замон давом феълнинг икки турини кўрсатади (142): *танир эдим, келар эдим* тарзидаги келаси замон сифатдоши + *эди* тўлиқсиз феълидан тузилган феъл шаклини ўтган замон феълнинг такрорий

туси “прошедшее время многократного вида” деб, *ёниб турган эди* типигаги ўтган замон равишдоши (етакчи феъл) + ўтган замон сифатдоши (кўмакчи феъл) + *эди* тўлиқсиз феълидан иборат ўтган замон давом феълени “прошедшее время продолжительного вида” деб атаган. Шунингдек, *ёғиб турди* типигаги феъл шакллари ўтган замон давом феъленинг қисқарган варианты сифатида тавсия этган. В. Наливкин қайд этган юқоридаги шаклларни Н. С. Будзинский ҳеч ўзгаришсиз такрорлади. Н. С. Будзинский *борвотудим* каби феъл шаклини яқин ўтган замон феъли деб талқин қилади (95), бироқ у адабий тилдаги *бораётган эдим* шаклининг диалектал варианты бўлганлиги сабабли уни ўтган замон давом феъли сифатида қараш лозим эди. И. А. Беляев бу шаклни “прошедшее многократное время”, Л. Афанасьев “сослагательное наклонение”, Н. Остроумов эса “прошедшая многократная форма” деб атаган. Бунда у мазкур шаклнинг келаси замон сифатдоши + *эди* (*экан*) тўлиқсиз феълидан таркиб топишини кўзда тутган бўлиши мумкин. Кўринадики, феълнинг бу шакли нисбатан ўзининг тўғри ифодасини топа олган.

Ўтган замон мақсад феъли. Бу шакл фақат Н. С. Будзинский томонидан қайд қилинган. Мазкур шаклни у “прошедшее желательное” деб атаган. Унинг фақат *-моқчи* аффикси кўшилган феъл ва *эди* тўлиқсиз феълидан ҳосил бўлган шакли тусланишини келтиради. Шунинг айтиш лозимки, уни ўтган замон истак феъли деб талқин қилиши мазкур шаклга нисбатан бирмунча тўғридир, чунки бундай изоҳ унинг семантик-грамматик хусусиятига мос келади.

Ҳозирги замон феъллари. Ҳозирги замон феъллари барча асарларда тавсифланади. М. Терентьев, В. Наливкин ва Наливкина, Т. Қиёсбеков, Л. Афанасьев, С. А. Лапин, Н. Остроумов ҳозирги замон феъллари деганда фақат ҳозирги-келаси замон феълени тушунган. Шундан М. Терентьев (198), З. А. Алексеев (58), В. Наливкинлар (31) бу феълни *-а*, *-й* аффикси билан тугаган ҳозирги замон равишдошига шахс-сон аффиксларини кўшиш билан ҳосил қилишган. С.А.Лапин (15) ва Т. Қиёсбековлар (26) феъл асосига (корень) шахс-сон аффиксларини кўшиш билан ҳосил қилишган. Бунда асос ва аффикс орасига, яъни асос унли билан тугаган бўлса, *-й*, ундош билан тугаган бўлса, *-а* ҳарфи қўйилади, деб тушунишган. Кўринадики, улар бу аффиксларнинг ҳозирги замон равишдоши аффикслари эканлигини билишмаган, чунки улар ҳозирги замон равишдошининг ҳосил қилиниши масаласида ҳам нотўғри йўл тутган эдилар. Аввал айтганимиздек, улар ҳозирги замон равишдоши

ҳозирги замон аниқлик майлидан ҳосил қилинади, деган талқинни берган эдилар, яъни ҳозирги-келаси замон феълидаги шахс-сон аффикслари олиб ташланиши билан ҳозирги замон равишдоши ҳосил бўлишига ишора қилган эди.

Бу феълнинг маъно хусусиятини фақат Н. Остроумовгина изоҳлаган. У бундай таъриф беради: “Ҳозирги замон (феъли) давом этаётган ҳаракат ва яна давом этадиган ҳолатни билдиради (83)”, албатта, бу таъриф таҳрирга муҳтож. У ҳозирги замон феълени мураккаб шакл деб атаган ва уни ўтган замон равишдоши + ҳозирги-келаси замон шаклининг кўмакчи феълидан ҳосил қилади: *ўқуб тураман, ўқуб турасан, ўқуб турадур* ва ҳ.к.

Ҳозирги замон феъллари тусланишнинг ўзбек тили фактларига мувофиқ келиши устида тўхталадиган бўлсак, у ҳолда айим фикрларни айтиш лозим бўлади, жумладан, М. Терентьев шахс-сон аффиксларини *-мын, -сын, -дыр; -мыз, -сыз, -лар* тарзида келтиради. Унингча, III шахс кўплиги учун шахс-сон аффикси вазифасини *-лар* аффикси бажаради. Албатта, бу фикр ўзини оқламайди. Бу аффикс шахсни кўрсата олмаслиги исбот талаб қилмайди, афсуски, бу хато айрим илмий грамматикаларимизда ҳам такрорланиб қолмоқда. Қолаверса, келтирилган аффикслар кўпроқ татар тили фактлари бўлиб қолган, мисоллар ҳам шундан далолат беради: *барамын, барасын, барадыр; барамыз, барасыз, баралар*. Бунга қўшимча қилиб, III шахс бирлигида кўпроқ *барады* шакли қўлланишини таъкидлаб қўяди ҳам. З. А. Алексеев, Н. Остроумов III шахс аффикси *-ди* ўрнида *-дур* вариантыда қўлланиши мумкинлигини айтади, Л. Афанасьев III шахсда асосан *-ди* аффикси, лекин *-дур, -ду* вариантлари борлигини ҳам таъкидлайди. Шундан *-ди* варианты ҳозирги ўзбек адабий тилида мустаҳкамланиб қолган, *-дур* аффикси тилимиз тарихида қўлланганлиги адабиётларимиз орқали маълум, лекин *-ду* варианты ҳам ўзбек тилининг шеваларида (Қорабулоқ) мавжудлигини эътиборга олиш зарур бўлади. Бошқа муаллифлар ҳам ҳозирги замон феълларини тасниф қилишга уринганлар, лекин уларнинг таснифида чалкаш ва ноўрин ҳолатлар кўп бўлганлиги сабабли уларга алоҳида тўхталишни маъқул кўрдик.

А. В. Старчевский ҳозирги замон феълининг 4та шаклини кўрсатган (19) ва уларнинг барчасини ҳозирги замон равишдоши ва унга шахс-сон аффиксларини қўшиш билан ҳосил қилинишига ишора қилади, лекин унинг бу “умумий қолипи” барча ўринларда ҳам айтилган шартга мувофиқ кела бермайди: шахс-сон аффиксларини

ирмак (эрмоқ) тўлиқсиз феълининг ҳозирги замон шакли деб талқин қилади; шунингдек, *берирман, берирсан, берир; берирмиз, берирсиз, берирлар* шакллари ҳамда *барайормэн, барайорсин, барайор; барайормиз, барайорсиз, барайорлар* типдаги шаклларни ҳам ҳозирги замон феъллари сифатида тавсия қилади. Бу фикрларни таҳлил қиладиган бўлсак, ушбуларни айтиш лозим бўлади: *-ир, -йур* аффикслари эски ўзбек тилида ҳозирги замон феълларини ҳосил қилишда қатнашган [Шукуров, 1966, 66], *-ир* аффикси ҳозир *-ар* вариантида ўзбек тилида қўлланмоқда, *-йур* аффикси *-йор* билан бирга ҳозирги турк тилининг фактидир [Кононов, 1956, 223], лекин бу аффикс XIX аср охири ва XX аср бошларидаги ўзбек вақтли матбуот тилида қўлланган [Турдиалиев, 1969, 36]. Демак, бу шаклни ҳосил қилишда давр вақтли матбуоти тили фактларига асосланган бўлиши мумкин. Бу шаклнинг ҳосил қилинишида кейинги асарида яна бир ноаниқликка йўл қўяди, яъни ҳозирги замон феълини ҳосил қилишда унга асос вазифасини бажарувчи равишдош шакли эмас, балки феъл ўзагига шахс-сон аффиксларини (шу ўринда шахс олмошлари бирикмаси ишлатилган) қўшиш билан ҳосил қилинишини айтади, ҳатто кейинги асарида (Переводчик...) *-а, -й* аффиксли равишдош тўғрисида маълумот бермайди. Афтидан, ўзбек тилида бундай шаклнинг мавжудлигини пайқамаган. Шунга қарамасдан, бундай шаклларга *бараман, барасан, барады; барамыз, барасыз, барадылар* типдаги тусланишни келтиради. Унли билан тугаган феъл асосига равишдош ва шахс-сон аффиксларининг қўшилишида яна чалкашликка йўл қўяди. Унингча, бундай феълда я²¹ аффикси иштирок этади. Унга мисол қилиб *ўқуямэн* сўзини келтиради. Албатта, бу ўринда ҳам ўзбек тилининг хусусияти бузиб кўрсатилган. В. Наливкин ва М. Наливкиналар ҳозирги замон феълининг уч шакли, яъни 1-шаклга: *берамен, берасен, беради; берамиз, берасиз, берадилар* типдаги тусланишни; 2-шаклга *берйатурмен, берйатурсен, берйатур; берйатурмиз, берйатурсиз, берйатурлар* тусланишини (бўлишсиз тусланишига *бермаятур* типдаги), 3-шаклга *берйатубмен, берйатубсен, берйатубди; берйатубмиз, берйатубсиз, берйатубдилар* типдаги тусланишни келтиради. Булардан 1-шакл деб кўрсатган феъл ҳозирги-келаси замон, 2, 3-шакл феъллари эса ҳозирги замон давом феълига мувофиқ келади. Келтирилган *-йатур, -йатуб* аффиксли ва *берамен, берасен* сўз

²¹ Ҳақиқий ҳарфни акс эттира олмадик. Илгари рус графикасида қўлланган. У э (е) ҳарфлари ифода қиладиган товушларга мос келади.

шакллари тил тарихи фактларига мос келади [Abdurahmonov, Shukurov, Mahmudov, 2008, 256], 2-шакл феъллари ўғуз шеваларимизда ҳозир ҳам қўлланишда бор [Ashirboyev, 2016, 75], 3-шаклдаги у унлиси и билан алмаштирилса, ўзбек адабий тили фактларига анча яқинлашган бўларди. Албатта, бу шаклнинг ўзбек тилига мослиги тўла таъминланмагани кўриниб турибди.

И. А. Беляев ҳозирги-келаси замон (настоящее-будущее) феъли деганда (20) *танурман, танурсан танур* типдаги ҳозир келаси замон феъли сифатида қараладиган шаклни келтиради. Аслида бу типдаги феъллар эски ўзбек тилида ҳозирги-келаси замонни ифодалашда қўлланган [Abdurahmonov, Shukurov, Mahmudov, 2008, 260]. Ҳозирги замон феъли деганда фақат ҳозирги-келаси замон шаклини (-а, -й аффисли равишдош +тўлиқ тусловчи) тушунган (36) ва бу шаклда қатнашадиган аффиксларни шахс қўшимчалари (личные окончания) деб юритган.

Н. С. Будзинский ҳозирги замон феълининг қуйидаги турларини кўрсатади: 1) ҳозирги ёки яқин келаси замон феъллари (настоящее, оно же ближайшее будущее). Бунда у ҳозирги-келаси замон феъллини кўзда тутди: *бераман, берасан, берадур; берамиз, берасиз, берадурлар (берадилар)* (67). Бу ҳақда “Ҳозирги замон равишдошидан ҳосил бўладиган феъл шакллари” бобида маълумот берилади; 2) ҳозирги замон истак феъли (настоящее желательное). Бунда у келаси замон мақсад феъллини кўзда тутди: *бормоқчиман, бормоқчисан, бормоқчи; бормоқчимиз, бормоқчисиз, бормоқчилар* (75); 3) ҳозирги замон ҳикоя феъли (настоящее повествовательное). Бу ҳақда: “Ҳозирги замон ҳикоя феъли ҳозиргина эмас, балки у бир қанча вақт илгари бошланган ҳаракатни кўрсатади (75)” ва унга *турмоқ* феъллининг *турубдурман-турубман, турубдурсан-турубсан, турубдур-туруб; турубдурмиз-турубмиз, турубдурсиз-турубсиз, турубдурлар-турублар* сўз шакллари келтирадики, III шахс бирлик ва кўпликдаги тусланиши ўзбек тилининг хусусиятига мос эмас. Қолаверса, бу сўзни аслида етакчи феълдан ажратиб олиб тусланишини бермоқда. Демак, ҳозирги замон ҳикоя феъллининг функционалиги бузилган.

Келаси замон феъллари. М. Терентьев, А. В. Старчевский, В. Наливкин ва М. Наливкина, Т. Қиёсбеков, С. А. Лапин, Л. Афанасьев мазкур замон феъллининг келаси замон сифатдошига шахс-сон аффиксларини қўшиш билан ҳосил қилинишини кўрсатадилар. М. Терентьев, А. В. Старчевский ва В. Наливкинлар

келаси замон феълени келаси замон сифатдошига шахс-сон аффиксларини қўшиш билан ҳосил қилишган. Маълумки, бу типдаги феъллар ўзбек тилшунослигида аниқ ҳозирги замон феъллари деб ҳам юритилган [Сулаймонов, Ҳожиева, Жўраева, 1962, 51], айти ўринда улар шахс-сон аффиксларини *ҳозирги замон белгилари* (знаки) деб номлашган. Уларнинг *-ман, -сан, -ди, -миз, -сиз, -ди*²² аффиксларини ҳозирги замон белгилари деб аташлари тасодифий эмас, балки бу аффиксларнинг ҳозирги замон феълларида иштирок этиши шундай фикрлашга олиб келган бўлиши мумкин.

С. А. Лапин бу шаклга асосий келаси замон (собственно-будущее время) деб қарайди. Т. Қиёсбеков ҳам, унинг *-рман//рсан//р; -рмиз//рсиз//рлар* аффиксларини қўшиш орқали ҳосил қилган. Уларнинг фикрича, бу аффикслар биргаликда шахс аффиксларидир. Албатта, бу янглиш қараш эди. Бу икки муаллифнинг мазкур шакл иштирокидаги келаси замон сифатдошини тилга олмаслиги шу функционал шаклнинг ўзини илғаб етмаганлиги билан изоҳланади. С. А. Лапин бу феълнинг семантик хусусиятини изоҳлаб, унинг ҳаракат бажарилишидаги гумон ва ишончсизлик маъноларини қайд қилган. Кўринадик, юқоридаги муаллифлар келаси замон феълнинг фақат гумон шаклинигина эътиборга олишган.

З. А. Алексеев, Н. С. Будзинский, Н. Остроумовлар келаси замон феълени турлича талқин қилганлар ва тасниф қилганлар. Шу туфайли уларнинг ҳар бирига алдоҳида тўхталамиз. З. А. Алексеев келаси замон феълнинг икки шаклини: 1) келаси замон сифатдоши + шахс-сон аффикси; 2) келаси замон феълнинг тарихий шаклини келтиради (64). Унинг фикрича, *излагайман, излагайсан, излагай; излагаймиз, излагайсиз* шакллари тарихий келаси замонни кўрсатади. Демак, улар бу шаклдан англашиладиган маънони тўғри англай олганлар, чунки тил тарихига оид адабиётларда ҳам бу шакл келаси замон феъли сифатида қаралади [Abdurahmonov, Shukurov, Mahmudov, 2008, 265].

Н. С. Будзинский келаси замон феълнинг икки семантик гуруҳини қайд қилгани: 1) келаси замон истак феъли. (будущее желательное”). Бу феълни *бормоқчи бўлурман, бормоқчи бўлурсан, бормоқчи бўлур; бормоқчи бўлурмиз, бормоқчи бўлурсиз бормоқчи бўлурлар* типдаги келаси замон мақсад феълнинг келаси замон шаклидаги кўмакчи феъл билан келишидан ҳосил қилади. (75). Ҳақиқатан ҳам, мазкур шаклдан истак оттенкаси англашилади; 2) содда келаси замон феъли (простое будущее). Келаси замон

²² Бу аффикслар презентциал шахс қўшимчалари деб ҳам юритилган [Поливанов, 1925, 14].

сифатдоши + орттирма нисбат аффикси + шахс-сон аффикслари билан ҳосил қилинган бу феълнинг тусланиши куйидагича кўрсатилади: *ёндурарман, ёндурарсан, ёндурар, ёндурармиз, ёндурурсиз, ёндурарлар* (80). Бу феълни айти ёринда ҳозирги замон такрорли (настоящее многократное) феъли деб ҳам юритган. Н. Остроумов келаси замон феълени 2 гуруҳга: 1) келаси замон аниқ феъли (будущее определенное); 2) келаси замон гумон феълига (будущее неопределенное) ажратади. Унингча, келаси замон аниқ феъли ҳозирги замон равишдошига шахс кўшимчаларини кўшиш билан ҳосил қилинади: *қиламан, қиласан, қилади, қиламиз, қиласиз, қиладилар*. Демак, гап бизнинг ҳозирги тушунчаларимиздаги ҳозирги-келаси замон феъли ҳақида боради. Бу масалада Н. Остроумовни янглишганликда айблаш, бизнингча, тўғри эмас, чунки бундай шаклда ҳозирги замон маъносинининг мавжудлигини тан олиш қийин ва уни илмий грамматикаларимизда қайта тавсифлашга ҳожат бор. Келаси замон гумон феъли эса келаси замон сифатдошига шахс-сон кўшимчаларини кўшиш билан ҳосил қилинишини маълум қилади. Келаси замон феълнинг бу тури бошқа асарларда ҳам акс этган, лекин Н. Остроумов уни тўғри номлади.

Буйруқ майли. М. Терентьев бундай феълларга нисбатан майл (наклонение) терминини қўлламасдан, фақат “повелительное” деб номлайди, холос, лекин бу майлдаги феълнинг тусланишини келтиради: *барайин, бар, барсун; баралық, баринг, барсунлар* (199). Шунингдек, II шахс кўплигида *барингиз, баринглар* вариантлари ҳам борлигини ҳам айтади.

Буйруқ майлидаги феълнинг тусланиши барча асарларда берилади. Бу ёринда такрорга йўл қўймаслик учун изоҳ талаб ёринларигагина тўхталамиз.

А. В. Старчевский юқорида кўринганидек тусланиш парадигмасини берган, лекин у тавсия этган вариантда II шахсдаги ноль шакл ёрнида *-гил, -гин* аффиксли шакл акс эттирилган. Кўплик шакллариининг тусланишида Хоразм шеваларининг хусусияти кўзга ташланади, яъни I шахс кўплик шакли ҳозирги Хоразм шеваларидаги қўлланиш вариантыга тўғри келади (солиштиринг: Хоразм шеваларида *барали* [Ashirboyev, 2016, 75], Старчевскийда *баралинк (баралиқ)* . Шахс-сон аффиксларининг бу варианты М. Терентьевда ҳам учрайди, лекин унда *-али* эмас, *-алы* варианты қўлланган (199). Маълумки, буйруқ-истак майлининг тарихий шакли *-алық* аффикси билан ҳам ҳосил қилинган [Abdurahmonov, Shukurov, Mahmudov,

2008, 205]. М. Терентьев, А. В. Старчевскийларнинг қўллаган *-алық* аффикси шу жиҳатдан тўғри бўлади, лекин унинг *баралинк* шаклини келтириши ўзбек тили фонетик хусусиятини бузиб кўрсатишдир.

Юқоридаги камчиликларни сўзнинг фонетик вариантларини яхши илғамаслик билан боғлайдиган бўлсак, II шахс кўплигида *боринг* ва *борингиз* шакллари қаторида берилган *борсизлар* шаклини муаллиф хатоси сифатида изоҳлаш мумкин бўлади.

3. А. Алексеевда бу майлнинг II шахсида –*гил//гил//кил//гин//кин* (53), кўпликдаги тусланиши I шахсида –*лук//нук* (*излайлук, кетайнук*) аффикслари қатнашиши кўрсатилган. Маълумки, ўзбек шеваларида бу шаклда бир неча аффикслар қатнашади, жумладан, Тошкент шевасида *-лу*, Наманган шеваларида *-нук* [Ashirboyev, 2016, 48], демак, ушбу шакл унинг назаридан четда қолмабди. В. Наливкин ва М. Наливкиналар буйруқ майли I шахс бирлигида *-айин* ва *-ай* аффиксларини келтиришган (14), *беринг* шаклини ҳам бирлик, ҳам кўplik учун қўллаган, II шахс кўплигида Наманган шаҳар шевасига хос бўлган *беринар* (аслида бу шевада бери:на) шаклини ҳам келтирган [Ashirboyev, 2016, 68]. С. А. Лапин II шахс бирлиги учун феъл асосининг ўзи қатнашишини айтган, I шахс кўплиги учун *-йлик* аффиксини келтирган (20). И. А. Беляев II шахс бирлигида қўлланадиган –*гил//гил//кил//қил* аффиксини (унда аффикс маъносида *бўгин* (слог) сўзи ишлатилган) шу шакл маъносини кучайтиришга хизмат қилишини айтган (62). Маълумки, кейинчалик илмий ишларда бу аффиксларнинг илтимос, ундаш маъносини ифодалаши тўғрисида фикр юритилган [Ҳожиев, 1973, 119]. Демак, буйруқ маъносининг кучсизланиши ҳақида гап боради. Н. Остроумов II шахс бирлигида ноль шаклдан фойдаланмаган, Н. С. Будзинский буйруқ майли феъллини алоҳида ёритмайди, балки тугалланган феълларни изоҳлашда мазкур шаклнинг тусланишини келтиради. Бу тусланишда кўшма феъл мисолга келтирилади: *ухлаб қолайин, ухлаб қол(гин), ухлаб қолсун, ухлаб қолайлик, ухлаб қолингиз, ухлаб қолсунлар*. Бу тусланишнинг III шахсида тил тарихи ва шеваларимизга хос шакл (*-сун* аффиксли) танланганини кўрамыз.

Шарт майли. Бу майл барча асарларда тилга олинади (бундан М. Преображенский мустасно). М. Терентьев уни майл деб номламаган, балки шунчаки “условное” деб атайди, холос. Бошқа асарларда “условное наклонение”, “сослагательное наклонение” деб юритилган. Феълнинг бу майли ҳам замон билдириши ва семантик жиҳатдан тасниф қилинган. 3. Алексеев, С. А. Лапин, И.А. Беляев,

Т. Қиёсбековлар бу майл шаклини *-са* ва унга шахс-сон аффиксларини қўшиш орқали ҳосил қилинишини кўрсатадилар, холос.

М. Терентьев феъл асосига *-са* аффикси (шахс-сон аффикси билан бирга) қўшилиши шарт феъллини ҳосил қилиши, III шахсда бу аффиксдан бошқа аффикслар қатнашмаслиги ҳамда кўплигида *-лар* аффикси келишини айтади (200). М. Терентьев ўтган-келаси замон шарт феъллини истак феълли (желательное) ичида беради. Унинг *борсам иди, борсанг иди* каби (ундаги фонетик камчиликдан қатъи назар) шакллари ва *барсамды, барсангды, барсады* каби тарихий тусланишни ҳам келтирадилар [Shukurov, 1974, 71]. А. В. Старчевский шарт майлидаги феълнинг (уни “сослагательное наклонение” деб атайдиган) 3 маъно турини кўрсатган: 1) ҳозирги замон аниқ шарт майли. Бунга ушбу тусланиш келтирилган: *барир исам, барир исанг, барир иса; барир исамиз, барир исангиз, барир исалар*; 2) ҳозирги замон ноаниқ шарт феълли. Бундай феълга *барсам, барсанг, барса; барсак, барсангиз, барсалар* типидagi тусланиш келтирилган; 3) тугалланган ўтган замон шарт феълли (прошедшее совершенное) бундай феълга *барса идэм, барса идинг, барса иди* каби мисоллар келтирилади. Бу тавсия этилган шарт феълларидан *барир исам* каби қўлланиш шакл жиҳатдан ўзбек тили тарихига оиддир. Тўғри, биз фақат *истар эсанг* шаклини тадқиқотларда учратдик [Shukurov, 1974, 76]. 2, 3-бандда кўрсатилган шакллар (ундаги фонетик ноаниқликларни ҳисобга олмаганда) ҳозир ҳам қўлланади, чунки улардан биринчиси келаси замон шарт-истак феълли, иккинчиси эса ўтган-келаси замон [Мирзаев, Усмонов, Расулов, 1972, 154] шарт феъллига мувофиқ келади. Кейинги асарида (Переводчик...141) эса шарт майли ҳозирги замон (*барсам* типидagi), тугалланган ўтган замон (*берган бўлсам* типидagi) ва келаси замон (*барар идэм* типидagi, у ўзбек тили хусусиятини акс эттирмайди) феълли каби тасниф қилинган.

В. Наливкин ва М. Наливкиналар ҳам шарт феъллининг 3 турини кўрсатади: 1) ҳозирги замон шарт феълли. Бунга ўтган замон шарт феълли деб номланган шакл келтирилади: *берсам, берсанг*; 2) ўтган замон шарт феълли. Бунга *берган бўлсам, берган бўлсанг, берган бўлса; берган бўлсак, берган бўлсангиз, берган бўлсалар* каби тусланиш келтирилади; 3) келаси замон шарт феълли. Бундай феъл учун ўтган замон давом феълли (аниқлик майли) келтирилади: *берар эдим, берар эдинг, берар эди* ва ҳ.к. Кўринадиги, 1- ва 3-бандда

кўрсатилан шакллар нотўғри номланган ва 3-бандаги феъллар янглиш эди. Бу шаклларнинг 1- ва 3-турлари В. Наливкиннинг кейинги асарида (96) ва Л. Афанасьев асарида (30) ҳам тилга олинган, лекин ҳозирги замон шарт феъли дейиш билан бирга, қавс ичида “будущее” деб ҳам ёзиб қўйилган. Демак, у ўз фикрида изчил эмас.

Н. Остроумов шарт майлининг замон турларига тўғри ёндашади. *У борсам, борсанг, борса; борсак, борсангиз, борсалар* типигаги шарт феълларини келаси замонда содир бўладиган ҳаракат ва ҳолатни ифодалайди дейди (89). *Ўқуғон бўлсам* типигаги феъллар ўтган замон шарт феъли эканлигини уқтирган. Шунингдек, ўтган-келаси замон шарт феъли ҳақида ҳам маълумот берган, лекин унга махсус ном қўймаган, балки *-са* аффиксини олган феълнинг *эрди* тўлиқсиз феъли билан келган шаклини қайд қилади, лекин унинг тусланиши кўрсатилмайди.

Бу даврдаги асарларда юқоридаги майллардан ташқари “сослагательное наклонение” термини билан алоҳида майл ажратилган. Бу майл ҳақида А. В. Старчевский (21), В. Наливкин (100), Т. Қиёсбеков (30) ва Л. Афанасьевлар (34) хабар берадилар. Улар бу майлнинг *ёзар идим, ёзар идинг, ёзар иди, ёзар идук, ёзар идингиз, ёзар идилар* (Л. Афанасьевда эди) каби шаклланишини кўрсатганлар. Кўриниб турибдики, улар бу шаклнинг табиатини белгилаб бера олмаганлар.

Феълларда тус категорияси. Феъллардаги тус (вид) категорияси ҳақида бу давр асарларида хабарлар учрайди. Шу муносабат билан ўзбек тили, умуман, туркий тиллар учун мазкур категория хосми ёки йўқми деган масалага тўхталиб ўтишга тўғри келади. Маълумки, бу масала бўйича мунозаралар ўзбек тилшунослигида тўхтаганга ўхшайди, лекин яқин ўтмишимизда бу ҳақда фикрлар билдирилган. Рус тилига хос бўлган бу категориянинг ўзбек тилида амал қилмаслиги тўғрисида ишончли фикрлар бор [Ҳожиёв, 1966, 199]. Унинг ўзбек тилидаги хусусияти С. Усмонов томонидан қуйидагича изоҳланади: “Феълнинг модал-тус формалари иш-ҳаракатнинг бажарилиши характерини, унинг қай йўсинда (кучли, кучсиз. такрорланиб, бирдан) бажарилиши каби модал муносабатларни, иш-ҳаракатнинг тугалланганлиги ё давомлилиги каби тусга (видга) хос хусусиятларни ифодалайди. Бошқача айтганда, модал-тус шакллари бошқа системадаги тилларда мавжуд бўлган алоҳида тус (вид) формаларига хос бўлган маъноларни эслатадиган, аммо тамомила у билан бир хил бўлмаган иш-ҳаракатнинг тугалланганлиги (*ўқиб*

чиқди) ёки давомлилиги (демак, ҳали тугалланмаганлиги) маъноларини (*ўқиб турибди*) билдиради [Усмонов, 1964, 153]”. Маълум бўладики, тус категорияси ўзбек тили учун характерли эмас, лекин шунга яқин маъноларни ўзбек тилида ҳам ифодалаш ва номлаш имконияти ҳам йўқ эмас. Бундай маъноларни ифодалашда “феълнинг модал-тус шакллари” [Мирзаев, Усмонов, Расулов, 1972, 121], “Ҳаракатнинг характеристикасини кўрсатувчи ва модал маъно ифодаловчи формалар” [Ҳозирги ўзбек адабий тили, 1980, 380] тўғрисида фикр юритиладиган бўлиб қолди, кейинги номланиш бошқа адабиётларда айнан такрорланган ҳам [Sarayev, 2009, 231].

Ўрганилаётган давр асарларида тус (вид) термини дастлаб З. А. Алексеев асарида тилга олинади (48), лекин улар бу терминни орттирма нисбатга нисбатан қўлладилар. Наливкинлар етакчи ва кўмакчи феълдан ташкил топган аналитик шаклдаги феълларнинг тус маъносини ифодалашини айтганлар (17). Бу кўмакчи феъллар қуйидагилар: *қўймоқ, бермоқ, олмоқ, кетмоқ, қолмоқ*. Бунда етакчи феъл равишдош шаклида (унинг қайси замон равишдоши эканлигини кўрсатишмайди), кўмакчи феълнинг эса тусланган шаклда бўлишини уқтирган. Кўрсатилган кўмакчи феъллардан фақат *олмоқ* феълининг маъносини очиқлайди, яъни ҳаракат бажарилишидаги имконият ва уни амалга ошира олиш ҳамда ошира олмаслик маъносини билдириши айтилади.

С. А. Лапин, Т. Қиёсбеков, В. Наливкин, А. С. Будзинский асарларида феълнинг тус шакллари анчагина мураккаблаштирилади. Улар тугалланган, тугалланмаган, ҳаракат бир марта бажарилган, давомли ва такрорли тусларини кўрсатади.

Тугалланмаган тус (несовершенный вид). Феълнинг бу тусига С. А. Лапин шундай таъриф беради: “Дастлабки шаклдаги (первоначальная форма) барча феъллар тугалланмаган тусда бўлади, яъни тугалланмаган ва ниҳоясига етмаган ҳаракатни англатади (29)”. Бу таърифдаги дастлабки шакл деган терминга изоҳ бермаган, лекин унга *қиламан* сўзини мисолга келтиради ва ундаги ҳаракатни *қиялман ва кейин ҳам қиламан* маъносини билдиришини айтган. Т. Қиёсбеков бу тусдаги феъл учун ҳаракат номининг яққол мисол бўлишини айтади (31), Н. С. Будзинский ҳаракат номини дастлабки шакл (первоначальная форма) (87) ва тугалланмаган тус деб юритган.

Тугалланган тус (“совершенный вид”). С. А. Лапин, Т. Қиёсбеков, Л. Афанасьевлар унинг тугалланган ҳаракатни билдиришини қайд қиладилар. С. А. Лапин бу феълнинг етакчи ва

кўмакчи феълдан ҳосил бўлишини кўрсатади ва кўмакчи феъл учун *қўймоқ* ва *қолмоқ* феълларини олади (30). Бунда *қўймоқ* феъли аниқ нисбатдаги етакчи феъл билан, *қолмоқ* феъли эса мажҳуллик ва биргалик нисбатидаги етакчи феъл билан қўлланишини айтган, лекин унинг бу фикри исботланмаган. Фақат етакчи феъл ўтган замон равишдошининг бўлишли шаклида келишини ҳамда фақат кўмакчи феългина тусланишини кўрсатган. Бундан ташқари, тугалланган туснинг ҳозирги замони бўлмаслигини ҳам таъкидлайди. Албатта, бу фикр рус тилидаги ҳозирги замон феълларининг тугалланган тусга эга бўлмаслиги қонидасидан келиб чиққан.

В. Наливкин тугалланган туснинг ўтган замон равишдоши ва кўмакчи феъллардан ҳосил қилиниши ва турли модал маъноларни англатишда аниқ нисбатдаги етакчи феъл билан *қўймоқ*, бошқа нисбатларда *қолмоқ*, *кетмоқ* кўмакчи феъллари қўлланиши тўғрисида фикр юритган. (113). Шунингдек, аниқлик нисбатдаги етакчи феъл билан қўлланган бошқа кўмакчи феъллар эса қуйидагича бўлишини тавсифлайди: а) агар ҳаракатни шахс ўзи бажарган бўлса, *олмоқ* (*тикиб олди*); б) агар ҳаракат бошқалар учун бажарилган бўлса, *бермак* (*тикиб берди*); в) ҳаракатнинг йўналиши кўрсатилса, *кетмак* (*еб кетти*); г) агар ҳаракатнинг моддий натижаси (вещественный результат) ташлаб юборилса, *ташламоқ*, *юбормоқ* (*улоқтириб ташлади*, *бериб юборди*) кўмакчи феъллари келтирилиши айтилган. Изоҳлардаги айрим кучсиз ифодалардан қатъи назар, кўмакчи феълларнинг модал маъноларини тўғри илғай олганлиги эътиборлидир. В. Наливкиннинг бу фикри Т. Қиёсбеков (30), Н. С. Будзинскийлар (87) томонидан қабул қилинган.

Бир карра тус (однократный вид). Бу тусни С. А. Лапин, Т. Қиёсбеков ва Н. С. Будзинскийлар тилга оладилар. С. А. Лапин бу феъл учун ўтган замон ҳикоя феълининг аналитик шаклини олади, бироқ уни нима учун шундай номлаганлигини изоҳламайди (33). Т. Қиёсбеков эса бу шаклни тушунтиришга ҳаракат қилади (31) ва бу тус бир марта бажарилган ҳаракатни билдиришини айтади ҳамда ўтган замон аниқ феълини ифодалайдиган (*борди*, *ташлади*) феъллар шу тусни ҳам англатади, деб кўрсатади. Н. С. Будзинский Т. Қиёсбековнинг фикрини такрорлагани ҳолда, бу тусни ифодалайдиган феълга мисол келтиришда С. А. Лапинга эргашади ва ўтган замон (ўтган замон равишдоши + эди) ҳикоя феълининг шу тусни ифодалаш учун хизмат қилишини кўрсатади.

Такрорли тус (многократный вид). С. А. Лапин ўтган замон давом феълини бу тусни ифодалаш учун келтирган: *борар эдим, борар эдинг* ва бу феъл бир ҳаракатнинг бир неча бор такрорлашини ўзбек тилига таржима қилинган мисоллар орқали тушунтиришга ҳаракат қилган (33). Бу тусни В. Наливкин (117), Н. С. Будзинский (92) одатда тез-тез ва ҳамма вақт юз берадиган ҳаракатни билдириши ва унинг икки замони ҳақида фикр юритишган: ҳозирги замон такрорли тус учун келаси замон гумон феълини, ўтган замон такрорли тус учун ўтган замон ҳикоя феълини олишган. Т. Қиёсбеков бу тус бажарилаётган ва бир неча марта бажарилган ҳаракатни ифодалайди, деб ҳисоблайди. У ҳам бу туснинг ўтган ва ҳозирги замони мавжудлигини айтади, лекин уни асослашга интирмайди, фақат *Сарбаз шанба кунларида базарга барур, барур иди* жумласини кетиради, холос. Бу ўринда фикр *барур иди* (борар эди) шаклига қаратилиши лозим эди.

Давомли тус (продолжительный вид). С. А. Лапин (34) ва Т. Қиёсбековлар (31) ҳаракатнинг тўхтовсиз давом этишини билдиради, дейдилар. В. Наливкин давом этган ва давом этаётган ҳаракатни англатишини айтади. (120). Бу фикрни Н. С. Будзинский ҳам такрорлайди (93). Бу фикрларда умумийлик йўқ эмас, лекин бу шаклнинг ҳосил қилинишида ранг-баранглик кузатилади. С. А. Лапин бу тусни ҳозирги замон сифатдоши ва *бер* кўмакчи феълидан ҳосил қилади: *қила бермак, ўқий бер*. В. Наливкин бу туснинг куйидаги турларини кўрсатади:

а) давомли туснинг ҳозирги замон шакли (настоящее время продолжительного вида). Бу тусни етакчи ва кўмакчи феълдан ҳосил қилади. Унингча, бу шакл етакчи феълнинг ҳозирги замон равишдоши ва кўмакчи феълнинг ўтган замон равишдоши шаклидаги тусланишидан ҳосил бўлади. Кўмакчи феълнинг бу шаклини у равишдошли ҳозирги замон (деепричастное настоящее время) деб номлайди. В. Наливкин давомли тусда *ётмоқ (ётибдур), турмоқ, ўтирмоқ, юрмоқ* кўмакчи феъллари қатнашишини кўрсатади; б) давомли туснинг ўтган замон шакли. (прошедшее время продолжительного вида). Бундай шаклни ўтган замон равишдоши + кўмакчи феълнинг ўтган замон сифатдоши шакли + *эди* тўлиқсиз феълидан ҳосил қилган: *ёғиб турган эди, учиб бораётган эди*. Унинг қисқарган шаклини эса ўтган замон равишдоши + кўмакчи феълнинг ўтган замон аниқ феълидан ҳосил қилган: *ёғиб турди, сузиб юрди*, шунингдек, давомли туснинг бу шакли учун *ўтирмоқ, турмоқ, ётмоқ*

ва *юрмоқ* кўмакчи феълларининг қўлланишини таъкидлайди; в) давомли туснинг равишдош шакли. (“деепричастная форма продолжительного вида”). Давомли туснинг бу тури, унинг кўрсатишича, ҳозирги (ёки ўтган замон) равишдоши + кўмакчи феълнинг ўтган замон сифатдоши + эгалик аффикслари + ўрин-пайт келишиги аффиксларидан ташкил топади. Кўмакчи феъл учун юқорида эслатилган феъллар қатнашишини маълум қилади: *кела ётганимда, тармашиб турганимизда, қайтиб кетаётганимизда*. Бундай таркибда ўрин-пайт келишигидаги сўз шаклининг келтирилиши бу феълнинг ушбу тизимдан чиқиб кетишига хизмат қилиши эътибордан четда қолади. В. Наливкин давомли туснинг турларини санаш пайтида унинг сифатдош шакли мавжудлигини кўрсатган эди, бу шакл Н. С. Будзинский томонидан ҳам такрорланади (93), лекин унга қўшимча қилиб, бу туснинг Тошкент шевасидаги тусланишини келтирган. Ҳозирги замон давомли тусга *борвотман, борвотсан, борвотти; борвотмиз, борвотсиз, борвотдилар*; ўтган замонида эса *борвотудим, борвотудинг, борвотуди* типигаги мисоллар берилган. Албатта, бу мисоллар Тошкент шевасининг айнан эмас, балки унга хос бўлган асосий хусусиятини ифода қилган деб тушуниш маъқул бўлади (бу тўғрида аввалги саҳифаларда ҳам фикр билдирилди). Шунингдек, у В. Наливкин тилга олмаган давомли феълнинг сифатдош шаклига изоҳ беради. Унингча, бу шакл равишдош + сифатдошдан (у кўмакчи феълнинг сифатдош шаклини кўзда тутди) ҳосил қилинади, бироқ равишдош ҳам, сифатдош ҳам қайси замон шаклида қўлланишини айтмайди ва фақат *боғда ўйнаб юрган бола уйга кирди* гапини келтиради, холос. Бунда *ўйнаб юрган* феъли кўзда тутилгани маълум. Т. Қиёсбеков мазкур туснинг ҳосил қилиниши ҳақида фикр юритмайди, балки унга *бара ятубдур, сарбаз милтиқни тозалаб турубдур* каби мисолларни келтириш билан чегараланади (31). Л. Афанасьев эса бўлишли шаклни “положительный вид”, бўлишсиз шаклни “отрицательный вид” деб атайди (38). Бу эса жуда асоссиз айтилган фикрдир. Хуллас, бу даврдаги асарларда ўзбек тилидаги тус (вид) категорияси қанчалик изоҳланмасин, барибир, ўзининг илмий асосига эга бўла олмади.

Феълнинг бўлишсиз шакли ҳақида. Кўпчилик асарларда *-ма* аффикси қўшилган феъл шакли “отрицательная форма” дейилган. Фақат Л. Афанасьевгина уни “отрицательный вид” деган термин билан атайди, унингча, *-ма* аффикси *-мас* аффиксининг қисқарган

шакли, яъни у *бермаган* ва *берганмас* феълларининг иккинчисидagi -мас қисқариб, -ма шаклига келган. Маълум бўладики, у -мас формантининг эмас тўлиқсиз феълининг қисқарган варианты эканлигини билмаган. Бу фикр ўз вақтида А. Самойлович томонидан танқид қилинган эди [Самойлович, ЗВОИРАО, 18,195].

Мураккаб феъллар ҳақида. Биз таҳлил қилаётган аксарият асарларда мураккаб феъллар (сложные глаголы) тилга олинмайди, лекин баъзи маълумотлар мавжуд. А. В. Старчевский, Л. Афанасьев, Н. С. Будзинскийлар бундай феъллар ҳақида фикр юритдилар. А. В. Старчевский мураккаб феълларни етакчи ва кўмакчи феъллардан ҳосил қилади ва, шу билан бирга, *онт ичмоқ* типидagi мураккаб феъллар мавжудлигини ҳам кўрсатган ҳамда уни биринчисидан фарқлаган ҳолда, таркибли (составли) феъл деб юритган (18). Л. Афанасьев бундай феълларга феъл ясалиши бобида тўхталган, лекин уни махсус ном билан атамаган (41). Бу феълга келтирган айрим мисоллари ўзбек тили учун характерли эмас, масалан, *масхара бераман, масхара қиламан, масхара оламан*. Кўринадики, булардан фақат иккинчисигина ўзбек тилига хос. Н. С. Будзинский бу мавзуга махсус тўхталиб, унинг уч типини кўрсатади: а) мавҳум от + феъл: *куч бермоқ, ўт қўймоқ, озор қилмоқ, хабар олди*; б) ўтган замон равишдоши + феъл: *олиб келмоқ, олиб кетмоқ, сотиб олмоқ*. Бу феъллар таркибидаги ҳар бир феъл ўз мустақил маъносини сақлаган. Бундай феъллар кейинги даврларда ҳам мураккаб феълларнинг иккинчи типи деб юритилган [Мирзаев, Усмонов, Расулов, 1972, 156]; в) сифат + феъл: *хурсанд қилмоқ, хафа бўлмоқ* (97). Демак, бу тасниф муайян даражада илмий аҳамиятга молик эди. Бошқа асарларда кўмакчи феъл ёки тус шакллари изохлашда етакчи ва кўмакчи феълдан ташкил топган шакл тилга олинган, лекин улар алоҳида ҳодиса сифатида ажратилмаган.

Равиш. М. Терентьев бу сўз туркумининг хусусияти тўғрисида эмас, унинг тўғридан-тўғри маъно турларини изохлашга ўтади (180). В. Наливкин ва М. Наливкиналар бу туркум номини санаб ўтишган, холос (19). В. Наливкин: “Нисбий олмошлар ва равиш сарт тилида йўқ. Улар (рус тилидан - А. С.) сарт тилига сифатдош орқали берилади” (98),- деб унинг ўзбек тилида йўқлигини айтса ҳам, равишдошнинг ясалишига берилиб кеишади. И. А. Беляев эса бир ўриндагина сифат ва равишларнинг даражаси ҳақида маълумот беришда равиш (наречие) сўзини тилга олади. Шунда ҳам фақат -роқ аффиксининг сифатга қўшилган мисолини келтиради (46).

А. В. Старчевский, Т. Қиёсбеков, Л. Афанасьевлар равишни алоҳида сўз туркуми сифатида ажратишган. Шундан А. В. Старчевский равишларнинг ясалиши (16), Т. Қиёсбеков равишларнинг бир грамматик хусусияти – сўз ўзгариш шаклининг йўқлиги (37), Л. Афанасьев рус тилидаги равишларнинг ўзбек тилида берилишига (45) тўхталган, холос. М. Терентьев ва Н. С. Будзинскийлар равишнинг маъно турларини санаб ўтганлар, холос.

Равишнинг таърифи масаласи. Равишга дастлаб З. А. Алексеев таъриф берган: “Равишлар сифат ва феъл олдида келиб, ундан англашиладиган белги ва ҳаракатнинг ҳолатини билдиради (44)”. Бу таърифда равишнинг семантик хусусияти очилган, яъни феъл ифодалаган ҳаракатнинг белгиси, пайтини; сифат ифодалаган белгининг белгисини билдириши акс этган, лекин унинг: “Сарт тилида туб равишлар йўқ” дейиши ўзбек тилидаги равишлар фақат ясама равиш бўлган, деган маънони англашиб қўяди, ваҳоланки, унинг равишларга келтирган мисоллари ичида *ҳали*, *кейин* каби туб равишлар ҳам бор. Демак, унинг юқоридаги фикри асосли бўлган эмас. Равишнинг семантик хусусияти Н. Остроумовда ёрқин ўз ифодасини топди. У шундай дейди: “Равишлар феъл олдида келувчи сўз бўлиб, ҳаракат ва ҳолатнинг қай тарзда бажарилишини кўрсатади (41)”. Бу таърифда феълнинг белгисини билдириши эътиборга олинган, сифатнинг белгиси эътироф қилинмайди. Равишнинг грамматик хусусиятини С. А. Лапин илғай олган. У равишдаги сўз ўзгариш тизимининг йўқлигини қайд қилган. Равишнинг бу хусусияти Т. Қиёсбеков томонидан ҳам қабул қилинган.

Равишнинг маъно турлари. Баъзи муаллифлар равишни маъно турларга ажратмайдилар, жумладан, Т. Қиёсбеков сарт тилида равишлар кўп эканлигини таъкидлайди ва *аз*, *азгина*, *куб*, *джуда*, *тез*, *кич (кеч?)*, *узақ*, *яқин*, *гундуз*, *кеча* (вчера) сўзларини келтиради, холос, бошқаларида маъно турлари саналгани ва мисоллар келтирилган.

Ҳолат равиши. Равишнинг бу тури М. Терентьев, З. А. Алексеев, Н. Остроумов томонидан фарқланади. Равишнинг бу турини М. Терентьев белги равиши (нарекче качество) деб номлайди, Уни тушуниши ҳам шу сўз маъносига монанд. Унингча, ҳар қандай сифат от билан бирга қўлланмаганда равишга ўтказилади ва унга *қўлим очиқ*, *юзим оқ*, *яхши (якиши)*, *хуб* сўзларини мисолга келтиради (!80). Демак, у сифат туркумига хос сўзлар семантикасини сўзларнинг

гап тузилмасидаги вазифаси билан чалкаштиради. У, шунингдек, ҳолат равиши (наречие образа)ни тилга олиб, унга мисоллар беради, лекин бу мисолларнинг аксрияти равишга алоқадор эмас, жумладан, *қанақа, неча, баробар* ва бошқалар (182). Н. Остроумов равишнинг бу турини ҳолат равиши (обстоятельственные наречия) термини билан атади. Уларнинг равишга келтирган мисоллари ҳозирги кунда шу типдаги сўзларнинг равишга киришини ўйлаб кўришга даъват қилади, яъни *баробар, шунақа, мунақа, бошқача, бўлакча, ўшандоқ, бирдан, оҳиста-оҳиста, бирдек, янгидан, бошдан* сўзларини равиш деб қараш учун асослар топилади. Равиш мисоллари масаласида муаммолар борлиги тилшунослигимизда баъзан эътироф этилган. М. Асқарова кўрсатиш олмошларини тадқиқ қилар экан, *шунақа, мунақа, ўшандоқ* сўзларини ҳам сифат, ҳам равиш характерида ишлатилиши ҳақида фикр юритади [Асқарова, 1970, 48]. Бу муаммо ҳозир ҳам йўқ эмас. Шунингдек, ҳолат равишига келтирган сўзларида *қандай, қанақа, неча, нечук, қандоғ, ни (не, бу олмош нима маъносида қўлланган), нимага* олмошлари, *бўлак* (бошқа маъносида), *бошқа* кўмакчилари, *ҳа, ана, мана*²³ ундовлари, *масалан, дуруст, йўқ* модал сўзлари бор. Бу ҳол З. А. Алексеевда ҳам такрорланади (45) У равишнинг бу турига *мундоқ, шундоқ, андоқ, ўшандоқ, мундақа* каби ҳолат равишлари билан *бирга, кўп, жуда* сингари микдор равишларини, *қандоқ, қалай* каби сўроқ олмошларини ва *айниқса* модал сўзини ҳам келтирган. Кўринадики, юқоридаги муаллифлар равишнинг назарий асосларини яхши эгалламаганлиги учун ҳам унга мисол танлашда жиддий хатоларга йўл қўйганлар.

Н. Остроумовнинг ҳолат равишини тушуниши ўзига хосдир, яъни у ҳолат равиши ҳаракат ва ҳолатнинг ўрни ҳамда пайтини кўрсатади (100), деган жумлани келтиради. Бу равишларнинг маъно турларини тасниф қилишдаги эксклюзив ёндашув бўлган, чунки кейинчалик А. Н. Кононов ҳам шундай йўл тутган эди [Кононов, 1960, 294], лекин Н. Остроумов ўрин ва пайт равишларини ҳолат равиши сарлавҳаси остида берса ҳам, уларни алоҳида-алоҳида изоҳлаган.

Пайт равиши. М. Терентьев, З. А. Алексеев, Н. С. Будзинский ва Н. Остроумовлар равишнинг бу турини фарқлайдилар, лекин улар равишнинг бу турига мисоллар келтириш билан чегараланадилар.

²³ **Ана, мана** сўзлари тишунослигимизда ҳамон кўрсатиш олмоши сифатида тақдим этиб келинмоқда. Бу сўзлар кўрсатиш олмошлари талабларига грамматик жиҳатдан жавоб бера олмайди.

М. Терентьев пайт равишларига (186) тубандаги сўзларни келтирган: *қачон, қай маҳал, ҳар вақт, ҳар замон, ҳеч вақт, ҳеч қачон, кеч, кечаси, бугун, тун-кун, индин, ҳозир, олдин, сийрак, аввал, бурун, шул вақтгача, тунда, тез, дарров, оҳиста, аввалдан*. Шу билан бирга, пайт равишига *тунда, билан бирга* (вместе маъносида), *зиш* (бу сўзни “частро” маъносида қўлланади деб айтади), *сийрак, дарров, чаққон, оҳиста, тез* сўзларини хато келтиради ва пайт равишига *тунда, кун чиқар, кун ботиш, тўлиқ ой* каби сўз шакллари хам келтирадики, уларни пайт равиши ҳисоблаши, эҳтимол, уларнинг гапда кўпинча ҳол бўлаги бўлиб келиши билан боғлиқ бўлиши мумкин.

З. А. Алексеевнинг пайт равишига келтирган мисоллари жуда ўринлидир: *бугун, эртага, холо* (ҳали, унинг сўзлашув тилига хослиги айтилади), *бурун, илгари, кейин, сўнгра, дарҳол* (44).

Н. С. Будзинскийнинг (102), пайт равишларига келтирган сўзлари ичида пайт равишлари ва унга алоқадор бўлмаган сўзлар хам бор, жумладан, пайт мазмунли бирикмалар: *бу замонда, шу вақтда, бундан нари, ул вақтда, кўп вақт бўлди, кўндан бери* ва ҳ.к. ҳамда равишнинг бошқа маъно турларига алоқадор сўзлар: *яна, тез, дарров* ва бошқалар.

Ўрин равиши. М. Терентьев равишларнинг аввалги маъно турларида учрагани каби ўрин равиши маъносига яқин бўлган (синтактик функцияси жиҳатдан) сўз ва ибораларни мазкур турга киритиб юборган. Улардан фақат *мунда, шу ерда, ҳар ерда, нарироқ, ўнгда, юқориқоқ, ҳеч ерда, олда* (олдинда маъносида), *илгари, кейин, узоқда, чанда, пастка* сингари сўзлари тўғри келтирган. Бошқалари эса от, сифат, феъл каби сўз туркумига оиддир. Шунингдек, у мураккаб ўрин равишлари (сложные наречия места) ҳақида хам маълумот беради, бироқ унинг мураккаб равишларни тушуниши ўзига хос бўлиб, уни от ва кўмакчидан таркиб топиши (188) айтилади, лекин унга мисол сифатида III шахс эгалик аффиксларини олган *ўрта, юқори, қуйи, атроф* сўзларини келтиради. Бундай ёндашув Н. С. Будзинскийда ҳам учрайди. Унинг ўрин равишига келтирган мисоллари ичида *олдига, орқасида, кетида, ортида, кейинида, ёнида, атрофида, тепасида, тагида, остида* каби кўмакчи отлар, *олис, тўғри, узоқ, кўндаланг* каби сифатлар мавжуд (102).

З. А. Алексеев *бу ерда/бу ёгда, шу ерда/шу ёгда, ўша ерда/у ерда/ўша ёгда, бу ерга/бу ёғқа, шу ерга/шу ёғқа, бу ердин/бу ёгдин, бу ергача/буёғқача, олдидида, олдидин, олдига* (44) каби сўз шакллари; Н. Остроумов *мунда,*

анда, шунда, бери, мундин, ундин, олдин, ортидин, рўбарў, тубанда, юқорда, ҳеч қайда (100) сўзларини келтиради.

Микдор равиши М. Терентьев, З. А. Алексеев, Н. Остроумов, Н. С. Будзинскийлар томонидан тилга олинади, фақат З. А. Алексеев уни сон равиши “наречие числительное” деб номлайди. М. Терентьев бу равишни “наречие количества” (181) деб юритади ва унга келтирган сўзлари ичида *бунча*, *мунча* (*бунча* сўзининг диалектал ва тарихий варианты эканлигини ҳисобга олмаган), *анча*, *ўшанча*, *оз*, *яна* каби микдор равишлари билан бирга *қанча*, *нечта* сўроқ олмошлари; *ёлғиз ўзи ўзлик* олмоши; *жами*, *бутун* (унинг “целый” маъносини эътиборга олган) отлари ҳам бор. З. А. Алексеев ҳозирги маънодаги микдор равишларини эътироф этмайди. У микдор (“числительное”) равишларини сонни феъл олдидан келтириш ва *дафъа*, *сафар*, *марта*, *йўл* (марта маъносида) сўзлари сон билан бирликда мазкур равишни юзага келтиради деб ҳисоблайди (44). Н. С. Будзинский томонидан микдор равишларига *фақат*, *холос* сўзларининг келтиришини эътиборсиз қолдирсак, мисоллар тўғри танланган, Н. Остроумов ҳам мисолларни тўғри келтиради, лекин унда *-гина* аффикси микдор равиши деган қараш учрайди. Буни тасодифий деб қараш ҳам мумкин эди, лекин бу аффиксга нисбатан равиш ясовчи сифатида ҳам қаралганини [Кононов, 1960, 282] ҳисобга олсак, Н. Остроумов қайсидир анъаналарга асосланиб, шундай фикр юритганини ҳис қилиш мумкин бўлади. Ҳозирги дарслик ва қўлланмаларимизда микдор равишлари унинг бир тури сифатида қаралмоқда. Ҳатто, равишнинг бу тури инкор қилинган ҳам [Ҳозирги ўзбек адабий тили, 1980, 403]

Шунингдек, бу давр ўзбек тили грамматик қурилишига доир асарларда тасдиқ, сўроқ, белги, инкор равишлари ҳақида маълумот берилади. М. Терентьевнинг белги равиши ҳақидаги фикри юқорида таҳлил қилинди. З. А. Алексеев: “Феъл ёки сифатларни аниқлаб келган барча сифатлар белги равишлари бўлиши мумкин” (45), - деб, М. Терентьевнинг фикрини такрорлайди ҳам. Мазкур таъриф сўз ҳолат равишлари ҳақида боришини эслатади, чунки иш-ҳаракарнинг қай тарзда бориши ва сифатнинг микдорини кўрсатиши, З. А. Алексеев сўзи билан айтганда, “феълни ва сифатни аниқлаб келиш” маъноси ҳолат равишининг асосий семантик хусусиятларидан биридир. Бу жиҳатдан унинг фикри бир томондан тўғри, афсуски, у исботсиз қолган, фақат *яхши битди* (ёзди) мисолини келтириш билан чегараланади. Бу фикр кейинроқ С. А. Лапиннинг “... ҳар қандай

сифатни феъл олдидан келтириш равишдир”, (47) - деган гапни айтишга асос бўлган. А. Лапин ва Н. С. Будзинскийлар белги равишларининг даража кўрсаткичларига эга бўлиши ва унинг сифат олдидан *куб* ва *джуда* сўзларини келтириш билан ҳосил қилиниши тўғрисида фикр юритишган. Маълум бўладики, бу ерда равишнинг эмас, сифатнинг даражаси ҳақида гап бормоқда. Белги равишлари, Н. Остроумовнинг фикрича, сифатлардан фарқлаб турувчи махсус аффиксга эга эмас, шунинг учун ҳам бундай сўзларнинг сифатми ёки равишми эканлигини унинг гапдаги ўрнидангина аниқлаш мумкин. Албатта, бу фикрнинг айтилишини тасодифий деб бўлмайди, чунки ўзбек тилида айрим сўзлар борки, уларнинг семантик хусусиятлари сифатга ҳам, равишга ҳам мос келади (*яхши китоб*, *яхши ишлади*). Шу билан бирга, сўзнинг қайси туркумга оидлигини унинг синтактик позициясига қараб белгилаш кераклиги ҳақидаги фикрларини ҳам қувватлаш мумкин, чунки сўзларни семантик-грамматик гуруҳларга ажратишда уларнинг синтактик позицияси ҳам ҳисобга олиниши назариядан маълум.

Н. С. Будзинский ва Н. Остроумовлар сўроқ олмошларини ҳеч қандай изоҳ ва исботларсиз *сўроқ равишлари* деб қараганлар. Шунингдек, Н. С. Будзинский тасдиқ равиши (наречие утверждения) (100), Н. Остроумов эса тасдиқ ва олқишлов равишларини (наречие утверждения и одобрения) тилга олишган. Бунда Н. С. Будзинский келтирган мисоллар ичида ҳолат, пайт, миқдор равишлари, сифат ва феъл туркумига оид сўзлар бор. Н. Остроумов эса *ундоқ*, *мундоқ*, *андоқ* сўзлари (аслида улар олмошлардан ясалган сифатлардир) билан бирга, бу тип равишларга *лозим*, *керак*, *майли* модал сўзларини, *балли*, *бас* ундовларини тасдиқ ва ундов равишлари сифатида келтирган(101).

З. А. Алексеев, Н. Остроумов инкор равиши (отрицательное наречие) тўғрисида маълумот беришган. Шундан З. А. Алексеев рус тилидаги инкор юкламасининг ўзбек тилида берилиши тўғрисида фикр юритса (45), Н. Остроумов *асло* (бу сўз асарда *асро* деб ёзилган), *ҳеч*, *йўқ* сўзларини инкор равиши сифатида келтиради. Маълумки, ўзбек тили грамматик қурилишига бағишланган кейинги даврдаги асарларда *ҳеч* сўзи бўлишсизлик олмоши деб қаралгани ҳолда, равиш бўйича махсус тадқиқот олиб борган С.Фузаилов *асло* ва *ҳеч* сўзларини инкор равишлари деб ҳам талқин қилган [Фузаилов, 1953, 15].

Равишнинг турларига, айниқса, ҳолат, пайт, ўрин равишларига келтирган мисоллар шуни кўрсатадики, уларнинг аксарияти бу туркумга бевосита алоқаси йўқ, Уни, аввал таъкидлаганимиздек, мазкур асарлар муаллифларининг назарий тайёргарлиги етишмаганлиги деб қарасак, бундай ҳолат ҳозирги адабиётларимизда давом этаётганлигини эса изоҳлаш қийин. Бу ўз навбатида равишларни кўмакчилардан, пайт, ўрин билдирувчи (ўрин-пайт келишигидаги) сўзлардан фарқлашнинг жиддий асосларини ишлаб чиқиш лозимлигини кўрсатади.

Кўмакчи. В. Наливкин ва М. Наливкина, С. А. Лапин, В. Наливкин, И. А. Беляев, Т. Қиёсбековлар ёрдамчи сўз туркумининг бу тури ҳақида маълумот бермайдилар. Бошқа асарларда бу туркум ёритилса-да, уларнинг бу туркум ҳақидаги тушунчалари анча тор, чунки уларнинг барчасида жўналиш, ўрин-пайт, чиқиш келишиги аффикслари кўмакчи деб тушунилган.

Бу туркумни дастлаб тилга олган М. Терентьев тилга олинган келишик аффикслари билан бир қаторда, баъзи сўз ясовчи аффиксларни, *билан* (уни келишик кўрсаткичи деб ҳам кўрсатади), *учун* кўмакчиларини ҳам санаб ўтади. Унингча, кўмакчилар қуйидагича гуруҳлаштирилади: а) ҳеч қандай келишикни талаб қилмайдиган кўмакчилар: *учун*, *-сиз*, *-дек*; б) жўналиш келишигини талаб қиладиган кўмакчилар: *-дегин*, *-да*, *-ча*; г) чиқиш келишигини талаб қиладиган кўмакчилар: *сўнг*, *сўнгра*, *кейин*, *аввал*; д) қаратгич келишигини талаб қиладиган кўмакчилар: *устига*, *юқорига*, *остига*, *пастига*, *ёнида* (190-193). А. В. Старчевский ҳам М. Терентьев қайд қилган кўмакчиларни кўрсатади, лекин уларнинг аксарияти фонетик жиҳатдан ўзбек тили учун характерли эмас. Буларга қуйдагилар киритилган: *танглю* (тонгла), *джа*, *тигрю* (тегра) *кин* (кейин) (15) ва ҳ.к. А. В. Старчевский кўмакчилар таснифини бермайди, ҳатто “Переводчик...” асарида кўмакчиларни тилга олмайди ҳам.

З. А. Алексеев айрим аффиксларни ҳам кўмакчи деб юритган (71). Кўмакчиларнинг қўшилиш хусусиятига қараб уларни қуйдагича гуруҳлаштиради: 1) соф асосга (к чистой основе) қўшиладиган қўшимчалар: *-ча*, *-ила* (*билан*, *бирла*, *бирлан*), *каби*, *учун*, *-сиз*, *-дек*, *бе-*; 2) жўналиш келишигини талаб қиладиган кўмакчилар: *-ча* (до маъносидаги); 3) қаратқич ва чиқиш келишигини талаб қиладиган кўмакчилар; а) равишдан ўзлашган: *тўғридан*, *тўғрида*, *бошқа*, *бери*, *нари*; б) отдан ўзлашган : *ич*, *ост*, *тег*, *уст*, *ора*, *бўй*, *орқа*, *олди*, *қош*, *ён*. Л. Афанасьев рус тилидаги олд кўмакчилар (предлоглар) ўзбек

тилида келишикларга мос келишини уқтиради, холос (46). Н. С. Будзинский шундай дейди: “Аслида сарт тилида кўмакчилар йўқ. Кўпинча бошқарилаётган сўздан кейин кўмакчи (предлог) ролини бажарадиган махсус қисмчалар (частицы), асосан, келишик қўшимчалари қўйилади (107). Ҳатто у тушум келишигининг аффиксини ҳам кўмакчиларга киритади. Ундан ташқари, бир неча сўз ва кўмакчиларни келтирадики, уларни кўмакчи ва кўмакчи ўрнида қўлланади деб кўрсатади. Булар қуйидагилар *-сиз, яқинда (близко), ичига, юқорида, юқорига, минан (билан), ўрнига, бирга, биргалашиб* ва ҳоказо. Кўринадик, кўмакчи деб келтирган сўзлар орасида аффикслар, равишлар, феъллар, модал сўзлар ҳам бор. Н. С. Будзинскийга қарама-қарши ўлароқ Н. Остроумов ўзбек тилида кўмакчилар бор, лекин улар айна замонда келишик қўшимчалари ҳамдир, дейди (102). Шунингдек, ўзбек тилида рус тилидаги олд кўмакчилар ифодаладиган маъноларни билдирадиган бир нечта сўзлар ва қўшимчалар ҳам бор деб, қуйидагиларни санайди: *-сиз, учун, тўғрида, тўғрисида, хусусида, бошқа, сўнг, сўнгра, илгари, бери, нари, -ча*. Бу сўзларни кўмакчи демоқчи эсмаслиги билиниб турибди. Шунингдек, у ўзбек тилида кўмакчи отларнинг мавжудлигини илғаб олганга ўхшайди. У қуйидаги кўмакчи отларни санайди: *олд, уст, ич, аввал, рўпара, орқа, ост, таг, ташқари, охир, ён, бўйича* (102). У яна форсча соф олд кўмакчилари учрашини ҳам қайд қилади: *аз, азбарайи, бе, бо*. Улардан *аз азбаройи* сўзларини олд кўмакчи дейиш мумкин, лекин *бе, бо* морфемалари ўзбек тилида сўз ясовчига трансформация бўлганлигини таъкидлаш мумкин.

Кўмакчиларнинг номланиши ҳам бир хил эмас. М. Терентьев, З. А. Алексеев ва Н. Остроумовлар “*последлог*”, А. В. Старчевский “*последслова*” ва қавс ичида “*предлог*”, Л. Афанасьев “*предлог*”, Н. С. Будзинский эса “*последслог*” ва қавс ичида “*предлог*” деб номлаганлар Маълумки, кўмакчиларнинг рус тилидаги номланиши ҳам кейинги даврдагина ўз изига тушди ва *последлог* деб юритилаётганлиги барчага маълум. Яна шуни таъкидлаш жоизки, бу даврдаги грамматик асарларда кўмакчиларга келтирилган айрим тўғри мисолларни учратсак-да, *унинг доирасига кирадиган сўзлар анча чалкаш ва асоссиз берилганлиги ҳам аён бўлади*.

Боғловчилар. Боғловчиларга фақат З. А. Алексеевгина таъриф берган: “Гапнинг бир хисдаги қисмларини (одинаковые части) ва гапларни бириктирувчи сўз туркумидир” (72). Гарчанд, бу таъриф қисқа бўлса ҳам, боғловчининг моҳиятини белгилай олади. Бошқа

асарларда боғловчилар назариясига оид фикрлар айтилмайди, фақат унга қайси сўзларнинг кириши кўрсатилади, холос. М. Терентьев ўзбек тилидаги боғловчиларининг ҳаммаси форс-тожик тилидан ўзлашганлигини айтади (105), бу борадаги фикрига қўшилиш мумкин, яъни ўзбек тилидаги аксарит боғловчилар форс-тожик тилига алоқадордир, арбча эканлигини ҳам таъкидлаш зарур. У боғловчиларга қуйидагиларни киритади: *ва, ва ҳам, аммо, агар, охир, ё, ёки, ёйинки, яъни, ҳам, токи, -му, -ми, ани учунки, нечунки, янгидан*. Боғловчига келтирган мисоллари ичида: *ахир, яъни* модал сўзи, *-му, -ми* юкламаси, *нечунки* сўроқ олмоши, *янгидан* равиши янглиш берилган.

В. Наливкин, Л. Афанасьевлар *ва, ҳам, ва ҳам* боғловчилари билан бирга, *билан, -у, -ю* сўзларини ҳам келтиради. Бунга эътироз билдириш мумкин эмас, чунки уларнинг боғловчилик функцияси ҳам бор. Бошқа адабиётларда боғловчилар тасниф қилинади. Уларда қуйидаги боғловчилар қайд қилинади:

1. Бириктирувчи боғловчилар (соединительные союзы). Бундай боғловчиларга З. А. Алексеев *яна, тагин* (уни икки вариантда кўрсатади: *тақи* - تقي , *даху* - دخى), *ҳам, ва*; С. А. Лапин *у (ва), ҳам, -ки*; Т. Қиёсбеков *ва, ҳам, билан, -ки*; Н.С. Будзинский *ва, у*; Н. Остроумов *ҳам, дахи* (унинг *тақи, таги* вариантлари борлигини қайд қилади) сўзларини келтиради. Н. Остроумов *ва* боғловчиси сўз ва гапларни бир–бирига боғлайди, *била, билан* кўмакчилари (у ҳам “послеслог” деб атайди) гапдаги уюшиқ бўлакларни боғлайди *ва, ҳам* боғловчисини эса саналаётган предметларнинг охиргиси олдидан қўшилади деб кўрсатади.

Боғловчилар синтактик вазифаси жиҳатидан баҳоланар экан, юритилаётган фикрлар ҳам синтактик позицияни аниқ ифодалаш зарурлигини тақозо қилади. Шу жиҳатдан юқоридаги икки изоҳда мантиқий изчиллик кўринмайди, чунки гапда сўзлар эмас (бу ўрнида тенг боғланган), балки гап бўлаклари (уюшиқ бўлаклар) бир–бирига боғланади.

2. Зидлов боғловчилар (“противительные союзы”). З. А. Алексеев *аммо, лекин, балки*; С. А. Лапин, Т. Қиёсбековлар *аммо, лекин* (уни “разделительные союзы” деб номлайдилар); Н. С. Будзинский айирув боғловчилари ичида *аммо, лекин, балки* (у айирув ва зидлов боғловчиларини фарқламайди); Н.Остроумов ҳам *аммо, лекин, балки* боғловчиларини келтиради. Демак, зидлов боғловчилари ҳақидаги уларнинг мисоллари ўринлидир.

3. Айирув боғловчиларига (“разделительные союзы”).
3. А. Алексеев *ёки, ё–ё, на–на* (ни–ни) (73); Н.С.Будзинский *на* (ни–ни), *ё, ёки, ва ёки, ёйинки* сўзларини келтиради (123).

4. Сўроқ боғловчилари (“вопросительные союзы”). С. А. Лапин (48) ва Т. Қиёсбеков (36) бундай “боғловчи”ларга *нега, нимага, нима учун*; Н.С.Будзинский *ахир, -ми,-му, -кин* (экан тўлиқсиз феълининг қисқарган шакли), *-ку,-а, нима учун, нега, магар*; Н. Остроумов эса фақат *-му, -ми* юкламаларини келтиради. Бундан кўринадики, С. А. Лапин, Т. Қиёсбеков сўроқ олмошларини, Н. С. Будзинский сўроқ олмошлари, сўроқ ва таъкид юкламаси ҳамда тўлиқсиз феълни боғловчи деб талқин қилади. Демак, булардаги умумий ҳодиса, яъни юкламаларни шу категорияга киритишлари бу даврдаги асарларда юклама туркумининг фарқ қилинмаслиги билан изоҳланади. Сўроқ олмошлари ва бошқа туркумга оид сўзларни боғловчи деб ҳисоблашларини уларнинг билим доираси ва фактларни нозик тушунмаслигида деб қараш мумкин.

5. Мақсад боғловчилари (“союзы выражающие цели”). Бу хил боғловчиларга С. А. Лапин ва Т. Қиёсбековлар *учун* кўмакчисини келтиришади, холос. Бу кўмакчининг нима сабабдан мақсад боғловчиси бўлиб келишини тушунтиришмайди.

6. Сабаб боғловчилари (“союзы выражающие причину”). С. А. Лапин ва Т.Қиёсбековлар *негаким, шул сабабдан, шул сабабли*; Н. С. Будзинский *чунким, учун* (“за то что”, “потому что” маъноларида), *негаким, шул сабабдан, на учунким*; Н. Остроумов *зероки, нечукким, чунки, шул сабабдан, шул вазҳдин, на учунки* сўзларини келтиради.

7. Шарт боғловчилари (“условные союзы”). Бу боғловчи фақат Н. С. Будзинский ва Н. Остроумовда қайд қилинади. Улар *агар, агарда* боғловчиларини шарт боғловчилари сифатида келтиради.

8. Аниқлов боғловчилари (“изъяснительные союзы”). Н. С. Будзинский бунга *-ки, учун, бир нарсa, бир нима* кабиларни келтирса, Н. Остроумов *-ки* ва *ҳаттоки* сўзларини киритади. Бу ўринда фақат биз *-ки* аниқлов боғловчисини қайд қила олганини таъкидлашимиз керак.

9. Тўсиқсизлик боғловчилари (“уступительные союзы”). Н. С. Будзинский *ҳам, агарчи, агарчандки, эҳтимол*; Н.Остроумов *агарчи* ва *агарчандки* сўзларини келтиради. Бундан *агарчандки* сўзини *гарчанд* сўзининг фонетик варианты десак, *эҳтимол* сўзи мутлақо боғловчи эмаслиги маълум.

Булардан ташқари яна қуйидаги “боғловчилар” тўғрисида маълумот берилади: а) хотима ёки натижа боғловчилари (заклучительные союзы). Н. С. Будзинский унга *охир, алқисса, ҳам, шунинг учун, анинг учун, шул сабабдин, бу тариқа, шунақа, бўлмаса, шунга ўхшаган*; Н. Остроумов унга *охири, охирида, алқисса, шул тариқа* сўзларини келтиради; б) нисбий боғловчилар (относительные союзы). Бунга фақат Н. С. Будзинскийгина тўхталади ва *вақтики, ул вақтда, анда* сўзларини келтиради; в) қиёслов боғловчилари (сравнительные союзы). Бу ҳам Н. С. Будзинскийда қайд қилинади ва *қараганда, қанча кўп, шунча* сўзларини мисолга келтиради; г) истисно боғловчилари (союз исключения). Бу “боғловчи” Н. Остроумов томонидан фарқланган. Унга *магар, оло* сўзларини келтиради (194). Бизнингча, *оло* (لا) тарзида кўрсатилган сўз *ойо* (اي) бўлса керак, бу форс тилида сўроқ юкламасини ифода қилади. [Халилов, 1982, 40]; д) якунловчи боғловчилар (заклучительные союзы). Уни Н. С. Будзинский фарқлайди ва унга *ахир, алқисса, ҳам, шунинг учун, анинг учун, шул сабабдин, бўлмаса, бу тариқа, шундақа, шунга ўхшаган* сўзларини хато келтиради. Маълум бўладики, боғловчиларнинг морфологик категория сифатидаги хусусияти ва синтактик функциясини ўзлаштира олмаслик уларнинг чегарасини ҳам ўрнатиш имконини бермаган.

Ундовлар. Бу сўз туркуми М. Терентьев, З. А. Алексеев С. А. Лапин, Н. С. Будзинский, Н. Остроумовлар асарида тилга олинади. Булардан фақат М.Терентьевгина ундовларнинг маъно турларини бермайди. М. Терентьев ундовга келтирган мисоллари ичида ҳақиқий ундовлардан *ҳой, ҳей, нўш* (русча), *уй-бой* (қозоқча), *бараколло, офарин, қуллуқ*, феълга оид *тура тур, тўхта, кет, айда* (юр маъносида, русча), ундов ўрнида қўлланадиган диний сўз ва иборалар *илоҳи омин, худо сақласин, бисмилло, худо ёрдам берсин, бор*. Шунингдек, *тайёр* сўзи ҳам ундовга киритилган. Юқоридагилардан ташқари, М. Терентьев сўкиш сўзларини (ибораларини) ҳам ундовга киритади. Бошқа асарларда ундовлар турлича қилинганлиги ва номланганлиги учун уларни алоҳида-алоҳида таҳлил қиламиз. З. А. Алексеев қуйидаги ундовларни кўрсатади: а) ҳис-хаяжон (восклицание): *ой-йо, манг, ма, ҳорманг*; б) ҳайрат ундовлари (удивление): *оббо, ҳо, заҳи* (زهی) *ана, мана, -ку* (*кетди-ку*); в) даҳшат (“страдание”): *оҳ, аттанг*; г) қувонч (“радость”): *ҳой-ҳой*. Шу билан бирга, диний жумлаларда учрайдиган *йо* (يا) ундовини кўрсатади. Лекин унинг қандай маънони

ифодалашини айтмайди, унга “*жумладин ортуқ қилиб оламга сарвар қилдиё*” жумласини келтиради. Бунда *қилдиё* сўзидаги *ё* ундови кўзда тутилмоқда. Ундовларнинг номланишини ва келтирилган мисолларнинг мутаносиб эмаслигини ҳисобга олмаганда, улар ўринли келтирилган. Фақат *-ку* юкламаси ундовга нотўғри киритилган. Ундан ташқари, ўзбек тилида *ой-йо*, *заҳи* ундовларининг шу даврда қўлланганлигига ишонч билдириш қийин. Бизнингча, *ой-йо*, *заҳи* тарзида кўрсатилган сўзлар *ойо*, *зиҳи* бўлиши керак. Шундай бўлса, улар сўроқ юкламаси ва модал сўзлар бўлиб чиқади. С. А. Лапин ундовларни қуйидагича гуруҳлаштиради: ҳис–ҳаяжон (восклицание): *эй*, *ай*, *ой-йо*; инкор: бундай ундов деганда, тилни юқори тил ва танглайга тираб турган ҳолда тил орқасининг ҳам юқори танглайга тегишидан ҳосил бўладиган мураккаб товушни (*жк*) тушунади. Бу товушнинг бир марта такрорланиши олқиш аралаш ҳайратни ҳам билдиради деб кўрсатади. У *аттанг*, *аттаси* каби модал сўзларни ҳам ундовга киритади; ачиниш (торжественное сожаление): *ах*, *оҳ*, *о*, *дарих*; тасдиқ (утверждение): *ҳа*; таажжуб (неодобрение и пренебрежение): *бэ*, *э*; олқиш (одобрение): *балли*, *бараколло*, *ҳа бараколло*; гумон (сомнение): *б*, *бэ–е*; бирдан ҳайратланиш (неожиданное удивление): *ий*, *ибий* (бу мисолларни, эҳтимол, Бухоро тожиклари шевасидан олган бўлиши мумкин). С. А. Лапиннинг ундовлар ҳақидаги маълумотиға тўла қўшиламиз, фақат *ой-йо*, *заҳи* ундовигина бундан мустасно (бу ҳақда юқорида айтилди). Н. С. Будзинский ундовларнинг тўққизта турини кўрсатади: тасдиқ билдирувчи (выражающие согласие): *ҳа*, *балли*, *ҳов*, *хуб*, *албатта*, *яхши*, *тузук*, *худо ҳақи*, *хўш*, *майли*; олқиш (одобрение): *бараколло*, *офарин*; рағбатлантириш (благодарность): *қуллуқ*, *раҳмат*, *худо рози бўлсин*; ачиниш (сожаление): *афсус*, *уй–буй* (бу сўз аслида *уй-бой* бўлиб, уни козоқ миллатига мансуб шахсдан эшитган бўлса керак), *худо сақласин*; кувонч (радость): *алҳамдулло*; ҳайрон қолиш (удивление): *ажаб*, *йи* (بی) (Бу ўринда диалектал *ий* ундовини кўзда тутган бўлса керак); ажабланиш (отвращение): *бе*; жавоб (у ерда “вопрос” дейилган) *лаббай*; мурожаат қилиш (обращение к кому): *эй*, *дод*, *кет*, *пўшт*, *айда*, *тўхта*, *бисмилла*. Кўринадики, Н. С. Будзинский ундов деб келтирган мисолларининг аксарияти М. Терентьевдан олинган Унинг муваффақияти эса уларни гуруҳлаштиришга уринганлиги билангина белгиланиши мумкин, лекин ундовга келтирган мисолларининг барчаси ўринли эмас. Н. Остроумов қуйидаги ундовларни санайди: 1) рағбатлантириш

(благодарность): *қуллуқ, раҳмат*; 2) қасам (клятво): *талло–билло–валло*; 3) чақириш (призыв): *эй, лаббайк* (لبيك) (бу арабча лаббайка); 4) таажжуб (удивление): *оҳ–ҳа, тавба, йе*; 5) норозилик аралаш таажжуб (удивление с оттенком недовольства): *ола*; 6) кўрқинч (страдание): *оҳ, аттанг*; 7) олқиш (одобрение): *бараколло, офарин, алҳамдулло*; 8) розилик (согласие): *хўб*; 9) қувонч (радость): *ҳай–ҳай*; 10) ачиниш (сожаление): *ой–бўй*; 11) ажабланиш (отвращение): *бай–бай*; 12) йўлда қўлланадиган қичқириклар (окрики на дороге): *пўшт, ҳайда, кет, тўхта*. Кейинги сўзлар *ҳайда, кет, тўхта* ҳайвонларга нисбатан қўлланганда, ҳақиқатан ҳам ундов бўлиб кела олади. Шунингдек, Н. Остроумов ҳайвон ва қушларга нисбатан қўлланадиган буйруқ-хитоб ундовларини ҳам келтиради ва бу ундовларни “звукоподражательное наклонение” деб атайди ҳамда уларни ҳам ундовларга киритиш керак, дейди. Кўринадики, у ундовларни тўғри белгилай олган, шу билан бошқа муаллифлардан фарқ қилади ва илмий принципларга яқинлашади, бироқ “уларни ҳам ундовларга киритиш керак” деган жумласидан бу сўзларни тақлидий сўз дейишга мойиллиги борлиги сезилади.

Сўз ясалиши

Бу давр тилшунослк асарларида сўз ясалишининг, асосан, морфологик усули ҳақида гап боради. Айрим асарлардагина мураккаб сўзлар ҳақида фикр юритилган. Дастлаб сўз ясалишидаги ушбу усулнинг (синтактик) ёритилишига тўхталамиз.

3. А. Алексеев сўз ясалишини изоҳлашдан олдин мураккаб сўзлар тўғрисида маълумот беради (26). Унинг келтирган мисолларига қараганда, мураккаб сўз (сложные слова) ҳозирги тилшунослигимиздаги қўшма, мураккаб ва жуфт сўзларни умумлаштирган, чунки унга *қўлқоп, уч бошлиқ, бола-чақа* сўзлари келтирилган. Н. С. Будзинский мураккаб сўзларнинг структурасини очишга ҳаракат қилган (138) ва унинг икки типини кўрсатади: 1) от+от типдаги мураккаб сўзлар. Унингча, бунда биринчи сўз иккинчисини аниқлаб келади. Унга *ўғрихона, музхона* каби аффиксоид орқали ясалган сўзлар билан бирга, *шўх бола* типдаги ва *тошбақа* каби қўшма сўзларни келтиради. Бу ўринда *-хона* аффиксоиди алоҳида сўз сифатида тушунилмоқда, келтирган мисоларининг биринчи қисмида сифатнинг қатнашиши эса унинг исм (имя) эканлиги назарда тутилган бўлиши эҳтимоли бор; 2) унингча, мураккаб феълнинг иккала компоненти от туркумидан бўлиши ёки иккинчи компонентида сифат қатнашиши керак, афсуски,

келтирилган мисоллари бу шартни оқламаган: *ароқи хўр, эси паст, кўзи олис* (كوزى الیس), *лой хўрак, уч яшар, уч оёқ*. Бунда кўзи олисмас, кўзи ожиз назарда тутилган бўлиши керак, эҳтимол, бу сўзни аҳолидан хато эшитган.

М. Терентьев ва И. А. Беляевлар таркибли сўз (составные слова) ҳақида фикр юритган. М. Терентьев “составли” сўз терминини қаратқичли сўз бирикмаси (*эшак қулоғи*), қўшма сўз (*тошбақа, оқсоқол*) ва ясама сўзга (*сарбаз, бачебаз*) нисбатан қўллади (208) ва унинг таркибини белгилашга ҳаракат қилади: а) от+от (уларнинг бош келишида қўлланиши айтилади, лекин бу шарт бузилади ҳам): *тошбақа, эшак қулоғи*; б) сон+от: *беш бармоқ*. Демак, бу шарт охирига етказилмаган. И. А. Беляев туб ва ясама сўзлар ҳақида фикр юрита туриб, “составли сўз” терминини ҳам тилга олган ва уни бир туб сўзнинг иккинчи бир туб сўз билан бирикиши натижасида ҳосил бўлади (21), деб кўрсатади. Афсуски, бу фикр мавҳумлигича қолади, чунки конкрет мисоллар билан ойдинлаштирилмайди. Маълумки, составли сўз терминидан ўзбек тилшунослигида фойдаланилган даврлар бўлган [Ҳозирги замон ўзбек тили, 1957, 364; Турсунов, Мухторов, Раҳматуллаев, 1965, 40; Ҳозирги ўзбек адабий тили, 1966, 249]. Ўз даврида бу терминнинг қўлланишига ўзбек тилшунослигида ҳожат йўқлиги ҳам айтилган [Усмонов, 1964, 67].

Н. Остроумов ҳам составли сўзлар ҳақида фикр юритган, лекин қавс ичида мураккаб сўз деб ҳам атайди. Бу терминни у қўшма, мураккаб, жуфт сўзлар билан бирга, ясовчи аффикс олган сўзга нисбатан ҳам ишлатган. Унингча, мураккаб сўзнинг таркиби бундай бўлади: а) иккита мустақил сўз ёнма-ён келтирилади (*қўлқоп*), бундай сўзларда баъзан иккинчи сўз эгалик аффиксларини ҳам олади (*тўй боши, ясовул боши, тўпчи боши*); б) иккала сўзнинг қўшимчаси ўзгармайди: *мирзахона, телегромхона, театрхона* ва составли сўзларга тожик тили талаффузидаги *панжшанба* (پنجشنبه), *рўйи хат, мўйи лаб гулдаста* каби сўзларни ҳам келтирган. Демак, Н. Остроумов ҳам -хона аффиксоиди билан ясалган сўзни мураккаб сўз ҳисоблайди. Бу изоҳларимизда Н. Остроумов мураккаб ва составли сўзларни бир-биридан фарқлагандек кўринади, лекин уларнинг орасига муайян чегара қўйилмаганлиги кўриниб турибди. Жуфт ва такрор сўзларнинг ҳам хусусиятларини кўрсатишга ҳаракат қилган, яъни такрорланувчи сўз бошидаги ундош м товуши билан алмаштирилиши ва унли билан бошланувчи сўзда м ундоши орттирилишини айтади ва унга *хатун-матун, сизир-мизир, от-мот*,

ўрдак-мўрдак сўзларини келтирадики, бу сўзларда такрорий сўз яшаш модели хато эмас, лекин келтирилган сўзларнинг шундай қўлланиши ўзбек тили тарихининг ҳеч бир даврида учрамайди. Шу билан бирга, *бола-чақа* жуфт сўзи таркибидаги *чақа* сўзининг мустақил қўлланмаслигини ҳам айтади. Албатта, бу фикрни ҳозирги ва яқин ўтмишимиз ўзбек тили учун айтиш мумкин, лекин туркий тилларда бу сўзнинг *бола* қисми *ўғил*, *чақа* қисми *қиз* маъносини англатгани маълум [Баскаков, 1976, 228].

Демак, ўрганилаётган давр асарларида синтактик усул билан сўз ясалиши тўғрисида кам маълумот берилади. Морфологик ёки аффиксация усули эса сўз ясалишида бирдан-бир усул сифатида кенг ёритилади, шунда ҳам сўз ясалишининг назарий жиҳатлари, жумладан асос ва сўз ясовчи муносабатлари, ясама сўзнинг семантик хусусияти каби масалаларга, деярли, тўхталинмаган. Шунга қарамасдан, айрим назарий фикрларни ҳам учратамиз. Жумладан, Н. Остроумов ясовчи аффикс қўшилганда асос семантикасининг ўзгариши ҳақида шундай дейди: “Сарт тилида янги от яшаш учун бир неча махсус приставкалар бор. Улар сўзнинг охирига қўшилиб, унинг аввалги маъносини ўзгартиради (47)”, шунингдек, бундай аффиксларнинг (унингча, приставкалар) баъзилари қадимий, баъзилари эса форс тилидан ўзлашган, деган фикрни бидиради. Бунда “қадимий” сўзи муайян аффиксларнинг аввалдан қўлланиб келаётганлиги маъносида қўлланган. Ҳақиқатан ҳам, форс тилидан ўзлашган ясовчи аффикслар ҳам ўзбек тилида бор.

В. Наливкин, З. А. Алексеев, Н. С. Будзинский, Н. Остроумовлар сўз ясалиши терминини икки маънода: ҳам сўз ясалиши, ҳам бир туркум ичидаги модал шаклларнинг ҳосил қилинишига нисбатан қўллаганлар. Сўзнинг модал шаклини ҳосил қиладиган аффиксларга нисбатан бундай қараш ҳоллари тилшунослигимизда учраб туради [Ҳозирги ўзбек адабий тили, 1966, 194].

Сўз ясалиши бу даврдаги тилшунослик асарларининг баъзиларида сўз туркумлари ичида, баъзиларида эса алоҳида ажратилган мавзуларда ўрганилган. Шулардан А. В. Старчевский равиш ясалишини шу туркум ичида берса ҳам, сўз ясалишига алоҳида тўхталади. И. А. Беляев сўз ясалишига махсус тўхталмайди. Т. Қиёсбеков эса сўз ясалишини тилга олмайди.

От ясалиши. -чи аффикси. М. Терентьев бу аффиксни машғулот²⁴ ва ҳунар эгаси (имя деятеля и мастера) номини ясайди, деб кўрсатган (205). -чи аффиксининг бундай изоҳи Алишер Навоидан бошланади. У бундай ёзган эди: “.... баъзи алфознинг сўнггида “ч, и”ки²⁵ -чи лафзидур орттирурлар, ё мансабнинг, ё ҳунарнинг, ё пешанинг изҳори учун...” [Алишер Навоий, www.ziyouz.com,10]. А. В. Старчевский бу аффиксни отдан от ясовчи сифатида қарайди ва унинг -джи варианты мавжудлигини ҳам айтади (24). -джи варианты ўзбек шеваларининг аксариятида қўлланади, З. А. Алексеев бу аффиксининг ҳунар ва машғулот эгасини ҳосил қилишини кўрсатади (29). В. Наливкин бу аффикс билан ясалган сўзнинг маъно доирасини кенгайтиради ва: “-чи приставкаси билан ҳунарманд, уста, рассом ва бошқа номлар ясалиши мумкин (151)”, - дейди ва *ашулачи, ўйинчи, этикчи* каби мисолларни келтиради. Бу таърифда абстракциялаш амалга оширилмаган, яъни бундай ясалишга хос умумий хусусият эмас, балки ҳар бир ясалмадаги конкрет маъно кўзда тутилган. Бу аффикс билан ясалган сўзларнинг умумий семантик хусусияти И. А. Беляев томонидан яхши баён қилинган. У -чи(-чи) аффиксининг ясовчилик хусусиятини ёритиш чоғида, умуман, сўз ясовчи аффиксни қабул қиладиган асос ва ясама сўз семантик жиҳатдан боғланган бўлишини инобатга олган (21). Бундай қараш бошқа муаллифларда ҳам учрайди, лекин Н. Остроумов бу аффиксининг *самавар, сибир, вогун* сўзларига қўшилиб, шуғулланувчи маъносини эмас, балки биринчиси *чой қайнатувчи*, иккинчиси *Сибирга ҳайдалган жиноятчи*, учинчиси эса *бирор товарни вагон билан жўнатиб, савдогарлик* қилувчини билдиришини қайд қилган (48). Маълум бўладики, бу давр асарларида -чи аффиксининг ясовчилик хусусияти нисбатан тўғри ифодасини топган. Шунини айтиш лозимки, бу аффикс ўзбек тилшунослигида сифат ясовчи деб ҳам қаралган [Холиёров, 1972, 41; Содикова, 1974, 24; Ўзбек тили грамматикаси, 1975, 282].

-луқ аффикси. М. Терентьев бу аффиксининг (-лик ва -лиқ вариантларини ҳам кўрсатган) от ва сифат асосларига қўшилишини кўрсатган (206) ва бу аффиксининг сифатдан от ясаши, хусусан, отдан от ясашига кўпроқ тўхталган. Унингча, -лик аффикси билан ясалган сўзлар қуйидаги маъноларни англатади: а) мўллик (обилие):

²⁴ Ўрганилаётган асарларда шахс оти термини учрамайди, балки машғулот тушунчаси шу мазмун доирасига кириши А. Ҳожиев томонидан айtilган [Ҳожиев, 2007, 62].

²⁵ Бу ўринда “ч, и” ҳарфлари -чи аффикси таркибидаги ҳарфларни билдиради.

ўрмонлик, қумлик; б) хусусият ва лавозим ҳақидаги мавҳум маъно (отвлеченное понятие): *дўстлик, ҳайвонлик*. Бу сўзлар, ҳақиқатан ҳам, мавҳум сўзлардир, лекин улар ҳеч қандай хусусият ва лавозимни англатмайди; в) предметнинг баҳоси (стоимость предмета): *ойлик*. г) вақт оралиғи (расстояние времени): *ики (ایکى) соатлик*; Бундан ташқари, у -лик аффиксининг шаҳар номларига қўшилганда шу шаҳарда яшовчини англатиши (*бухоролик, тошкентлик*) ва улар рус тилига сифат орқали таржима қилинишини, шунингдек, бу аффикс киши тана аъзоларига қўшилганда шунга тааллуқли бўлган кийим ва бошқа нарсаларни билдиришини ҳам айтган ва бунга мисол қилиб *бурундуқ (бурун-лик)* сўзи келтирилади ҳамда ундаги л ундоши д товушига ўтганлиги таъкидланади (206).

3. А. Алексеев -лик//лик аффиксини отлардан (кенг маънода) мавҳум от ясабини айтган ва унга *яхишлик, подшолик, борлик* каби сўзларни келтирган. В. Наливкин ва М. Наливкиналар, С. А. Лапин, В. Наливкин, Л. Афанасьев бу аффиксининг сифатларга қўшилиб, мавҳум от ясабини ва улардан В. Наливкин унинг ҳаракат номи шаклига қўшилган *олмоқлик, ўқиқлик* сўзларини отга киритган. Шунингдек, *ёзмаслик, келмаслик* типига ясама сўзларни *феълдан ясалган отларнинг бўлишсиз шакли* деб атайди (155). Албатта, бу фикрни инкор этиб бўлмайди, чунки отларнинг бўлишсиз шакли тўғрисида тилшуносликда маълумотлар учраб туради [Мелиев, 1969, 128; Ўзбек тили грамматикаси, 1975, 526], лекин унинг келтирган *ўқиқлик* шакли ўзбек тили амалиётида йўқ. Бу ясалма феълдан от ясалишининг мавжуд қолипларига зид эмас, чунки ўзбек тилида *осиглик, ёқиғлик* каби қўлланишлар амалда бор.

И. А. Беляев -лик//лик аффикси пайт билдирувчи сўзларга қўшилганда вақт ҳисоби (*кўплик (?)*, *ойлик*), маълум бир предмет учун материал бўлиш (*кўйнаклик*), асосдан англашилган нарса ёки хусусиятга эга эканлик (*ақллик, отлик, шаҳарлик*), сифатларга қўшилганда мавҳум от ҳосил қилиш (*бойлик, ёмонлик*), ҳаракат номига қўшилиб мавҳум от ясабини (*олмоқлик, кетмаклик*) кўрсатган (48). Бу фикр Н. С. Будзинскийда ҳам такрорланади (131). Унинг: “...отларда ўлчов ва лойиқликнинг (размер) микдорини ҳосил қилиш учун унга -лик қўшилади”, -деган фикри муҳокамага сабаб бўлади, чунки унга *бир кўйнаклик, бир сўмлик, беш отлик* каби мисолларни келтирадики, улар гўё айтилган шартга юзаки қараганда тўғри келади. Аслида бу ўринда -лик аффикси фақат отга эмас, балки сон + нумератив типигаги бирикмага қўшилган, Қолверса, бу ўринда

от ясалиши эмас, балки сифат ясалиши тўғрисида фикр юритилиши жоиз, чунки бу мисолда *бир кўйнаклик мато* тарзидаги бирикма кўзда тутилади. Шу муносабат билан нумератив сўзлар от туркумига мансуб бўлса-да, у белги маъносига эга бўлишини таъкидлаган бўлар эдик.

Н. Остроумов ҳам от ясовчилар қаторида мазкур аффиксни санаб ўтади ва шундай дейди: “-лик приставкаси мавҳум от ҳосил қилади ва у фақат отга эмас, шу билан бирга, сифатга, феълга ва бутун гапларга кўшилиши мумкин (49)”. Бу иборада феълга кўшилади деганда унинг ҳаракат номига кўшилиши эътиборга олинади, албатта, лекин бутун гапга кўшилиши ҳақидаги фикрига ижобий қараб бўлмайди, чунки бу фикр мисоллар билан тасдиқланмаган. М. Преображенский бу аффикснинг сифатлардан от ясабини айтган, холос (9).

-*дош* аффикси. Бу аффикс билан ясалган сўзни М. Терентьев ўртоқлик (товарищество) маъносини билдиришини айтган (206). Бу аффикснинг ўртоқлик маъноси кейинги давр асарларида ҳам акс этган [Маъруфов, 1956, 33], аслида -*дош* аффиксининг бу маъноси туркологияда дастлаб Олтой грамматикачилари асарларида қайд қилинади [Грамматика алтайского языка, 1869, 25]. Ҳозирги адабиётларимизда бу аффикс билан ясалган сўзнинг “тенг иштирокчи шахс” маъноси эътироф этилмоқда [Ҳожиев, 2007, 76]. А. В. Старчевский -*дош* (унинг -*таш*, -*даш* вариантлари билан бирга) аффиксининг ҳамкорлик, ўртоқлик, дўстлик маъноларини (24), З. А. Алексеев бирон-бир муносабатда ўртоқликни билдиришини ва унга *йўлдош* ва *овулдош* сўзларини келтирадики, *овулдош* сўзини “ҳовлидош” (один дворец) тушунтирган. Маълум бўладики, у *овул* сўзининг *қишлоқ* маъносини билмаган (30). И. А. Беляев бу аффикснинг сўз асоси ифодалаган машғулот, жой ва предмет билан ўртоқликни билдирадиган сўз ясайди (31), дейди. Бу фикр Н. С. Будзинский (131) ва Н. Остроумовда (49) ҳам такрорланади. Демак, бу аффикснинг қандай сўз ясаши тўғрисида улар деярли умумийликка эга. Н. Остроумов бу аффикснинг этимологияси ҳақида фикр юритади ва унинг ўрин-пайт келишиги кўшимчаси (-*да//та*) ва биргалик нисбатини билдирувчи -*ш* аффиксларидан ташкил топганлигини кўрсатади ва янглишади. Маълумки, бу аффикс феъл ясовчи -*ла* аффиксининг фонетик варианты бўлган -*да*, -*та* ва биргалик нисбати аффиксидан туғилганлиги А. Ғуломов томонидан асосланган эди [Ғулямов, 2005, 12].

-дон аффикси. Бу аффикс М. Терентьев (207) ва А. В. Старчевскийлардагина (24) қайд қилинган ва у билан ясалган сўз идиш маъносини билдириши айтилган ва *носдон*, *қаламдон* сўзлари келтирилган.

-*ги//ки* аффикси. Уни фақат С. А. Лапин ва Н. С. Будзинскийларгина қайд қилишган. С. А. Лапин -*ги* аффиксини мавҳум от ясабини ва унга *билги*, *кулги* сўзларини келтирган (52), Н. С. Будзинский эса бу аффиксининг -*гу* вариантини (*билгу*, *кулгу*) келтирган (133). Келтирилган мисоллардаги *билгу* сўзининг амалий қўлланиши мунозарали эканлигини таъкидлаймиз.

-*ул* аффикси. М. Терентьев бу аффиксни -*а(в)ул* тарзида кўрсатса ҳам, келтирган мисолларида -*ул* варианты келади; А. В. Старчевский -*ул*, -*аул* (бунга мисоллар келтирилмайди); Н. Остроумов -*ул*, -*гул* (бу вариантга ҳам мисоллар келтирилмайди) аффикслари билан шаклланишини кўрсатган. М. Терентьев бу аффикс сўзга кўриқловчи (хранитель) маъносини англатиши ва унга *қараул*, *ясаул*, *тўхтаул*, *тўқсаул* сўзларини келтирган. Булардан *қараул*, *ясаул* сўзларининг қўлланиши тўғрисида маълумотга эгамиз, лекин *тўхтаул*, *тўқсаул* сўзлари изоҳга муҳтож. М. Терентьев *тўхтаул* сўзини “гвардия останавливающая”, *тўқсаул* сўзини “знамешник” деб тушунтиради (207). Бу аффикс ўзбек тилида, Н. Остроумовнинг фикрича, мўғул истилосидан кейин қўллана бошлаган. Бу фикрда муайян даражада ҳақиқат бор. Бу яна қўшимча илмий изланишларни талаб қилади. Биз унинг қўлланишини Алишер Навоийнинг “Муҳокамт ул луғатайн” асари орқали биламиз [Abduranmonov, Shukurov, Mahmudov, 2008, 116]. У *ясаул* (ياساول), *ираул* (ايراول), *қараул* (قراول) сўзларининг араб графикасидаги имлосини тўғри келтиради, лекин кўриниб турганидек, улар бу сўзларни транслитерация қилишда тўғри йўл танламаган. Шу ўринда бизни *ираул* (ايراول) сўзи қизиқтирди. Бу сўзни Н. Остроумов “авангард” деб таржима қилади. Демак, бу сўз *ираул* эмас, балки *ҳировулдир* (هراول), яъни кўшиннинг олд томони. Демак, бу сўзнинг ёзилишини тўғри белгилай олмаган.

-*лоқ* аффикси. Бу аффиксни А. В. Старчевский -*лақ*, (24), З. А. Алексеев لاқ тарзида (30) кўрсатадилар. А. В. Старчевский унинг ўрин-жой ёки тўхтаб ўтиш жойини ифода қилувчи сўз ясабини ва унга *қишлоқ*, *аолақ*, *тузлақ* мисолларини келтиради. З. А. Алексеев фақат *қишлоқ* сўзини келтиради, холос. Келтирилганлардан *аолақ* (у бузиб кўрсатилган *авлоқ* бўлиши керак) сўзини “враждебная страна”,

яъни душман мамлакат деб тушунтирадики, у аслида ов қилинадиган жойни англатган, у яшаш жойидан узоқ бўлганлиги туфайли шеваларда унинг *узоқ, узоқ жой* маъноси бор. Эҳтимол, душманлар узоқ мамлакатлардан келиб, маҳаллий мамлакатни босиб олиши *авлоқ* сўзини шундай тушунишга сабаб бўлгандир, айти замонда шеваларимизда бу сўз *узоқ, нари* маъноларида ҳам қўлланади (Туркистон).

-ч аффикси. А. С. Старчевский унга феълдан от ясовчи сифатида қарайди (24) ва унинг -*дж, -ндж* вариантларида қўлланишини кўрсатади: *суюндж, аландж*. Бу сўзлардан биринчиси фонетик хусусияти бузиброқ кўрсатилган бўлса-да, ўзбек тилида қўлланиши маълум, лекин *аландж* сўзининг у кўрсатган *ютуқ* “выгода, выигрыш” маъносининг ўша даврда мавжуд бўлганлигига шубҳа билан қараймиз. Н. Остроумовнинг бу аффикс ҳақидаги фикрларини ижобий баҳолаш мумкин: “-ч (چ) қўшимчаси **н** товуши билан тугаган феъл асосларидан руҳий ҳолат ва кайфият отларини ҳосил қилади (50)” ва унга *суюнч* (سونچ), кўркунч (قورقونچ) сўзларини келтиради. Шунингдек, у ушбу аффикснинг ўзлик нисбатидаги феъл асосларига қўшилишини ҳам айтади. Албатта, унинг бу фикри ўзбек тилшунослигидаги шундай фикрларга мос келади [Ўзбек тили грамматикаси, 1975, 255]. Шу ўринда ўзбек тилшунослигидаги бир фикрга тўхталишни зарур деб билдик, А. Ҳожиев бу аффикснинг от яшаш функцияси тўхтаганлиги, камунум эканлигини ёзади, лекин унга *ишонч, севинч, ўкинч, қўрқинч* сўзларини келтиради [Ҳожиев, 2007, 95]. А. Ҳоживнинг ўзи келтирган мисоллари ушбу аффикснинг сўз яшаш функцияси давом этаётганлигини кўрсатади, балки у ҳамон функционалдир. Тўғри, бу аффиксни камунум дейиш мумкиндир.

-м//им аффикси. А. В. Старчевский бу аффикснинг феълдан от яшашини кўрсатади ва унга *язим* (тақдир маъносида) ва *тоқум* (тўқим) сўзларини келтиради. З. А.Алексеев бу аффикс билан ясалган сўзлар миқдор билдиришини қайд қилади. Уларнинг фикрича, *тутам, отим, кийим, сиқим* кабилар миқдор билдирувчи сўзлардир (29). Бу фикрга қўшилиш мумкин, улар сон билан бирга келиб (нумератив вазифасини бажариб) миқдор семасини ифодалай олади. Н. Остроумов эса уни (-и аффиксини ҳам) ҳаракат ва ҳолат билдиришини айтади ва *ўлим, кийим* каби сўзларни келтиради. Бунда ҳам чалароқ бўлса-да, тўғри фикр бор, яъни ҳаракат ва ҳолат натижаси бўлган от ҳақидаги фикрга ишора бор. Демак, бу даврдаги грамматик асарларда -м//им(-ум) аффикси билан ясалган сўзнинг

семантикасини белгилашга бўлган уринишлар бўлган, лекин у ҳақиқий илмий ифодасини топа олмаган. Ўзбек тилшунослигида ҳам бундай сўзларнинг миқдор маъносини ифода қилиши эътироф этилган [Маъруфов, 1956, 39]. Бу сўзларнинг асослари феъл бўлганлиги Н. Остроумовни янглишишга олиб келган ва оқибатда бундай сўзларни феълга киритиш лозим, деган таклиф берган (49).

-к //қ аффикси. М. Терентьев бу аффиксининг -ақ вариантыни қайд қилади (203). Унга *алдақ*, *арбағ* (аврамок) сўзларини келтирганки, улар мунозарага сабаб бўлади. Келтирилган ҳар иккала сўз ҳам ўша давр ўзбек тили учун ҳаракатли бўлганлигига ишониш қийин, Тўғри, *алдоқ* сўзи *алдоқчи* сўзи учун асос бўлиши мумкин, лекин мустақил қўлланиши амалда йўқ. *Арбағ* сўзи эса ўзбек тили фонетик-морфологик хусусиятига мос эмас. А. В. Старчевский бу аффиксининг фақат феълдан от ясовчи эканлигини айтади ва -к//қ//ғ вариантларида қўлланишини ҳамда уларга *алдағ*, *қонақ* (қўноқ), *кесак* сўзларини келтиради (25). З. А. Алексеев эса бу аффиксининг -оқ (اق), -қ (ق), -к (ك) вариантлари борлигини кўрсатади ва *йўриқ*, *буйруқ*, *яроқ*, *ғилдирак* сўзларини келтиради (30). Булардан *йўриқ* сўзини морфемаларга ажратиш мумкин эмаслиги (тарихан мумкин), *яроқ* сўзи мустақил қўллана олмаслиги (фақат *қурол-яроғ* бундан мустасно), *буйруқ* сўзини этимологик таҳлил асосида унга -уқ варианты (юқорида бу вариант кўрсатилмаган) қўшилганлигини таъкидлаш мумкин, фақат *ғилдирак* сўзига эътирозга сабаб бўлмайди. Демак, бу аффикс билан боғлиқ таҳлиллари қониқарсиз бўлган. Н. С. Будзинский бу аффиксга *йиглақ* сўзини келтирадики, бу сўз ҳозирги ўзбек адабий тили учун норма бўлмаса-да (чунки адабий тилда *йиглоқи* шаклида ишлатилади) шевларимизда айни шу вариантда қўлланишда бор (масалан, Туркистон шевасида). Юқоридаги муаллифлар бу аффикс иштирокидаги ясама сўзнинг семантик хусусияти ҳақида фикр билдирмайдилар. Бу жиҳатдан Н. Остроумов улардан ажралиб туради. У -оқ (اق), -уқ (اوق), -к (ك) аффикслари (приставкалари) қуролни ёки асос (корень) сўздан англашиладиган ҳаракатнинг натижасини билдиришини айтади. Ҳаракат натижаси бўлган предмет учун *кесак* сўзини мисол сифатида беради. Қуролни англашишга эса *ўроқ* типидagi сўзларни келтиради.

-мур аффикси. А. В. Старчевский бу аффиксга феълдан от ясовчи сифатида қарайди ва унинг -мар варианты борлигини ҳам эслатади, унга *чокмар* (чўқмор), *ягмур* (ёғмур) сўзларини келтиради. Н. Остроумов унинг фақат *ёғмур* сўзида -мур вариантынигина

келтиради. Бизнингча, *-мар, -мур* аффиксларининг ясовчилик функциясида семантик яқинлик йўқ, улар бошқа-бошқа аффикслардир, қолаверса, *чўқмор* сўзини морфемаларга ажратиб бўлмайди.

-чилик аффикси. Бу аффиксни В. Наливкин ва М. Наливкиналар ҳунар, ҳар хил машғулот номларини ва ижтимоий аҳволни кўрсатувчи от ясайди (19), дейди. Бу фикр В. Наливкиннинг кейинги асарида ҳам такрорланади ва *савдогарчилик* ва *камбағалчилик* каби сўзларни келтиради (158). Бу аффикснинг ушбу маънолари И. А. Беляев томонидан кўрсатилган. Н. С. Будзинский бу аффикс мавҳум от ясадини айтади (132). Бу аффикснинг мавҳум от ясаши ўзбек тилшунослигида кейинчалик ҳам эътироф этилган [Маъруф, 1941, 107; Мирзаев, Усмонов, Расулов, 1972, 109]. Маълумки, асос англатган маънога машғуллик семаси юклатилган сўз яшаш А. Ҳожиёв томонидан “сўз яшаш асоси билдирган нарс (шахслар)га хос ... хатти-ҳаракат, фаолиятни билдирувчи отлар ясайди” деб юритилганки, Наливкинлар билан бу масалада умумийлик мавжудлиги кўриниб турибди [Ҳожиёв, 2007, 99].

-зор, -(и)стон, -лоқ аффикслари. З. А. Алексеев *-зор, -(и)стон* аффиксларини форсча, *-лоқ* аффиксининг эса туркча эканлигини ҳамда бир нарсанинг мўл жойлашган ўрнини билдиришини (озна́чает место обильного нахождения, 29) айтади ва унга *қайинзор, гулзор, туркистон, тошлоқ* сўзларини келтиради. Н. С. Будзинский *-(и)стон* аффикси ўрин-жой маъносини англатувчи сўз ясадини айтган (131) бўлса, Н. Остроумов аҳоли жойларини ясовчи аффикс деб кўрсатади (49).

-бон, -кор, -боз, -каш, -хўр аффикслари. Улар Н. С. Будзинский томонидан тилга олинади ва унинг бундай таърифини беради: “... отларга қўшилиб, эгалик қилувчи, ҳунарманд, косиб, ижтимоий аҳвол каби янги от ясайди (132)”. Уларга мисол сифатида *боғбон, гуноҳкор, ишқибоз, арбакаш, порахўр* сўзларини келтиради. Булардан *арбакаш* сўзини *аравакаш* сўзининг русча талаффузи деб тушунмаслик керак, бу сўз шундай кўринишда шеваларимизда (Туркистон) мавжуд. Н. Остроумов булар қаторига *-дор, -гар* аффиксини ҳам қўшади: *қарздор, амалдор, савдогар, заргар* (48).

-моч, -гуч, -гучи аффикслари. Бу аффиксларни Н. С. Будзинский феълдан от ясовчи, деб қарайди ва унга *қовурмоч, қашлагуч, тургучи* сўзларини келтиради (32). Кўринадикки, *-гучи* сифатдош ясовчиси от ясовчи сифатида берилмоқда.

-га, -дук, -дик, -из аффикслари. Уларни Н. Остроумов камунум аффикслар деб ҳисоблайди ва *сибизга, дабулга, қудуқ, сидик, қимиз* сўзларини мисол сифатида келтиради (48). Бу кўрсатилган сўзлардаги аффиксларни синхрон планда ажратиш мумкин эмас, фақат этимологияси ўрганилгандагина уни амалга ошириш мумкин. Демак, улар сўз ясалиши масаласида муайян бир тамойилга асосланишган эмас.

-оч, -ич аффикси. Н. Остроумов -ич аффиксига *суқич* сўзини келтиради. -оч (چ) аффикси эса мисолсиз қолдирилган (49).

Юқоридагилардан ташқари, Н. Остроумов -он, -ун (ўғлон, устун) аффиксларини от ясовчи сифатида келтирган, *сичқон* сўзига ҳам ясама сўз деб қараган. Шундан *сичқон* сўзининг этимологиясига тўхталади ва унинг *сич-* (моқ) (испряжняться) асосига сифатдош ясовчи -гон (غان) аффиксининг қўшилишидан ҳосил қилинганлигини айтади (49). Бу ҳам синхрон эмас, балки тарихий сўз яслишига алоқадордир. Қолверса, бу сўзнинг -он аффиксига алоқаси йўқ. Бу қаторда *устун* сўзининг келтирилиши хато эмас, лекин *уст* сўзидан -ун аффикси орқали дастлаб равиш ясалган (аслида у восита келиши аффикси - А. С.) ва у кейинчалик ҳозирги маънодаги отга кўчган. *Ўғлон* сўзида сўз ясалиши йўқ. А. В. Старчевский шундай сўз ясовчилар ва мисоллар келтирадики, уларнинг аксарияти ўзбек тили учун характерли эмас. Унингча, ўзбек тилида -ман, -мэн (алакман – рыцарство, *колемэн* – рабство, *огмэн* – собрание, жатва, 24), -ти, -ди (*каборти* – стечение, смятение, *кошанти* – подать с дома), -ит, -ид (*кечит* – переход, *огют* - совет) (25), -иш//уш//юш (созлеиш – говорение, қарашиш – искание, 24) аффикслари мавжуд. Улардан ҳаракат номи аффикслари ва сўзларидан (уларнинг фонетик камчилигидан қатъи назар) бошқа барча сўзлар ўзбек тили учун характерли эмаслиги кўриниб турибди. Улардан фақат *угют* (угут) сўзи тушунарли бўлиб, ундаги сўз ясалиши тарихийдир.

Ҳаракат номини ҳосил қилувчи аффиксга нисбатан от ясовчи сифатида қаралиши М. Терентьевдан бошланади (203). У *кулуш, уруш* сўзларини отга киритган, лекин унинг қандай от эканлигини айтмайди. Бу В. Наливкин ва М. Наливкиналарда ривожлантирилади ва: “*Феъл-отлар* ўша феъл асосидан -иш//иш приставкалари билан ҳосил қилинади (19)”. Бу З. А. Алексеевда ҳам қайд қилинган эди (29) В. Наливкин кейинги асарида -моқ, -(и)ш аффикслари билан ҳосил қилинган сўзларни мавҳум от (отвлеченные отглагольные существительные), деб юритган (159) ҳамда унга илова қилиб, ўтган

замон сифатдош шакли мавҳум от сифатида қўлланади, деган фикрни билдиради. Бу ўринда аслида ўтган замон сифатдошининг субстантивацияси тўғрисида гап бормоқда. Бу фикрни С. А. Лапин (52-53), Н.С. Будзинский (133), Н. Остроумовлар ҳам (49) қайд қилишган. С. А. Лапин ҳаракат номи ясовчи *-моқ* аффиксига тамомила от ясовчи сифатида қарамайди, балки бу аффикс қўшилган сўзни мавҳум от маъносида қўлланишини айтган. Н. С. Будзинский *-ғ* (غ) аффикси мавҳум от ясаши ҳақида фикр юритмоқчи бўлади, лекин келтирган мисолларида ҳаракат номининг *-мағ* (غما) аффиксли шакли ҳақида гап борган. Н. Остроумов *-м* ва *-(и)ш* аффиксининг ҳосил қиладиган маъноларини бир-биридан фарқлай олмаган, натижада иккаласини ҳам ҳаракат ва ҳолат отини ҳосил қилади, деб тушунган. Шунингдек, *-в* (ўқув, сайлов), *-гу* аффиксларини ҳам от ясовчи, деб кўрсатган (48), лекин кейинги аффиксининг қўлланишига мисол бермайди. *-в* аффиксли шаклини З. А. Алексеев қайд қилиб, унинг қирғиз тилидан ўтганлигини айтганди. Бу фикрда ҳам қисман бўлса-да, ҳақиқат бор, чунки бу аффикс барча қипчоқ тизимидаги тилларга ва шеваларга хосдир [Ashirboyev, 2016,72]. Ҳаракат номи аффиксларига нисбатан ҳозирги ўзбек тилшунослигида ҳам ҳаракат номи, ҳам от ясовчи сифатида қараш ҳолати йўқ эмас [Sarayev, 2009,53]. Бизнинг назаримизда, ҳаракат номига нисбатан от ясовчилик хусусиятини эътироф этиш лозим ва у ҳақиқатни акс эттирган бўлар эди. Кўринадик, бу давр тилшунослик асарларида от ясовчиларнинг аксарияти қамраб олинган бўлса-да, уларнинг асос билан муносабати жуда кам ёритилган, шунингдек, от ясовчилар доираси тўғри белгилаб берилмаган, назарий тавсифлар эса ўта примитивдир.

Сифат ясалиши. Бу давр асарларида қуйидаги сифат ясовчилар тўғрисида фикр юритилган:

-лик аффикси. Бу аффиксни М. Терентьев от ва сифат асосларига қўшилишини айтган эди. От асосларига қўшилганда мўллик, хил-хусусият маъносини билдирувчи от ясаши айтилган (205), лекин келтирилган мисоллари оқибат натижада сифат бўлиб чиқди (от ясалишига қаранг). А. В. Старчевский бу аффиксининг *-лу*, *-лю*, *-лы*, *-ли*, *-лик*, *-лиқ*, *-люк* вариантларини келтиради ва от асосларига қўшилишига *яглик*, *ташлық* сўзларини келтиради. Кўриниб турибдики, бу аффикс вариантларидан *-лу*, *-лю*, *-люк* фонетик жиҳатдан ўзбек тилининг хусусиятини акс эттира олмайди, лекин сифат ясовчи эканлиги тўғри кўрсатилган. З. А. Алексеев бу типдаги

аффиксларнинг отларга қўшилиб, бирон белгига эга бўлиш (*ақллик, ипаклик*) маъносини англатишини (уни от деб ҳисоблайди) ва жой номларига қўшилганда, сифат яшашини айтади. Бу мазмунни: “... географик исмларга қўшилганда, бу приставкалар манбани билдиради” (30) тарзида тушунтиради. Бу ерда аффикс манбани билдиради, деган ифода ясама сўз манбани билдиради, деб тушунилиши керак. С. А. Лапиннинг изоҳи ҳам ўзига хос: “-лик//лик қисмчалари қўшилган от сифатга айланади ва бирон нарсага (*ақлли*) эга бўлиш ёки кимга, ё нимага тегишли эканлигини ифодалайди (50)”. Н. Остроумов юқоридаги фикрларни янада ойдинлаштириб: “От -лик приставкаси билан шу от англатган хусусият ва белгига эга бўлишни билдиради (55),” - дейди ва унга *илмлик, ақллик* каби сўзларни келтиради. -ли аффиксининг бундай маънодаги сўз яшашини А. Ҳожиёв ҳам эътироф этади [Ҳожиёв, 2007, 112] Бошқа асарларда бу тип аффиксларнинг сифат ясовчи эканлиги ва унга доир мисоллар келтирилади, холос. Демак, юқоридаги аффиксларнинг барчаси бир аффикс деб қаралган ва улар орасидаги ўзига хос хусусиятлар илғаб олинган эмас.

-*ги/ки* аффикси. Бу аффиксни М. Терентьев равишдан сифат ясовчи деб қарайди, лекин унинг айтган шарти ва мисоллари ўртасида мутаносиблик кўринмайди: “Равишга қўшилган -*ги/ки* унинг маъносини торайтиради, камайтиради ва фақат сўз юритилаётган предметни кўрсатади (-*ги/ки* приставленное к наречию съуживает, стесняет его смысл, указывая только на один предмет, о котором идет речь) (207) ва *аввалги, қачонги, олдинги* сўзларини келтиради. Демак, бу таъриф -*ги/ки* аффикси билан ясалган сўзнинг маъно хусусиятини белгилаб бера олмаган. З. А. Алексеев бу аффиксининг -*ги* (غى), -*ки* (كى) вариантларини ва унинг: а) ўрин ва пайт равишларига; б) қаратқич келишигидаги сўзга (-*ники*); в) ўрин-пайт келишигидаги сўзларга (-*даги*) қўшилини айтади (30). Демак, мураккаб аффикслар таркибидаги бу аффиксининг хусусиятини фарқлай олмаган. И. А. Беляев бу аффиксларни (у -*ги* ва -*ки* вариантларини назарда тутди) нисбий сифат ясайди, деб қарайди (95). Н. Остроумов бу аффикс билан ясалган сўзнинг семантик хусусиятини тушунтиришга ҳаракат қилган: “-*ки//ги* приставкалари қайси вақтга алоқадор деган сўроққа жавоб бўладиган ҳолат оти ясайди (55)”. Бу ўринда от термини кенг маънода, яъни сифатни ҳам ўз ичига олган от маъносида тушунилиши керак.

-*даги*//*даги* аффикси. Бу аффиксни М. Терентьев -*дек* аффикси билан бир қаторда санаб, ўхшашликни англатади, дейди ва унга *бирдаги* сўздан бошқа мисол келтирмайди (207). Шунингдек, -*ги*/*ки* аффиксини изоҳлашда ўрин-пайт келишиги аффиксидан сўнг қўшилган бу аффикс кўрсатиш маъносини англатишини айтади ҳамда унга *китобдаги табынлар* (?) бирикмасини келтиради. А. В. Старчевский ҳам бу аффиксни (негадир уни -*дагя* тарзида бузиб кўрсатади) -*дай* аффикси билан бир планда кўради (25). В. Наливкин мазкур аффиксни (دهگی, دهغی) алоҳида аффикс санаб, уни: “Отларга -*даги* приставкасини қўйиш билан бир ёки бир неча предметларнинг бошқа жойда жойлашганлигини кўрсатадиган сифат ясайди”, - деб изоҳ беради (161). Кўринадики, таърифда ўрин маъноси бўрттирилган. З. А. Алексеев ҳам бу аффиксга мустақил аффикс сифатида қарамайди. Н. Остроумов бу аффикс билан ясалган сўзнинг семантикасига эътибор беради ва: “Қаерда жойлашган, деган саволга жавоб бўладиган сифат ясайди”(56), - дейди. Демак, бу аффикс билан ясалган сўзнинг фақат ўринга муносабат маъносигина инobatга олинган.

-*қоқ*, -*гоқ* (قاق, غاق) аффикси. З. А. Алексеев бу аффиксга *ботқоқ*, *урушқоқ* сўзлари билан бирга *тойчоқ* ва *лойқоқ* сўзларини ҳам келтиради (30). Шундан *тойчоқ* сўзи ўринсиз келтирилган бўлса, *лойқоқ* сўзи ўзбек тили учун характерли эмас, балки *лойқа* сўзини респондентдан хато эшитган бўлиши мумкин. Н. С. Будзинскийнинг унга келтирган мисоллари ичида фақат *ёпишқоқ* сўзигина ўринли. Н. Остроумов бу қаторда -*оқ* (اق), -*лоқ* (*тошлоқ*) аффиксларини ҳам кўради ва уларга *ботқоқ*, *тайгоқ*, *қўрқоқ*, *тошлоқ* сўзларини келтиради (56). Унинг сифат ясовчилиги сўз ясалишининг умумий асосларига зид келмайди, яъни бир туркумдан иккинчи туркум ясалиши қоида-сига мос келади [Севортян, 1954, 6; Усмонов, 1963, 201].

-*ма* аффикси. В. Наливкин ва М. Наливкиналар бу аффиксни *учма*, *битма* сўзларида (19), Н. С. Будзинский *учма*, *бурама* сўзларида қайд қилишади (135). Бу сўзлардан *битма* сўзи сўз яшаш қолипи-га мос келса-да, унинг функционал эмаслиги маълум.

-*сиз* аффикси. Н. С. Будзинский бу аффиксининг отдан сифат яса-шини (*уятсиз*) айтади (135). Н. Остроумов уни -*лик* аффиксига қарама-қарши қўяди (55).

-*гилик*/*килик* аффикси Н. С. Будзинский унга *егилик*, *ичкилик* сўзларини келтириш билан чекланади (135).

-*чак* аффикси. Унга Н. С. Будзинскийгина *эринчак* сўзини мисол сифатида келтиради (135) Гарчи ажратиб кўрсатмаса-да, *тойчоқ* сўзидаги -*чоқ* аффиксини ҳам шу аффикснинг варианты деб қарагани маълум бўлмоқда. Бу икки аффикснинг сўз яшашда эмас, балки шакл яшашда семантикаси яқинлашадиган ўринлари йўқ эмас (*келинчак*, *тойчоқ*), лекин *эринчак* ва *тойчоқ* сўзларида бундай яқинликни кўрмаймиз.

-*гун*, -*кюн* аффикси. А. В. Старчевскийда қайд қилинади (25). Унга келтирган мисоллар ичида *каугун* (кувгун), *киргун* (қиргин) каби мисоллар билан бирга, ўзбек тилига хос бўлмаган *йоргун* (усталый) сўзи учрайди, аслида бу сўз *ҳорғиндир*, демак, уни хато келтиради. Шунингдек, келтирилган сўзлар ва аффиксларнинг барчаси фонетик жиҳатдан ўзбек тилига мос келмаслигини таъкидлаш жоиз бўлади.

-*нг/анг* аффикси. А. В. Старчевский унга *бошанг* (бўшанг), *тозанг* (тўзанг, “рассеянный”) сўзларини келтиради (26), улардан биринчисигина ўзбек тили хусусиятини акс эттиради, холос. Иккинчиси *тўзимоқ* феълидан эканлиги маълум, *тўзанг* шакли ўзбек тилида функционал эмас.

-*гур*, -*кюр* аффикси. Улар ҳақида маълумот фақат А. В. Старчевскийдагина учрайди (25). Бу аффикслар билан ясалган сўзларга *тоймагур* (тўймагур), *откюр* сўзларини келтиради. Бу сўзларнинг биринчисида сўз ясалиши йўқ, иккинчисида фонетик камчиликдан қатъи назар, сўз ясалишини тарихий жиҳатдангина асослаш мумкин, чунки *ўт+кир* тарзида бу сўзни таҳлил қилиб бўлмайди.

Бу даврдаги адабиётларда сифат ясалишининг баён қилиниши жараёнида яна бир қатор маълумотлар келтириладики, улар махсус талқинларга муҳтождир.

-*ники* аффикси. З. А. Алексеев уни қаратқич келишиги аффиксига сифат ясовчи -*ги/ки* аффиксининг қўшилишидан ҳосил бўлган деб тушунтиради (31). И. А. Беляев унга мустақил аффикс деб қарайди ва у ҳам: “-*нікі* (аффикси – А. С.) эгалик маъноли сифат ясайди (65),” – деб, унинг сифат ясовчи эканини таъкидлайди, лекин бу аффиксда -*ги* варианты қатнашмаслигини улар сезишмаган. Бу фикр ўрганилаётган даврдаги бошқа асарларда ҳам такрорланади. Маълумки, бу аффикс ўзбек тилшунослигининг баъзи адабиётларида “қарашлилик формаси”ни ҳосил қилиши ҳамда уларда ҳам қаратқич келишиги ва -*ки* аффикси бирикувидан таркиб топганлиги айтилади [Ҳозирги ўзбек адабий тили, 1980, 245; Турсунов, Мухторов,

Раҳматуллаев, 1992, 277], лекин *-ки* аффиксининг қандай аффикс эканлиги айтилмайди. Таъкидлаш жоизки, *-ники* аффикси таркибидаги бу аффикснинг аслида сифат ясовчига алоқасини яна қўшимча ўрганиш лозим. Бу аффикс айрим шеваларимизда гапда қайси бўлакка урғу бериладиган бўлса, шу сўз таркибида қўллана беради [Ashirboev, 2016, 59]. Ўзбек адабий тилида у ҳозир тушум келишиги (аслида қаратқич) аффикси билан қўлланадики, уни *-ки* аффиксининг қўлланиш доирасида торайиш юз берган, деб қараш тўғри бўлади, шунингдек, уни форс тилидан ўзлашган *-ки* билан тенглаштириш ҳам мумкин эмас, чунки форс тилидан ўзлашган аффикс таркибидаги *и* унлиси чўзиқ, *-ники* таркибидаги бу унли эса қисқа талаффуз этилади. Бизнингча, *-ники* аффикси таркиби морфематик таҳлил қилиниши керак эмас, балки унга яхлит бир аффикс сифатида қараш лозим, яъни бу аффикс шу ҳолида қотиб қолганлиги эътироф қилиниши ўринли бўлади.

Юқорида *-ма* аффиксининг сифат ясаши ҳақида фикр билдирган эдик. М. Терентьев ва А. В. Старчевскийлар *ёзма, босма* ясама сўзларни ҳозирги замон сифатдоши ва ўтган замон равишдоши сифат бўлиб келади (прлагательными служат), деб қараганлар (203, 26). Уларнинг фикрича, бу сўзлар *-а* аффикси билан ясалган. Бизнингча ҳам, бу фикр тасодифий эмас. Эҳтимол, у бундай ясалишда тарихий тамойилни билиб ё билмай ҳисобга олгандир, яъни бу сўзни *ёз+им+а* тузилмасини кўзда тутгандир, лекин бу таркибда равишдош тўғрисида фикр бўлиши мумкин эмас. В. Наливкин ва М. Наливкина, Н. С. Будзинскийлар ўтган замон сифатдоши (*-ган* аффиксли) сифат “роли”ни бажаришини айтишган. Бу фикр сифатдошнинг гапда сифат каби аниқловчи вазифасини бажариши билан боғлиқ равишда юзага келган бўлиши эҳтимол.

Бу давр асарларида адъективация тўғрисида ҳам фикрлар бор. Бу ҳақда А. В. Старчевский шундай дейди: “... ясама отлар сифат характери олиши мумкин (25)” ва уни *алдаг, сассиқ, тюнюк* сўзлари орқали асосламоқчи бўлади. Унингча, *алдаг* сўзи ҳам ёлғон, ҳам ёлғончи маъносида қўлланади. Кўриниб турибдики, *алдаг, сассиқ, тюнюк* сўзлари ўзбек тилининг фонетик хусусиятларига мос келмайди ҳамда бу изоҳ ва мисолларда адъективация ҳодисаси анча бузиб ифода қилинган.

Феъл ясалиши. Феъл ясалишига барча асарларда ҳам тўхталинган эмас (М. Терентьев, А. В. Старчевский, Т. Қиёсбеков).

-ла аффикси. З. А. Алексеев бу аффиксни ёлғиз ҳолатда ва *-лан, -лаш* тарзида ҳам феъл ясаши ҳамда уларнинг от ва сифат асосларига қўшилишини айтади (47). Унга *бошламоқ, шодланмоқ, ёқалаш* сўзларини келтиради ва яна бир ижобий фикрни илгари суради, яъни бу аффикс нисбат аффикслари билан келганда, уни нисбат аффиксидан ажратиб бўлмайди, балки улар зич боғланиб кетган, деган фикрни айтади. Ҳақиқатан ҳам, *шодла, ёқала* деган сўзлар ўзбек тилида функционал эмас. И. А. Беляев ва Н. Остроумовлар ҳам бу аффиксни *-ла* вариантыда келтириш билан чегараланади, Н. С. Будзинский эса *-ламоқ* аффиксининг от (*калтакламоқ*) ва сифат (*яхшиламоқ*) ва олмош (*сенламоқ*) асосларига қўшилишини кўрсатади, яъни уни яхлит бир аффикс деб тушунган (97).

-ар, -ай аффикси. Бу аффикс С. А. Лапин (51) ва Н. С. Будзинский (98) томонидан қайд қилинган ва уларнинг сифат асосларига (*оқармоқ, кенгаймоқ, қизармоқ*) қўшилиши айтилган. Бундай ясалишда *қизармоқ* сўзи алоҳида изоҳга муҳтож, чунки уни фақат тарихий жиҳатдан асослаш мумкин, холос. Бу каби этимологик ясалишлар ўзбек тилшунослигида муаммо бўлиб қолаверади. Афсуски, бошқа феъл ясовчилар қайд қилинмаган.

Равиш ясалиши. -гача аффикси. М. Терентьев уни ҳаракатнинг йўналиш ўрнини кўрсатади, деб изоҳлаган (208). Ўзбек тилшунослигида *-гача* аффиксига нисбатан икки хил қараш мавжуд бўлиб, биринчисига кўра, у равиш ясовчидир [Кононов, 1960, 284; Ўзбек тили грамматикаси, 1975, 532], иккинчисига кўра, у шакл ясовчидир [Ҳозирги ўзбек адабий тили, 1980, 248; Турсунов, Мухторов, Раҳматуллаев, 1992, 278].

-лаб аффикси. Бу аффикс В. Наливкин ва М. Наливкиналар от ва сифат асосларидан равиш ясабини ва *яхшилаб, ики кишилаб* сўзларини келтиради (19). Ҳозирги ўзбек тилида *икки кишилашиб* варианты функционал эканлигини таъкидлашимиз жоиз бўлади.

А. В. Старчевский қуйидаги аффиксларни келтиради:

-ле аффикси. Бунга *танг-ле* сўзини келтиради Бу аффикс ўрганилаётган даврда амалда бўлганлиги тўғрисида маълумотга эга эмасмиз, лекин у *-ла* вариантыда тил тарихида учрайди [Abdurahmonov, Shukurov, Mahmudov, 2008, 279].

-н, -ин, -ун, -гюн аффикси. Унингча, улар сифат асосларига қўшилган, лекин келтирган мисолларида отларга ҳам қўшилган: *агрин* (тихо), *кючин* (тяжело, трудно), *қышин* (зимой), *кечқурун* (поздно). Булардан *агрин* (аслида бу сўз ўзбек тилида эмас, қозоқ

тилида *ақирин*, яъни *аста-секин* маъносида қўлланган, лекин унинг *охир* ёки *огир* сўзига қўшилганлиги жумбоқ бўлиб қолади), *кючин* (бу сўзнинг *кучин*, яъни куч билан маъноси тасаввур қилинади, лекин ўзбек тилида амалда қўлланганлиги мунозаралидир) сўзлари ўзбек тилининг фонетик хусусиятларига мос эмас. Ўзбек тилшунослигида бу аффикснинг *-ин* варианты эътироф этилади [Кононов, 1960, 287: Rahimov, Umurqulov, 2003, 180], баъзи адабиётларда сифат ясовчи деб берилган [Sarayev, 2009, 61]. Бу аффикс аслида қадимги туркий тилда восита келишиги аффикси бўлган [Фозилов, 1965, 18].

-ра, -рэ, -ру аффикси. Уларни сўнг кўмакчи деб юритади. Бу аффикснинг жўналиш келишигини шакллантириши ҳам эътиборга олинган. Бунга мисол сифатида *артқару*, *элгару тошқару*, *тигру*, *юзрэ*, *сонгра* сўзларини келтиради. Булардан *элгару* (илгари) *тошқару* (ташқари), *сонгра* (сўнгра) сўзларигина нисбатан ўзбек тили хусусиятларига яқин келади, лекин уларнинг таркибий қисмларга ажралиши функционал эмас, *артқару* сўзи эса мутлақо қўлланмаслиги, *тигру* сўзи *тегра*, *юзрэ* сўзи эса *узра* тарзида қўлланишини қайд қилиш мумкин.

Н. С. Будзинский равиш ясовчиларни қўшилиш асосларига кўра тўрт гуруҳга ажратади (137): а) от ва сифат асосларидан равиш ясовчи аффикслар. Унга *-лаб*, *-ча* (*ўрусча*, *менча*), *-лик* (*намлик*), *-на* (*чакана*) аффиксларини келтиради. Бу ўринда *намлик* сўзи хато келтирилганлигини таъкидлаш мумкин. Эҳтимол, *намлик қилади* каби қўлланишларда бу сўзнинг феъл олдида келиши уни равиш деб қарашга сабаб бўлгандир. Шунингдек, у *чакана* сўзини *чақа* ва *на* таркибдан иборат бўлган, дейди ва шу туфайли ҳам *-на* аффиксини равиш ясовчи деб ҳисоблайди. Бу фикрни қабул қилиб бўлмайди, чунки *чакана* сўзи форс тилидан ўзлашган сўздир; б) сонлардан равиш ясовчилар. Унингча, *бирдин* (по одному), *иков* (вдвоем) шу типдаги равишлардир; в) олмошлардан равиш ясовчилар, унга *менча* сўзидаги *-ча* аффиксини келтиради; г) феълдан равиш ясовчилар. Бунга равишдошнинг бўлишли ва бўлишсиз шаклида, яъни *ажратиб*, *ўйламасдан*, *кўрунмасдан* тарзидаги сўзларни киритади. Афсуски, келтирилганлардан *-лаб, -ча* аффиксларидан бошқа ҳолатлар равиш ясалишига ҳеч қандай алоқаси йўқ эди. Бу масалада Н. С. Будзинский анча хатоликка йўл қўйган.

Бу даврдаги сўз ясалишини хулоса қиладиган бўлсак, қуйидагиларни умумлаштириш мумкин:

1. Рус муаллифлари асарларида тилшуносликнинг назарий масалаларини ёритиш мақсад қилиб қўйилмаганлигидан сўз ясалиши билан боғлиқ назарий фикрлар ўта кам учрайди. Улар ҳам тасодифий айтилгандир.

2. Сўз ясалишида асос ва аффикс муносабатларида, асосан, қайси асосга аффикснинг қўшилиши тўғрисида гап боради, яъни маъно муносабатлари эътиборга олинмаган.

3. Сўз ясалишида янглиш фикрлар, хато фактик материаллар бериладик, уларнинг туб сабаблари муаллифларнинг ўзбек тили ва унинг тарихини етарли даражада ўзлаштирмаганлиги туфайли юз берган деб қараш лозим бўлади.

Умумий хулосалар

1. XIX асрнинг охири ва XX аср бошларидаги ўзбек тилини ўрганишга бағишланган рус муаллифларининг лингвистик асарлари русларнинг маҳаллий халқ билан алоқасини, муносабатини таъминлаш мақсадида юзага келган. Бу асарларнинг аксарияти луғатларга илова қилинган грамматик очерклардир.

2. Ўрганилаган асарлар рус тилшунослиги тажрибаларига асосланганлигидан уларда қиёсий-тарихий тилшуносликнинг айрим қоидалари ҳисобга олинган, бу асарларда ўзбек тили материалларининг жойлаштирилишида Европа тилшунослиги тизими асос қилиб олинган.

3. Гарчанд, ушбу асарлар амалий эҳтиёж туфайли юзага келган бўлса-да, уларда тил назариясининг айрим масалалари ҳам кўзга ташланади, лекин бу асосий мақсад бўлган эмас, шунинг учун ҳам у ёки бу ўринда кўриниб қолган назарий фикрларни тил фактлари келтириб чиқарган, деб қараш лозим бўлади. Бу келишиklar, отнинг маъно турлари, сифат даражалари ва феълнинг айрим масалаларида намоён бўлган.

4. Бу асарларнинг фактик материаллари жонли ўзбек шеваларидан ва, қисман, тил тарихидан олинган. Шунингдек, шу даврдаги вақтли матбуот тилига ҳам мурожаат қилинган ҳамда усмонли турк тили элементлари ҳам учрайди.

5. Ўрганилаётган асарларда ўзбек тилининг асосий хусусиятлари акс этган. От туркумига семантик характеристика берилган (Н. Остроумов), атоқли ва турдош отларнинг хусусияти тўғри баҳоланган. (Т. Қиёсбеков, Н. Остроумов), отларнинг кичрайтириш ва эркалаш шакллари эътироф қилинган (Наливкиналар), бирлик ва кўплик маъноларининг контекstdан аниқланиши ҳам акс этган ва ҳ.к.

6. Шу билан бирга, қуйидаги тил ҳодисаларини улар ўзига хос тарзда ёритдиларки, бунда ўзбек тилининг хусусиятлари кўп ўринларда бузилди: эгалик аффиксларига мустақил сўз деб қаралган, бу даврда функционал бўлмаган курул келишиги тилга олинади ва чақириш келишиги хато равишда киритилади, ўзбек тилига характерли бўлмаган такрорли сон (кратные числа), такрорли майл (кратное наклонение), ўрта нисбат каби шакллар тўғрисида фикр юритилган. Равиш, ёрдамчи сўзлар ва сўз ясалишида ҳам хатоликларга йўл қўйилган.

7. Албатта, юқоридаги фактларни фақат муаллифларнинг шахсий савияси билан боғлаб қўйиш тўғри эмас, балки ўзбек

тилининг ўрганилганлик даражаси, тишунослик савияси ва анъанани ҳисобга олган ҳолда баҳо бериш лозим.

8. Таъкидлаш жоизки, ушбу асарлар бу соҳадаги дастлабки изланишлар эди. Демак, ўзбек тилшунослиги тарихини ўрганишда бу асарлар назарий ва амалий аҳамият касб этади.

Адабиётлар

Абдуллаев Ф. Ўзбек тил билими // Ўзбек тили грамматикасидан материаллар. - Тошкент: А. С. Пушкин номидаги тил ва адабиёт институти, 1949.

Абдуллаев Ф. Ўзбек тилшунослигининг тараққиёти ва А. К. Боровковнинг илмий мероси // Ўзбек тили ва адабиёти, 1974, 1-сон.

Абдуллаев Ф. Шоабдурахмонов Ш. Эллик йил ичида ўзбек тилшунослиги // Ўзбек тили ва адабиёти, 1967, 5-сон.

Абдуллаев Ф. Хоразм шевалари. – Тошкент: Фан, 1961.

Абдуллаев Ю. Очерки по методике обучения грамоте в узбекской школе. – Тошкент: Ўқитувчи, 1966.

Abdurahmonov G'., Shukurov Sh., Mahmudov Q. O'zbek tilining tarixiy grammatikasi. – Toshkent: O'zbekiston faylasuflar ilmiy jamiyati nashriyoti, 2008.

Абдусаматов М. Форс тили. –Тошкент: Ўқитувчи, 1971.

Асқарова М. Кўрсатиш олмошларининг баъзи хусусиятлари ҳақида // Тишунослик масалалари. – Тошкент: ТДПИ, 1970.

Асқарова М., Абдурахмонов Х. Ўзбек тили грамматикасининг практикуми. – Тошкент: Ўқитувчи, 1972.

Алибек. Алишер Навоий тилидаги макону замон келишиклари ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти, 1967, 3-сон.

Алиев Т. З. Язык газеты «Кяшкюль» (XIX век): Автореф.дисс. ... канд. филол. наук. – Баку, 1973.

Ashirboyev S. O'zbek dialektologiyasi . – Toshkent: Navruz 2016.

Аттухфатуз закияту фил луғатит туркия. – Тошкент: Фан, 1968.

Аҳмедов Б. Ўзбек улуси. –Тошкент: Фан, 1992.

Баскаков Н. А. Тюркские языки. – Москва, 1960.

Беҳбудий М. Сарт сўзи мажҳулдир // Оина, 1914, -№ 22 (араб графикасида).

Биобиблиографический словарь отечественных тюркологов. – Москва: Наука, 1974.

Березин Ф. М. Очерки из истории языкознания в России, конца XIX начала XX века. - Москва: Наука, 1963.

Боровков А.К. Узбекское языковедение // 25 лет Советской науки в Узбекистане. – Ташкент, 1942.

Валгина Н. С., Розенталь Л. Э., Фомина М. И., Цапукевич В. В. Современный русский язык, - Москва, 1966.

Гвоздев А. Н. Современный русский литературный язык. – Москва: Из-во Наркомпроса, 1958.

Грамматика Алтайского языка. – Казань, 1969.

Гулямов А. О суффиксе -даш в узбекском языке // Аюб Гуломовнинг илмий мероси. – Ташкент: Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, 2005.

Гулямов Я. Наблюдение над морфологией ташкентского говора // Ўзбек диалектологиясидан материаллар. – Ташкент, 1957.

Залеман К. Самоучитель сартовского языка (рецензия) // Записки ВОИРАО. – СПб, 1887, т.18.

Звегинцев В. А. Очерк истории языкознания до XIX века // Хрестоматия истории языкознания XIX-XX веков. – Москва: Учпедгиз, 1956.

Иброҳимов С. Ўзбек тилининг Андижон шеvasи. – Тошкент: Фан, 1967.

Иброҳимов С., Бегматов Э. Ўзбек тилшунослиги юксалишда // Ўзбек тили ва адабиёти, 1974, 4-сон.

Икромов Р. Модальные формы имен существительных в узбекском языке: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1967.

Камол Ф. О роли русских ученых в научном изучении узбекского языка // Общественные науки в Узбекистане, 1963, №4.

Каримов Г. Некоторые вопросы развития узбекского литературного языка 20-30 годов: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1972.

Касымов М. Ш. Развитие азербайджанского языкознания в советский период: Автореф. дисс. ... доктора филол. наук. – Баку, 1958.

Кононов А. Н. Грамматика современного узбекского литературного языка. – Москва-Ленинград: ИАНС, 1960.

Кононов А. Н. История изучения тюркских языков в России. – Ленинград, 1972.

Леонтьев А. А. Общелингвистические взгляды И. А. Бодуэн де Куртенэ. – Москва, 1968.

Ликошин Н. С. Знания туземных языков // Туркестанские ведомости, 14 апреля 1906.

Лунин Б. В. Из истории русского востоковедения и археологии в Туркестане. – Ташкент, 1956.

Лунин Б. В. Научные общества Туркестана и их прогрессивная деятельность. – Ташкент: Фан, 1962.

Лунин Б. В. Средняя Азия в дореволюционном и советском востоковедении. – Ташкент: Фан, 1956.

Маъруф З. Ўзбек тилида от ясовчи суффикслар. // ФА илмий асарлари, филология, 2-серия, 2-китоб, 1941.

Маъруфов З. Ўзбек тилида сифатларнинг қиёсий даражалари // Тил ва адабиёт институти илмий асарлари. – Тошкент, 1949.

Мелиев К. Ҳозирги туркий тилларда ҳаракат номлари. – Тошкент: Фан, 1969.

Миллий татаббулар мажмуаси. Истанбул, 1331 (ҳижрий, араб графикасида).

Мирзаев М., Усмонов С., Расулов И. Ўзбек тили. Тошкент: Ўқитувчи, 1972.

Михайлов Г. Н. Опыт лексикографического исследования узбекско-русских словарей, изданные в советский период: Дисс. ... канд. филол. наук. - Ташкент, 1960.

Мулла Муҳаммадамин ибн Муҳаммад Каримхожа. Туркча қоида. Тошкент, 1913 (араб графикасида).

Мухаммеджанов К. Туркестанский говор узбекского языка: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1970.

Низомиддинова С. Ҳозирги ўзбек тилида сон. Тшкент: Фан, 1963.

Остроумов Н. Значения названия сарт // Туркестанские ведомости. 1884, №28.

Поливанов Е. Д. Происхождение и наименование узбеков. -Ташкент, 1926.

Попов А. Грамматика калмыцкого языка. Казань, 1847.

Протегенов С. В. История учения о фонеме. Ташкент: Фан, 1970.

Рахманов М. Синтаксические особенности языка газеты «Туркистон вилоятининг газети»: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1971.

Rahimov S., Umurqulov B. Hozirgi o‘zbek adabiy tili. – Toshkent: Moliya. 2003.

Решетов В. В. Основы фонетики и грамматики узбекского языка. – Ташкент, 1962.

Решетов В.В., Шоабдурахмонов Ш. Ўзбек диалектологияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1962.

Sarayev Q. Hozirgi o‘zbek tili. – Toshkent: TDPU, 2009.

Sodiqov Q. Turkiy til tarixi. – Toshkent: TDShI, 2009.

Стэнман Е.А. Опыт сопоставительного анализа притяжательных местоимений в русском и узбекском языках. - Ташкент: Труды САГУ, 1958.

Суяров И. Местоимение в современном узбекском литературном языке: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Самарканд, 1965.

Томсен В. История языковедения до конца XIX века, - Москва: Из-во Наркомпроса РСФСР, 1938.

Турдиалиев Б. 1905-1917 йиллар вақтли матбуот тилининг морфологик хусусиятлари: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1969.

Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент: Ўзбекистон, 1992.

Умаров З. А. Грамматика староузбекского языка “Мабани-ул-лугат” Мирзы Мехдихана: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. - Ташкент, 1967.

Усмонов С. Ўзбек тилида ундовлар. – Тошкент: Фан, 1953.

Усмонов С. Ҳозирги ўзбек тилида сўзнинг морфологик тузилиши. – Тошкент: ТДПУ, 2010 (1964).

Усмонов С. Умумий тилшунослик. – Тошкент: Ўқитувчи, 1972.

Фозилов Э. Ўзбек тилининг тарихий морфологияси. – Тошкент: Фан, 1965.

Фозилов Э. Қадимги обидалар ва Алишер Навоий тили. – Тошкент, 1969.

Фазылов Э. Материалы по истории узбекского языка // Вопросы тюркологии. – Ташкент, 1965.

Фузаилов С. Ўзбек тилида равишлар. – Тошкент: Фан, 1953.

Халилов Л. Форс тили. – Тошкент: Ўқитувчи, 1982.

Шоабдурахмонов Ш. Ўзбек тилшунослиги юксалишда // Ўзбек тили ва адабиёти, 1972, 6-сон.

Шукуров Ш. История развития глагольных форм узбекского языка: Автореф. дисс. ... доктора филол. наук. - Ташкент, 1974.

Щербак А. М. Грамматика староузбекского языка. – Москва-Ленинград, 1962.

Ўзбек тили грамматикаси. – Тошкент: Фан, 1975.

Ғуломов А. Ўзбек тилида келишиклар // ФА илмий асарлари, филология, 2- серия, 2-китоб, 1941.

Ғуломов А. Ўзбек тилида кўплик категорияси. – Тошкент: 1944.

Ғуломов А., Асқарова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент: Ўқитувчи, 1965.

Ҳожиёв А. Ўзбек тилида кўмакчи феъллар. - Тошкент: Фан, 1966.

Ҳожиёв А. Феъл. – Тошкент: Фан, 1973.

Ҳожиёв А. Ўзбек тили сўз ясалиши тизими. – Тошкент: Ўқитувчи, 2007.

Ҳозирги замон ўзбек тили. – Тошкент: Ўқитувчи, 1957.

Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент: Ўқитувчи, 1966.

Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент: Ўқитувчи, 1980.